

САЛИМА УМАРОВА

МЕНИНГ
КЕЛИНЧАК
ҚИЗИМ

Тошкент
«Янги яср авлоди»
2004

87.7

Эътиборингизга ҳавола этилаётган ушбу китобда турмуш
қуриши ёшидаги қизларимиздан тортиб, ҳаётнинг турли синовла-
ри олдида турган барча аёлларимизга сабоқ бўлгулук воқеалар
ҳақида ҳикоя қилинади.

Уни ўқир эканси, беихтиёр, излаган нарсангизни топгандек,
ҳаёт йўлингиз ёришгандек бўлади.

Китоб Сизга манзур бўлади, деган умиддамиз.

20.05
A219

Alisher Navoiy
nomidagi
O'zbekiston M

10

ISBN 5-633-016297

© Салима Умарова. «Менинг келинчак қизим».
«Янги аср авлоди», 2004 йил

I Боб

Менинг келинчак қизим

МЕНИНГ КЕЛИНЧАК ҚИЗИМ

Чөхранг ой билан ҳусн талашаётур. Қарогларингдағи бекіюәс меҳр қадалған юракка ёргу рүх согудай ииёзбахш, муродбахш. Сарви суман қадду бастыңғ, назокату ҳимо билан юришиларинг балогат ёшининг бор малоҳатидан достон сүйлагудай.

Күнгил осмонингни ҳам ҳусну малоҳатингга мос-монаңд латиф түйгулар түлдиргани, гүзал-мунааввар орзулар оламида яшаётганинг сезилиб қолаяпти.

Она жонинг етовида, опаю кеннийиларинг құршовида нозиктағы ошхона бекасига айланғанингдан ҳам хабарим бор. Уйу останаларда, ёғ томса ялагудай қилиб, артиб-суртиб-супуришиларинг боис, кишининг чөхраси акс этадиким, бу ҳам күнглімга қониқиши ҳиссини соглай.

Ҳар бармогингдан ўн, балки юз ҳұнар томиб, әл-улус корига яраётганинг эса, айниқса, қувончли ҳол. Минбаъд, булар учун Сендан күнглім түқ, жигарбандин-қизгинам!

Шу боис останаларни чуқуру йүлакларни яғир этиб, уй турумини бузиб келаётгап совчиларнинг ташрифларини ҳам оғир олаётганим, күнглімга шубҳагар ташвишлар тұлаётгани йүқ. Қайтанга, Момоҳаво онамиздан мерос қисмат — турмуш қуриш ёшига етиб қолғанингдан хурсанд, Холиқ әгамдан тугал баҳтингни тилай-тиладай түнларни тонгга, тонгни шомга туташтириб, дуолар қилаяпман. Чинданам, бу тугал баҳтинграво бўлиши Қодир Оллоҳнинг инояттию, бироқ унинг қай бир жиҳатига ўзинг ҳам сабаб бўласан. Яъни тушеб борган хонадонинг аҳли байтинг ризолигини, шу асно Оллоҳнинг ризолигини олии билан эришасан бунга.

Суюклигим, айни шу масалада күпни күрган бир аёл — Биби сифатида Сенга айтадиган гапларым, берур маслаҳатларым бор. Имкон қадар иккى қулогинг билан эши-ту юрагингга сингдир. Тұрмушингда асқотиши мүмкін улар. Шундагина мен ҳам Яратғаннинг бир бандаси си-фатида Сендан рози бўлиб, хотиржам яшаб ўтаман.

Онам-қизим, мен тайёр «рецепт»лардан фойдаланиб, Сенга насиҳат айтиши ниятида әмасман бугун. Ундан кўра, ўша «рецепт»ларнинг ўзини санаб ўтаманки, чини билан улардан фойдаланадиган бўлсанг, оиласвий ҳаёт бошлиғанингда ниҳоятда қўл келадиган улуг сабоқлар оласан.

Аввало сепингнинг устига онажонинг «Мұхаббат ва оиласвий ҳаёт», «Эр эпламоқ осон, лекин...», «Келинлик останасида» (Р. Шомансурова), «Мусулмон аёлининг эри олдиғаги вазифалари», «Тарбияли хотун» (Ризоуддин ибн Фахруддин), «Минг бир ҳадис» каби китобларни, шукингдек, Турсуной Содиқова асарларини ҳам қўймисиши, улар оила қўргонини асрраб-ардоқлаб, бир умр баҳтиёр яшайман. деган аёл учун чинакам фаолияту ҳаёт «рецепт»лари дир.

Мен эса касб-корим тақозоси сабабли ҳаётда эши-тиб-кузатганим айрим воқеликлардан чиқарган хулоса-ларим оқибатида оила қўргонини пойдор-мустаҳкам асррамоқ учун «нималар қилмаслигинг керак»лигини ҳам тўрт оғиз жумлада айтаб ўтмоқчиман.

Зера, бу «айтув»ларим уларга қўшишча қувват бўлар, ҳаёт йўлингда асқотиб қолар, деган умиддаман, суюклигим.

Биринчи сабоқ

ДАРАХТ БҮЛИБ ИЛДИЗ ОТ, БОЛАМ

Қизгинам, ота-онант, Ватанинг шароит яратди. Үқи-динг, касб-корли бўлдинг, оқ-қорани танидинг. Бироқ Сен тушиб борадиган хонадон аҳлига ёки овсину қайнэтгачиларингта бу имконият насиб этмаган бўлар. Чин заҳматкаш деҳқону чорвадордир улар. Балки у хонадонда ота уйингдагига нисбатан заҳмату меҳнат ҳам бисёрдир. Лекин бу муҳитга зинҳор Сен «ёвқарааш қилма».

Биламан, Сен китобхон қиз бўлиб ўсдинг. Китоб — дўст-ёринг, фикрдош-маслақдошинг, сирдош-дилдошинг. Шу боис китобни ардоқлаб, унга ишониб, унга суюнсан. Ёзилган ҳар бир жумласига, шу жумлани ёзган муаллифга катта муҳаббат билан қарайсан. Хуллас, Сен ўйлайсанки, китоб — эзгулик элчиси, у кирган юракка ёмонлик, ёмон руҳ сифмайди, сифишолмайди.

Афсуски, ундан эмас, қизалогим! Китобхонлик бошқа, китоб ёзиш бошқа, иймонлилик бошқа, иймондорлик бутунлай бошқа нарсадир. Бир воқеани айтиб берай, ўзинг ҳам бунга иймон келтирасан. Мен айтгандай хонадонда ўсган бир деҳқон қизни биламан. Унинг акси ўлароқ, олий мактаб кўргану китобхонлик зийнати билан безанган бошқа қизни ҳам танийман. Ҳар иккиси ҳам бир вақтда тўй бўлди, бир хонадондаги ака-укалару муқаддас чимилиқ бағрига олди уларни.

Орадан ўтган йиллар эса биринчи қизни тушган хонадонига Дараҳт этиб сайлади, илдиз оттирди. Иккинчиси эса бугун ҳам икки йўл ўртасида юрибди. Аҳли хонадон, эр бу келин — бу хотиндан бутунлай воз ке-

чай, деса, орада жондан шириң фарзандлар; яшай дейишиса, китоб ўқигану ҳаётни уқмаган, ўз «мен»ининг қутқусидан бошқага қулоқ осмайдиган нобакор жон билан яшамоқ дүзах азобидан оғирроқ.

Деңгөн қызы, дедим Сенга. Аслида, оила мұхитида момерос қадриятларимизу иймон-диёнатдан ҳаёттій сабоқ олиб ўсган бу қызниң китобхонлиги, аниқроғи, зиёлилиги «олий мактаб күрган овсип»иникидан зиёдалиғи ишлек лаңзалардаёт намоён бўлган экан.

Эътибор қилгин, тўй арафасида ҳар икки келин жуфтлари билан никоҳдан ўтиш учун ФХДЁ бўлимиға боришиади. Шунда ўқиган келин бўлим мудирасига шартакилик билан жавоб қайтаради: «Мен ўз фамилиямда қоламан, дипломимни бузмайман».

Ўқимаган келин эса ҳаёю андиша ичидаги шундай жавоб қайтаради: «...німа десалар шу!» Бундайин эр қурматига бош этиш оиласи ҳаётда аёлни улуғу мұхтарам этувчи итоаткорлик фазилатининг ilk намойиши здики, бу келинчак шу лаҳзадан бошлаб тушажак хонадонида суюкли келин бўлиш учун ўзига эшик очганди.

Ўқиган келин — дипломли келин янги хонадонда ҳаёт бошлар экан, ҳар лаҳза, ҳамма орасида ўзини бир баҳа баланд олаверади, ақллилигини сўзда намойиш қилаверади. Аммо ўз пасту баланди бор рўзгорда кези келса, заҳмат, кези келса, машаққатлар синови пайдо бўлиши бор. Бироқ у буларни тан олишни истамайди, «Оғирнинг устидан, енгилнинг остидан» қабилида иш тутиб, «пастдаги»лар бу мушкулларни ечишга маҳкумдай, барчасини уларга ташлаб қўяди.

Яна бунга виждони асло қийналмайди, ўзини шундай қилишга ҳақдор ҳисоблаб, ўз «мен»и, аниқроғи, кўнгли тусаган иш, давраю даврон учун интилаверади. Ишга бориб, шундай онасиникига ўтиш одат-аъмолига айланади. Аниқроғи, гулгун давралару гапу гаштаклар учун яшайверади.

Бу борада қайнона-қайнотасининг, эрнинг инсофга чақиравчи сўзлари «унинг эркини бўғиш, ҳуқуқини поймол этиш» бўлиб туюлади. Эри билан бу борада баҳлашганида эса «Мени у маънавияту маърифатдан йироқ қишлоқига тенг қилманг», дея овсинининг ўқимаганини юзига солади.

Бироқ ўқимаган келиннинг ўқиган келиндан маънавиятлироқ, зиёлироқ экани вақт ўтиши билан бутунлай шоёну намоён бўлган эди.

«Эрталаб уйғонсам, ошхона томондан шанги овоз келаяпти, — дея ҳикоя қиласи Қайнона. — Беихтиёр, ўша томонга йўналдим. Муаллим келин иккинчи келинимга бор ҳақорат сўзларни айтиб, маломат тошларини отаётир. Эмишки, у бизга ялтоқланармиш, чўри эмиш, етим эмиш. Гап ташиб орани бузармиш ва ҳоказо.

Минбаъд қасамки, у келинимда итоаткорлик, ишсеварлик, мўминалик, фидойилик, хуллас, тарбияту маънавият борбисёр. Лекин ҳеч қачон гап ташиб орани бузишга ҳаракат ҳам қилмайди, бундай пастликдан жуда баланд туради. Шунинг учун ҳам уни қизларимдан беҳроқ кўраман ҳатто.

Ким биландир ораси бузилаётган бўлса, ўзининг феълидан бузилаяпти. Ўзидан бошқани тан олмай, оила манфаатига, эр истак-иродасига беписанд қарашидан оиласи бузилаётир.

Ахир, тушиб келганига уч ой ўтмай, рўзгорини бўлак қилиб берсак ҳам бир эри билан-да муроса қилиб яшай олмаса, овсини айбдор эмас-ку.

Биз — ҳарияларнинг пенсиямиз ўзимизга етиб-ортади. Аксинча, биз болаларимизга, ҳеч бўлмаса, пистанинг мағзи бўлган невараларимизга илинамиз.

...Шу кунларда Бобой бетоб бўлиб ётиб қолдилар. Умрингдан барака топгур, уйдаги келиним чиройли хизмат қиляпти.

Лекин фарзандларнинг ҳам ўз кўнгли бор экан-да. Кеча оқшом катта ўғлим хотини пиширган овқатдан бир

коса олиб, отасини кўришга келмоқчи бўлибди. Муаллим келиним эрининг қўлидан косани тортиб олибди денг. Шунда шўрбаҳтгина болам укасининг хотинини, унинг хизматларини таъкидлаб, аёлига инсонгарчилик одобидан сабоқ уқтироқчи бўлгандир-да.

Бунинг аламини бутун тонгда келиб, ана шу кўйи овсинидан олаётган экан. Ҳатто «Менинг зеримгаям кўз сузаяпсанми?» деса-я, худобехабар аёл!

Ростини айтсам, муаллим келинимнинг шаллақилик билан овсинига айтаётган айблов-ҳақоратларига аввал мен ҳам афрайиб-қотиб қолдим.

Бу орада у айтарини айтиб, ошхонадан чиқди-кетди.

Ногоҳ, келинимнинг аламдан бўғриқиб кетган юзини юваётган шашқатор ёшни кўриб, бўғзимга жоним тиқилди, кўзларимга жиққа ёш тўлди. Аламимдан беихтиёр: «Болам-а, ишсеварлик гуноҳ бўлса, одамгарчилик қилиш, bemor қайнотанинг олдига бир қошиқ таом қўйишу қўлига сув қўйиб-сочиқ тутиш гуноҳ бўлса, Сиз гуноҳкорсиз. Нега шунча қаттиқ гапларни «ютиб, жим ўтирибсиз?» деб юборибман.

— Ойижон, Пайғамбаримиз (С. А. В.) «Бирор сенда йўқ айб билан сени ҳақорат қилса, Сен унинг бор айбини ҳам айтма. Шунда савоби сенга, гуноҳи унга бўлади», деган эканлар. Кейин «Аҳмоққа энг яхши жавоб сукут», дейишади-ку, деди болагинам.

Очиғини айтсам, бошим осмонга етди. Бу келинимнинг шундай оқила, комилаю фозилалигини нима билан баҳоламоқ мумкин?!

Аслида, ўқиган, шаҳар кўрган муаллим келиним ўқимаган келинимдан кўп нарсани ўрганиши керак! Бу «ўқимаган»имга унақа ўқиганлардан юзини алмаштири-майман. Шу боис эртаю кеч жойнамоз устида, дастурхон бошида: «Илоё, яхшиликларинг фарзандларингдан қайтсин-да», дея дуо қиласман умрингдан барака топгурни. Бу эса муаллим келинимни баттар ёқади-ёндираверади...

Ана кўрдингми, қизалоғим, юқоридаги қайнона ҳикоясидан шоён бўлайтики, китобхонлик-иймонлилик бўлолмас экан. Афсуски, бугун бундайлар кўпайиб бораётгандай.

Нури дийдам, Сенгина ана шу йўлдан борма асло! Сабогим аввалида «ёвқараш қилма!» деган жумлани бекорга ишлатмадим. «Муаллим келин»дай ўзингта бино қўйиб, ўз «мен»инг етовида юрмай, аҳли оиласанг, жуфтингнинг ризолигини олиш пайида бўлгин. Бунинг учун зинҳор заҳмату меҳнатдан қочма! Иш қилган бирор ўлса ёки бир жойи камайиб қолса, ўша мен бўлардим, онаги нам.

Лекин кўриб турибсанки, эзининг улуги — олди бўлиб, яшаб юрибман. Умри Оллоҳ беради, уни уддаласа, савобу яхшиликка қориб, хоҳласа, гуноҳу маломатларга гарқ этиб яшаб ўтиш эса инсоннинг ихтиёрида!

Иккинчиси бўлма, болажоним! Бу дунё-охиратнинг зироат майдони, дейдилар. Демак, икки дунё саодати учун ҳам фақат яхшиликлар қилиб, дуолар олиб яшаб ўтмоғимиз мұхимдир.

Хуллас, тушиб борган хонаёнингда аҳли оиласининг, айниқса, қарияларнинг дуосини олиб, жуфтингни ризо этиб яшасанг, биринчи келиндай Дараҳт бўлиб кўкаришингта ишонаман.

Иккинчи сабоқ

НАФСИНГТА ЭРК БЕРМА

Нафс хусусида «Ислом, тасаввүф ва ахлоқ» китобида жуда чиройли таъриф-түшүнчә берилган: «Гүдаккина боланинг сақиҷу шириналлар учун ҳархаша қилаётганини кўрганмисиз? Ишкомдан узум узиб қочаётган ўспиринни-чи?

Пана-пасқадамда «ялашиб турган» ёшларга ҳам дуч келгандирсиз, эҳтимол.

Буларнинг бари Нафс етовида пайдо бўлаётган ҳаракатлар. Шу кўйи, нафс бошқараверади Инсонни!

...Кейинчалик бир буюмимиз ўн, ўнимиз юз бўлсин, деймиз. Мол-матоҳга, мансабу ҳаводор ҳаётга ружу қўямиз.

Тўғри, инсон яшар экан, буларнинг барчасига табиий эҳтиёжи бўлади. Бироқ бу эҳтиёжни оддий-одатий тарзда қондириш, аниқроғи, «яшашиб учун ейиш» бошқа нарсаю нафсга эрк бериш — «еийиш учун яшашиб» бошқа нарса.

Кимки нафсига эрк берса, унинг виждони ҳам «чекина бошлайди». Бирорнинг ризқига, бирорнинг буюмига, бирорнинг «ўрни»га, бемалол кўз тикадиган ҳолга етиб келади.

Нафс шундай бадкор куч-қутқуки, «Ҳамма нарса менга бўлсин, менини бўлсин», дея зртаю кеч руҳу жонингни бошқариб, вишиллайверади».

Қизалогим, илло, бундай оғатдан Оллоҳнинг ўзи асрасин, Сени!

Агарки, ана шу Нафс таъсирига тушиб қолсанг борми, унга қулоқ тутаверсанг, ўз хатту ҳаракатларингни

таҳлил қилиб иш кўрмасанг, унинг етovига кириб, не-не нобакорликлар қилишинг, не-не юракларга дофу дардлар солишинг, уларнинг дуосини эмас, дуойи бадларини олишинг мумкин.

Шу аснода эса Сенга бир воқеани айтиб бермоқни жоиз деб билдим. Маълумки, қишлоқларда авваллари уйлар офтоббет, соябет қилиб қуриларди. Ҳозиргидай иситиш имкониятлари йўқ пайтлар эдики, шу боис офтобрўя уйларнинг қадри баланд бўларди. Айниқса, ёш болали ва қарияси бор хонадонларда бунинг аҳамияти катта эди.

Бир хонадон соҳиблари кекса оталари билан офтобрўя ҳужраларда яшашарди. Оилага пасту пеш икки келин тушган бўлиб, улар соябет уйларда истиқомат қилишади. Бироқ қайнона-қайнотанинг ҳужралари олдида янгидан қурилаётган анча кўкракдор офтобрўя уй ҳам битиш арафасида эди. Унинг хоналаридан бирида оила соҳибининг кекса отаси яшashi мўлжалланаётган ва бунга ҳаётнинг оғир-енгилини кўрган, қарияга ҳам ҳурмат-эътиборли, бунинг устига ёш болалари бўлиб, исикроқ уйга эҳтиёжи баланд катта келинни кўчириш хулосаси пишган кунлар эди.

Бироқ ҳар бир масалада ўз Нәфсигагина қулоқ солиб-ёндашиб, яшаб келаётган кичик келин аҳли хонадон қариндошларининг маъракасига кетиб, ёлғиз қолган куни янги уйга кўчиб ўтади. На овсийнинг зах тортиб кунора касал бўлаётган ёш болалари, на қари чолнинг афтодаҳол аҳволи қизиқтирумайди уни.

Начора, хонадон соҳиби бу ўз «мен»идан бошқа ҳеч кимнинг манфаати қизиқтирумаган келинга оила тинчлигию фарзандлар бахтини ўйлаб, ҳеч нарса демайди. Фақат қария отасини ҳам ўзи мўлжалланган хонага олиб киради ва қелинига унга хизмат қилиш масъулиятини юклаш учун гап очади.

Аммо келин бир оғизда унинг гапини бўлиб, қарияни ҳатто бу уйга киритмасликни талаф этади.

Руҳи-жони ҳам, баробарига кўнгли ҳам боладай бўлиб қолган қария эса шу заҳоти ортига қайтади, зинҳор бу янги уйга йўламайди.

Хонадон соҳибининг: «Ота, уйни мен қурганман, у гапираверади», деган гаплари ҳам ўқсикдил қарияни уйга киришга кўндиrolмайди.

Кўрдингми, онам-қизим, қўйиб берсанг, Нафс инсонни нималарга етакламайди. Ахир, ўша жувон Нифс қутқусига эргашмай, ўз аъмолини ўзи таҳлил қила билганида эди, шу ишни қилолмасди. Овсинининг ўрнига ўзини қўйиб кўриб, унинг ҳолатини ҳис этар, иссиқроқ шароит ўзига нисбатан уларга зарурлигини англар, бундай нобакорларча йўлни зинҳор танламасди. Қариянику ҳаммадан кўра кўпроқ қизғанаар, лоақал унга хизмат қилиб, дуосини олган бўларди.

Аниқроғи, бу келинчак Нифс деган бадкор туйғуни жиловловчи Пайғамбаримиз (С.А.В.) нинг «Дунё ширин ва чиройлидир. Кимки ундан ўз ҳаққини олса, у одамга барака берилади. Аммо қанчадан-қанча нафсига берилаб, дунёга шўнгитан одамлар борки, қиёмат куни уларга фақат оташи дўзах бўлади», деган Ҳадисларини билганида ва ўз ҳаётига сингдирганида эди, ўз тинчи, ҳузур-ҳаловатини ўйлаб, атрофидагиларга жабр қилмас, шу асно гуноҳкорлик юкини ҳам елкасига олмаган бўларди.

Азизам-болажоним, зинҳор Сен у жувонга ўхшама, бу йўлдан борма. Кириб борган хонадонингда муросасозу итоаткорлигинг билан иззат топ, эътибор қозон. Кўп ризоси, қариялар дуоси қўл, дейдилар. Тушган жойингда кўカリб, униб-ўсишингга хизмат қиласиди улар.

Лекин «Таёқнинг икки учи бор», дейди донолар. Жувон ўз тинчи учун, аниқроғи, нафси учун не-не ҳаракатлар содир этаверди, вақтинча муродига етаверди, аммо

«юқ күтариб яшаган» овснитга ўхшаб, «тушган жойида тош бўлолмади».

Хуллас, шу дунёдаям рўшнолик топган эмас. Узоқ яшамай, турмуши бузилиб кетди. Кейинги ҳаёти ҳам баҳтли-хотиржам кечган-кечаётган эмас.

* * *

Гап мавридида бир танишим айтиб берган яна бир воқеа ёдимга тушиб қолди, асалим.

«Бу воқеага кўп йиллар бўлиб кетди. Аммо ҳануз унтурмайман, — дея сўзини бошлиган эди у. — Унда анча ёш эдик. Одимимиздан ўт чақнаб, ишлаб-яшардик.

Бир ҳамкасбимиз ишдан кетдию, бўш қолган хонасига ҳамхонам ўтказиладиган бўлди. Бу тадбир амалга оширилган куни иш билан туманлардан бирига жўнагандим.

Эртасига эрталаб хонага кириб келдиму, аввалига ҳайратдан ёқа ушлаб қолдим. Кейин дилим, беихтиёр, ранж-изтиробга тўлдики, анча вақтгача барчасидан бир йўла кўз юмиб, деразага «қапишиб» олдим. Кўчани, ҳар томон шошаётган ҳар хил ёш, ҳар хил руҳиятдаги одамларни кузатиб ўтиредим. Ҳовли саҳнидаги анвойи бўй таратиб очилиб ётган турфа ранг атиргулларга термудим.

Хуллас, ўзимни чалғитиш, дил ранжаларим берган Жаҳлни чекинтиришим керак эди. Шу пайт катта кўчадан оркестр мусиқаси садолари остида бир тўда қора кийган аёл ва эркаклар тобут кўтариб ўтаверишди. «Беш кунлик дунё-я, бор-йўғи беш кунлик! Нега биз абадиятда яшаётгандай ҳаракат қиласиз? Манфаатимиз, аниқроғи, нафсимиз учун ҳар қандай тубанликдан қайтмаймиз?» деган савол яна аламларимни ёлқинлантирди. «Абадий турадигандек, мол-дунё жамламагин, зартага ўладигандек, охират учун ҳам яша», деган Қудсий ҳадисни ёрдамга олдим.

Ха, бу маънавият дурдонасиининг магзини чаққан киши фақат кўнгил олишу савобу яхши ишлар қилиш учун бел боғлайди. Оллоҳ синовга бериб қўйган бу умр-ҳаётда ўз нафс-ҳоҳиши деб, ҳеч кимнинг кўнглига оёқ босмайди. Инсон кўнгли каъба, деб биладию, уни тавоф айлаб, ўзига истаган нарсанигина ўзгагараво кўради.

Афсуски, етти-саккиз ёш кичик ҳамхонам шу куни бу ишнинг тамомила тескарисини қилган эди. У хонамиздаги стол-стулларни ўз хонасига олиб кетгандиу, у хонадаги исқирт стол-стулларни бу хонага келтириб қўйганди.

Худди шу ўринда вазиятни ойдинлаштириш учун қисқа изоҳ. Ишга яқин йиллар ичидаги келиб ишлаётган бу жувон хонасинг буюмларига деярли беэътибор эди. Шу боис жамоат жойи, келиб-кетувчилар нигоҳи бор, биз аёл кишишимиз, деган истиҳолада фаррошга ҳам қараб ўтирмаи, уларнинг тозалиги, тартиби учун ўзим масъул эдим доим. Атиги икки-уч кун олдин ҳам уларнинг барчасини алоҳида ювиб-артиб, тозалаб қўйган эдим. Аслида, нариги хонадаги ҳамкасбимиз йигит киши бўлиб, «буюм парвариши» билан шуғулланмасди.

Сирасими айтганда, шу тартиб-тадбирлар амалга оширилса, у хонадаги стол-стулларнинг ҳам булардан кам жойи йўқ эди-я!

Бироқ, у хонага кўчиб кираётган зот аёл киши эди. Истаса, ҳаммасини чиннидай қилиб, тозалаб олиши мумкин эди. Афсуски, у чин аёл — инсон тадбирини амалга ошириш ўрнига юқоридаги ҳолни содир этди.

Тўғри, у билан ҳамхона бўлиб кўчиб кираётган жувон инсон кўнглини қизғанишда ҳам, меҳнатсеварлигу инсоғу диёнатда ҳам мутлақо унинг тескариси эдики, бу иш учун, у аёлнинг ҳаракатига қарши боролмагани учун ўзини айблади кўпроқ ва хатоларини тузатишга ҳаракат қилди.

Лекин ҳеч қачон күнглингга тушган дарзни кетказиб, битказиб бўлмас экан. Назаримда, эсласам, бугун ҳам шу жойдан совуқлик кириб, юрагим сизиллаб оғриётганини ҳис қиласман.

Дилбандим, аслида, иш жойи ҳам муборак гўша, оиласангдай муқаддас маскан. У даргоҳда ҳам одамлар меҳнати ҳисобига яшашга ҳаракат қиласангу, ишингда сифату самара бўлмаса, кўнгилларни босиб-янчиб яш-ётганингни мунофиқона кору амалинг билан беркитсангда, барибир бир кун вазият ошкор бўлади. Сендан атро-фингдагилар безий бошлайдилар.

Энг асосийси, ҳар бир кору амалимизни сарҳисоб қилиб тургувчи Ҳақ — Яратгувчи бор, унинг ажру му-кофоти мавжудлигини унутмаслигимиз лозим.

Хуллас, кўпроқ Оллоҳнинг ризолиги учун интил, болажоним! Унинг ризолиги эса фақат яхши амаллар қилишимиз билан бўлади.

Учинчи сабоқ

ТАН ОЛМОҚ ҲАМ ФАЗИЛАТ

Бу тириклик дунёсининг ўзи Яратганинг мўъжизасидир. Бўлмаса, Дунёи дунда ҳисоби йўқ одамизоднинг бир-бирига бармоқ изи тўғри келадиган лоақал бир-иккиси топиларди-да. Ёки кўз ўнгингда пагалаб ёғаётган ҳорнинг беҳисоб зарраларидан лоақал икки донаси бир-бирини такрорлаган шакл-шамойилга эга бўларди-да.

Қизалогим, гап қор ҳақида кетди. Бир воқеа ёдимга тушди. Ҳали чучук тил, лекин сўзлари бийрон маъсума қиз эдинг. Иссиқ печ ёнида ўтириб, деразадан кўчани кузатаётгандим. Тиззамга келиб ўтирдинг. Пагалаб қор ёғар эди. Ҳаво мўътадил. Болакаю, ўсмиirlар бир-бирига қор отиб, қийқириб ўйнашаётир.

Раҳматли онагинам шундай кезларда айтиб ўтирадиган хиргойи ёдимга тушди. Уни, беихтиёр, мен ҳам такрорлай бошладим:

*Қор ёғди деб қувонманг,
Унинг совуги бордир.*

Сен заррача хато қилмай, айтганларимни такрорлай-вердинг... Умрнинг энг баҳтли лаҳзалари эди бу дамлар.

Дардақиқат, қор ёғаверган сари ҳаво совийверди. Ба-робарига ҳўл қор ҳам қуруқ қорга айланаверди. Охири бўғотларда, дарахт шохларида дастлаб эрий-эрий сув бўлиб оқаётган қор гўзал, оппоқ сумалакларга айланди. Ҳар тому нов-тарнов, дарахту симёғочу симда «новвоту новвотлар шодаси» пайдо бўлди. Айрим тарнов-

лар, новларда эса сув оқимининг катталигига қараб чи-
ройли, юз бир шаклу безакдаги «қандил»лар жилваланар эди. Бу манзарага ақл кўзи билан қараган киши,
бенхтиёр, санъаткор табиатга, унинг яратувчиси Қоди-
ру Ҳаққа чин дилдан ҳамду сано айтади.

Ана шу лаҳзаларда уйга қўшнимиз Ҳанифа момо ки-
риб келдилар. Ҳар гал келинлари билан гаплари қоч-
ганда, тўлиб-тошганда ана шундай ташриф қилгувчи
эдилар.

— Айланай, кўпни кўргансиз, маслаҳат беринг-да яна.
Нима қиласримният билмай қолдим. Э, шу аёлларнинг
майда гапи, дарду балоси-да. Қачон қарасанг, бир-би-
рига хезлашиб-furullaшиб турар эдию, лекин Ҳикмат-
нинг хотини сиртидан мулоийим кўрингани учун кўпроқ
Ўлмасимният хотинига «ёвқарашиб қиласрдим». Илгари-
лари дуппа-дуруст юрган келиним янги келин келиб,
куйиш чиқардимикан, деб ўйлардим-да.

Бир орада иккиси аҳил ҳам бўлиб қолишиди, бироқ
огзимният таноби қочиб, бу ҳақда бировга мақтov учун
оғиз очиб ултурмай, ўзимга «ҳужум» бошланди.

Кўпинча, «мулоийим келиним»нинг чаёндай чақадиган
личингларидан жоним бўғзимга келса-да: «Икки киши
ўртасида жанжал чиқса, ақллиси гуноҳкор», деган Пай-
ғамбаримиз (С.А.В.) ҳадисларини эслаб, оғзимга мум тиши-
лаб оламан. Ахир, мен қайнотнаман, кўпни кўрган аёл-
ман. Бунинг устига, бир кун жанжал чиқсан уйдан қирқ
кунлик хайру барака кўтарилашиш. Яна... болаларим
униб-ўсиши учун ҳам норозилик-ношукурлик қиласли-
гим керак! Шунинг учун ҳам барига бепарво бўлиб, Ол-
лоҳнинг ризолигини олиб яшашга ҳаракат қилдим.

Энг муҳими, болаларим униб-ўссин, ўзидан кўпайсин.
Мен яшаганман-яшадим, энди улар яшashi керак!

Шунинг учун ҳам биринчи галда мен ақлли она-қай-
она бўлиб, оила тинчлигини асрарим лозим. Шунга бур-
чдорман.

... Минг шукр, келинларимнинг юрагига Оллоҳ бир ёргулик солдими, дeng, улар маҳалла аёллари билан бирга эски ўзбек ёзувини ўргатадиган курсга қатнай бошлашди. Қишиш бошланишида бод касали қўзғаб, Ўлмасимнинг хотини анча-мунча фурсат машғулотларига боролмай қолганди.

Лекин, ўзлаштиришию қироати барибир Ҳикматнинг хотининикидан яхши эмиш. Устози уни бот-бот мақтатётганмиш. Буни қўшнилардан эшитдим, албатта.

Аслида, рўзгор юмушларида, тикиш пишир-куйдирларда ҳам Ўлмаснинг хотини Ҳикматнинг хотинидан сара иш қиларди. Қилган ишидан кўнглим тўлиб, унга бугунга қадар бирор марта ортиқча бир сўз айтган эмасман.

Аммо шу кунлардан бошлаб, яна келинларим орасида «гуру пис» бошланди. Тўғри, бу пайтлар ҳар галтидай, «мулойим келиним» менга меҳрибон бўлиб, атрофимда парвона бўла бошлади.

Кеча оқшом чой ичиб ўтириб дeng, беихтиёр, улар орасини ислоҳ қилгим келди.

— Ўқишилар қандай, қизларим? Яхши ўзлаштиряпсизларми?

Аксинча, бу саволим улар орасидаги совуқликни кўтариб ташлаш ўрнига, тескари таъсир этди. Ўйламайнетмай, ўзидан етти-саккиз кўйлак ортиқча йиртган овсини ҳали бир сўз демай туриб, «мулойим келиним» «сайраб қолди»:

— Устоз мақтасин деб, опамиз ўзларини тўрт томонга уриб, ўқиётибдила.

Ёши катта, деган ҳурмат қайдо-ю, андиша қайда? Очифи, унинг бу тавқи баҳоси, муомала-муносабати овсинига қандай таъсир этди, билмайман. Лекин, менинг дилим оғриди. Шу боис ҳам катта келинимнинг кўнглини қизғаниб, беихтиёр, кичигига шундай жавоб айтиб юборибман:

— Бу келиним ҳамма ишниям ана шундай зеҳну эътибор, фидойилик билан чиройлик қилиб қиласди. Камчилигидан мақтовли жиҳати кўп.

Кичик келиним бу гапларимни эшига туриб, шолғомдай қизариб қетганини кўрдим.

— Хушомад уриб, ялаб турсам, мен ҳам яхши бўлардим сизга!

Йўқ, шу пайтгача мен уни бирор марта сен ёмон деган эмасдим. Аммо кези келганда, таъмсиз-тузсиз пиширган овқатлари учун; ошхонадаги, уйу остонаядаги дидсиз ишлари ёки ялқовликлари учун бирда-ярим танбеҳ берган, камчиликларини кўрсатиб, тўғри йўлга солишга ҳаракат қилган ваҳтларим бўлгандир.

О, бу «мулойим келиним»нинг кўкси тўла ҳасад, кўролмаслик эканку!

Овсинлар ўртасидаги жиққиллашиб қолишларга ҳам ана шу нарса сабаб бўлаётгани аниқ. Бу ҳолда улар бир ҳовлида, бир рўзборда узоқ яшаёлмасликлари кўриниб турибди. Бирини чиқариб юборибгина тинчиш мумкиндири. Очиғи, юқоридаги фазилатлари сабаб каттасини кўзим қиймайди. Кичиги эса ўз тинчлиги, ҳузур-ҳаловатини ўйлаб, сираям бу хонадонни тарқ этгиси йўқ.

Бунинг устига шу кунларда: «Ҳовли кичигиники бўлади, биз қоламиз-да», деган гапни такрор-такрор айтиёттир. Нима қиласдиримни билмай, бошим қотиб қолди...

Ҳа, ўша куни Ҳанифа момо ана шу гапларни айтган, дил ёриб, маслаҳат солган эдилар. Чини билан ўшандан кейин катта ўғил ва келин ҳовли-жой қилиб яшаш учун ер участка олишди. Бир амаллаб қуриб-яратиб, яшаб ҳам кетишиди.

Аммо Ҳанифа момонинг кичик келин билан қолган хонадони жанжалхонага айланди. Момо юқоридаги андишалари сабаб ҳаммасини ичига ютиб, яшашга ҳаракат қилди, бўлмайвергач, катта ўғлиникига чиқиб кетди, бу фано дунёни тарқ этганига ҳам анча бўлди.

«Мулойим келин» эса ҳали-ҳануз ўз кунида яшаётган овсинини ёэгириб, ўлиб кетган қайнона руҳини чирқирадиб, эри билан жанжал қиласиди. Лекин ҳеч қачон вазиятни тўла таҳлил қилиб, ўз камчилитини кўрмагани каби уларнинг ютуқлари-фазилатларини ҳам кўра олмайди ва бу билан ўзининг ҳаётида ҳам бахту хотиржамлик асло қарор топган эмас. Кўксидаги ҳасад деган бало эса нафақат овсин, қайнона, бошқа яқинларни, мутлақо ташқаридаги кишиларни ҳам ўз комига тортиб, энг муҳими, ўзининг ҳам тинчлигидан айириб, ҳаётини заҳаролуд рангга бўяб яшаяпти.

Дилбандим-қизгинам, ушбу воқеликни ҳам эслаб қолгин-да, ўзингга ибратли сабоқ ол. Сўзим бошида Оллоҳу оламнинг бетакрор мўъжизалари мисқоли саналган қор зарралари ҳақида, уларнинг бетакрорлиги хусусида гапиргандим. Ҳар бир инсон Яратгувчи томонидан яралган бетакрор мўъжиза. Бу мўъжизага аввало ҳурмат билан қара. Ўзингда йўқ бир эътирофли жиҳатни унда топсанг, буни мардона тан ол ва бунинг учун уни яна алоҳида ҳурматлаб, қадр эт.

Бу эса Оллоҳни қадрлаб, унга ҳамд айтганингнинг бир белгисидир. Бундай бандаларига Холиқ эгам, албатта, икки дунё саодатини мұяссар қиласар эмиш.

Тұртқынчи сабоқ

ЖАҲЛ-ЖАҲОЛАТ ИШИ

Тикувчи Саидахонни яхши танийсан. Маҳалламиздаги Абдурашид шофёрнинг пасту пеш туғилиб вояга етган қизларидан кattаси. Түрт қизнинг барчаси ҳам зукко, ҳаёли, хушкүлқ-хушахлоққу, айниқса, Саидахон ўзига хос оқила, иболи, андишали. Опа-сингиллар тикувчилик ҳунарини танлашди. Ҳадемай, энг зўр тикувчи ҳам бўлиб етишишди. Лекин Сайданинг кўнгли ярим эди. Боиси, у кўнгил қўйган, меҳр берган навжувон йигитни бешафқат ажал бемаҳал бу тириклик дунёсидан олиб кетганди. Шундан қизгинанинг юрагига зарб тушган эдики, бутун руҳи-ҳаётида тушкунлик сезилб турарди. Аслида, қизгинанинг ишу амали, тарбияту фазилатлари тилга тушиб, совчилар уй турумини бузиб, кўп келишиди. Лекин Саида ўша алп келбатли, содда-самимий ўғлонни — акасининг тозадил ўртоғини унуголмас, келгандарга рад жавобини бераверарди.

Бу орада бўйи етган синглиси Мамлакатнинг бахти очилиб кетди.

— «Тўққиз тўйи бошланиш арафасида, одамлар бирин-кетин даврага кириб келишаяпти, — ҳикоя қилганди ўшанда қизгина. — Шу пайт дадамнинг раҳбари бўлиб ишлаётган Эгамқул аканинг хотини шаҳд билан кириб келаверди. Ойим билан мен у кишининг ҳурматига пешвоз югурибмиз, дeng. Ammo аёл бизга қайрилиб ҳам қарамай, шу атрофда тўй тайёргарлигига бош бўлиб юрган Эгамқул акага шанғиллай кетди. Энг алам қиладигани, ҳаммани оғзига қаратиб: «Бу одамга ана бу қиз керак.

У эримнинг кўзи-бошини айлантириб олган. Шунинг учун ҳам ҳадеганда шу ёққа югуради. Менинг, болачақамнинг унга аҳамияти йўқ», — деди-да, кейин менга юзланиб: «Эримни тинч қўй», — дея бор ҳақорат жумлани бошимдан тўка бошлади.

Очиғи, бошимга тушган бу гурзуладай оғир маломат-туҳмат тошидан аввал анграйиб, қотиб қолибман. Кейин халойиқ олдида ерга кириб кетай, дедим... Мен учун шу қадар шармандали ҳолат эдикি, бу кунни бирор одам боласига раво кўрмайман. ... Хуллас, бу тўй мен учун тўй бўлмади, туҳмат оловига ёқилган жоним азоб ичда қоврилиб, унинг қандай ўтиб кетганини ҳам билмай қолдим.

... Ахир, Эгамқул aka отам билан тенгдош бўлиб, иккиси дўст-биродардай ҳамкор эдилар. Бирин раҳбар, бирин ҳайдовчи бўлиб, бир майизни бўлишиб ер, отам ҳам уларнинг (ҳатто қариндош-уругларининг-да) ўтидан кириб кулидан чиқар, тўй-тадбирларига ётиб олиб хизмат қилгувчи эдилар. Шунинг учун ҳам Эгамқул aka яхшиликка жавоб қайтариш учун синглимнинг тўйига бош-қош бўлаётган бўлсалар керак!

Лекин бунга менинг нима алоқам бор эди? Нега мени у ўқиган, одамларга маънавиятдан сабоқ бергувчи аёл отам тенги кишига боғлади экан? На шаъним, на қалбим, на меҳнатларимни зифирча писанд қилмай (ахир истаган фасонида не-не кийимларини текин тикиб берар эдим. Отаму эрининг дўстлиги ҳаққи-ҳурмати, албатта.) бошимдан маломат мағзавасини ағдарди, юрагимни туҳмат тошлари билан пора-пора қилди.

Рости, то шу кунгача мен одамларнинг бунчалик юзсизлик, шафқатсизлик қилишларини, бир-бирларига нисбатан бу қадар адолатсизу ноинсоф эканликларини билмасдим.

Ўша кундан бери ўзини ўта ақлли ва зиёли ҳисобловчи ўша аёл мисолида «одамлар бир-бирига бўри» экан-

ликларини англаб етдим. Ҳаётдан, яшашдан күнглим қолди. Ҳозир юрсам — йўлимда, ўтирсам — ўрнимда шу аёлни қарғаб яшайман...»

Энг одил ҳакам — Вакт, дейди доноларимиз. Дарҳақиқат, Сайдахон оқила, ҳаёли-иболи қиз эдик, бу етти маҳаллага аёну шоён эди. Фақат энди у «ўлганнинг ортидан ўлиб бўлмас»лигига ақли етди. Ҳадемай, тенги топилиб, обрў-иззати билан чимилдиққа раво бўлди. Бахтли-саодатли турмуш соҳибаси бўлиб ҳаёт кечиряпти ҳозир.

Бироқ, чини билан жаҳл-жаҳолатига эрк бериб, унинг етовига кириб, бир кўнгилни ноҳақ вайрон қилиб қарғиши олган аёлнинг на ўзи, на қизи бахтли бўлолмади, ҳаёти тиниб-тинчиб кетган эмас.

Ҳар гал улар билан боғлиқ «янги гап» эшитганимда, беихтиёр, Сайданинг ўша алamu изтироб тўла қароглари кўз олдимда пайдо бўлади. Юм-юм йиғлаб айтган ўша гаплари, «Қарғамагин, болам», десам-да, қилган «оҳилло»лари қулогум остида беихтиёр жаранглайверади.

Суюкли жигарбандим, бу ҳам синовли дунёсининг бир ўгиту сабоғи бўлгулик-воқелик. Шу боис ҳам ҳатто асосли нарсани бирорвга таъна-маломат қилиб айтма, асосизини айтишнику хаёлингга ҳам келтирмагин, асло. Жаҳл ёмон. У Шайтоннинг ишидир. Фақат, жоҳил кишилар унга эришадилару, ана шундай ярамас иш, кўнгилсизликларни содир этиб қўядилар.

Расули Оллоҳ Пайғамбаримиз ҳам «Жаҳлингиз чиққанда унга эргашмаслик учун ўтириб олинг, ўтирган бўлсангиз, ётинг», дея бежиз айтмаганлар.

Ўша аёл турмуш ўртоғидан қанча норози бўлса-да, унинг келишини уйида ўтириб кутганида, келганида андишаю оқиласлик билан келишиб-гаплашиб олганида, жаҳлинини жиловлаб, тўйхонага жанжаллашиш учун бормаганида шу кўнгилсизликлар бўлмас, қизга асосиз маломат қилиб, унинг асосли қарғишига гирифтор бўлмас эди.

Зероки, муборак китобларимизда ёзилишича, барча амалу аъмолимизнинг жавоби охиратда — Ҳақ Маҳшар тонгида берилар экану, лекин уч нарсанинг жавоби шу дунёда берилар эмиш. Яъни, ота-онанинг, мазлумнинг (эзилганинг), мусофирикнинг дуойи бадини тусадиган парда йўқ, уларга қилган амалимиз жавобини шу дунёнинг ўзидаёқ олаверар эканмиз.

Суюклигим, ана шуни унутмаган ҳолда, ҳамиша жаҳл отини жиловлаб, тил тулпорини тизгинлаб яшагин.

Кўнглинг маъқуллаган нарса ҳар доим ҳам тўғри бўлавермайди. Кўпроқ ақлингга қулоқ сол. Ақлни Раҳмон, туйғуни Шайтон бошқаради, дейдилар. Қанчалик туйғудан холи, ақлга ошно яшасанг, шунча кам хатога йўл қўясан. Ҳаётдаги пушаймонлигинг ҳам шунчалик кам бўлади, кам қоқиласан.

СҮЗУ АМАЛИНГ БИР БҮЛСИН

Биз — маҳалла яраштирув комиссияси аъзолари бир оиласидаги келишмовчиликни бартараф этиш учун оила аъзолари билан суҳбатлашиб ўтирган эдик. Шу пайт маълумотнома керак бўлган, шекилли, бир аёл кириб келди. Уни яқиндан билганлар, бир ўзига хослигини кашф этиб бўлишган. Зоҳиран «сўзи ялтироқ, майин бўлса-да, амали қабиҳ»лик айни шу аёлга хос хислат. Лекин бу синов дунёсида ақлу фаросатли киши бировга «сен бунақасан», деб айтмайди. Иложи борича, айбини билса-да, билмасликка олиб, инсонийлик одобига кўра муло-замат кўрсатади. Биз ҳам бу аёлга айни шундай мулозамат-муносабат қилдик. Уни даврага чорладик.

Бир лаҳза ўтиб, у давранинг чинакам «гултоғиж»га айланди. Ҳеч кимга сўз бермай, ёшларга панд-насиҳат қила бошлади. Жумладан, шундай дейди:

— Ҳаёт бу, ҳар бир оғирликка чидаб, озига кўниб, борига қаноат этиш керак. Бунинг учун ўқимишли бўлишимиш, кўпроқ китоб ўқишимиз, ҳаётдан сабоқлар олишимиш, ўз оналик, аёллик номимизга, касб-коримизга муносиб бўлишимиш, муносиб иш қилишимиз даркор.

Мазмунан тўғри бўлган фикрларини биз ҳам маъқуллаган бўлдик.

Аслида у аёл ҳар қандай тадбири давраларда бу борада тўлиб-тошиб сўз айтиш санъатини намойиш қилар эди. Бир йигинда аёл маънавияти — одоби хусусида гапирса, бошқасида эр, оила олдидаги аёлнинг бурчи, унинг фидойиликлари тўғрисида гапиради. Оллоҳнинг

ўзи кечирсингү, ҳатто Ҳадису Қуръони Каримдай мұқаддас битиклардан күчирмалар оларди сүzlаридан.

Бошқа бир тадбирда эса «маънавий қашшоқлик»дан қутилиш йўли — китобхонлик тўғрисида тўлиб-жўшиб сўзларди.

Ўша куни ана шундай тадбирлардан бири давом этаётганди. У сўз бошлиши ҳамоно бир йигит ўрнидан шартта турдию, маърузасининг қоқ «бўйнидан узди».

— Опа, нима бўлсаям аёлларимиз сиздан ўрганиш масин-да, ишқилиб. Ўргилай китобхонлигингиздан. Шундай камтар-камсуқум, ичмас-чекмас, тарбияли-тадбирли, топарман-тутарман Жавлон aka эр эмас, қаро ер ҳолатига келиб бўлдилар-ку! Катта «қаноат» ингиз, «сабр-тоқат»ингиз, «бетакрор маънавият»ингизга зргашиб, кунда-кунора ё маҳалла, ё милицияга етаклаб борасиз, у кишини. Ҳеч бўлмаса, ишхонасига борасиз, бўлмаса, бирорни юборасиз!

Ҳалиям бизани аёллага ўхшаб кўпинча бугунни қозонини қандай қайнатишни ўйлаб куймайсиз! Куйсайиз, энг охирги мода кийим олиб беришга пули етмай қолган эрингизнинг «~~некобиллиги~~», пул топиб беролмаганидан куясиз...

Даврадагилардан кимдир пиҳиллаб кулиб юборди, юз амри ширин, андиша ичида кимдир бошини қуий эгди.

Ҳалиги йигит эса қандай шаҳд билан гапирган бўлса, шундай шиддат билан хонадан чиқиб кетди.

Нури дийдам — қизгинам, бу воқелик ибратига ҳам қулоқ тутгин-да, ақлингни пешлагин.

Тўғри, аёлни Яратганинг ўзи табиатан тарбиячи қилиб танлаган, шу асно елкасига юк қўйиб юборган бу дунёга. Шу боис ҳам чинакам аёллар бола тарбиялади, эрига меҳр-садоқат кўрсатиб, сабру қаноати, муруват-оқибати, фидойилиги билан уни ҳам тарбият этади. Шу асно оилани, у баробарида жамиятни ҳам тарбиялади...

Лекин, ҳалиги аёлдай эмас-да. Аввало инсон ўзига неки фазилат-хислатларни жам қилган бўлса, шу хусусда сўз айтишга маънавий ҳуқуқи бўлса, ана шу тўғрисида гапириши лозим. Токи, амали солиҳ кишининг иймондиёнати сўзида акс этган бўладики, уни ҳатто мард бўлса, душмани ҳам тан олади ва сўзлари ҳеч кимнинг ғашига тегмайди. Аксинча, кўпга маёқ бўлади, адашганга йўл-йўналиш беради.

Айтган сўзи амалига мос тушмаган киши эса амали ғайир-нобакордир. Унинг гаплари ана шундай, эшитганинг ғашига тегади. Яхши сўз, амаллардан ҳам кўнгилларни бездиради. Яхшилик, эзгулик, ҳалоллик, Ҳақу Адолатга шубҳа уйғотади.

Шу боис, онажоним, ҳамиша сўз юкига эътибор қилгин. Мунофиқлик эмас, иймон йўлини танлагин-да, ҳеч бўлмаса, асл аъмолинг, хатту ҳаракатинг Оллоҳга аёнлигини унутмай, амалингга муносиб сўз қил ҳамиша.

Ниманики хор этсанг, шунга зор бўласан, деган ҳикмат бор элда. Айниқса, яхши, эзгу амалларни хор айламагинки, эртага ана шуларнинг ҳаммасига ўзинг зор бўлишинг мумкин. Хуллас, Ҳадисларда айтилганидай, Оллоҳ мунофиқларни ёмон кўрармиш. Бу дунёда жавобини бермаса, кору амаллар ҳисоб-китоб қилинур кунда ажру мукофотини, албатта, оламиз. Ана шуни зинҳор ёдингдан чиқарма.

Олтинчи сабоқ

ҚАРҒИШ ОЛМА

Назира опа ҳам сенинг ёшингда гўзал ва маъсума бир қиз эди. Орзулари оламга сиғмас, дунё фақат баҳту шодумонликлардан иборат, деб ҳисоблар эди. Турмушга чиққаҷ, дастлабки ой-йиллар шундай олам ичиди яшади ҳам. Бироқ вақт ўтган сари, айниқса, бир пайтда тўй-чимилдиқ кўрган дугоналари тансиқ бир неъматни — чақалоқни бағрларига босиб, шодумон юрганларини; алла айтиб, дор-дор йўргаклар юваётгандарини кўрганда юрагида ногаҳон оғриқ турганини ҳис қиласидиган бўлди. Эридан, хонадонидагилардан беркитиб, йиғлаб-йиғлаб оладиган одат чиқарди.

Орадан ўтган беш йиллик муддат эса унинг кўз ёшлиари ошкора тўкилишига, чин алам билан эзилишига олиб келди. Аниқроғи, бу кунлар шифокорлар унинг она бўлолмаслигини исботлаб бердилар.

Икки киши бир йўла баҳтсиз бўлиши инсофдан эмас. Назира опа ана шуни юрагидан ҳис қилгани боис баҳтсизликни тўла бўйнига олиб, ота уйига кетишни лозим топди.

Бироқ узоқ қариндошларидан бирининг хотини бемашал ҳаётдан кўз юмиб, уч қиз, бир ўғли ота қўлида чирқиллаб қолган, тўгрироғи, Тақдиру азалнинг ўзи бу яримдилларни бирга қовуштиришнинг фурсатини яқинлаштираётган эди...

Назира опа бу хонадонга бор бутун оналик меҳри билан кириб борди. Болалар учун яшади гўё. Уларни яхши едириб, чиройли кийдиришдан, шодумон чеҳраларини кўриб — қувонишдан ортиқ баҳт йўқ эди унга.

Шундай пайтлар бўлдики, ҳатто уларни ўзи туққанига ишонди. Орадан йиллар ўтиб, қизлар узатилди, ўғил уйланди.

Ҳамма машмаша эса ана шундан кейин бошлианди.

... Чимилдиқ кўрмай қовуштан келинни кейинчалик тўй қилиб олиб келишса-да, унинг ҳомиладорлиги ўғли билан орасидаги муҳаббати опани масъуд этганди. Энг қувончли томони, келинчак кетма-кет фарзанд кўравердик, менинг келинимдан кутганим, аслида, фақат шу эди, — дейди бепуштлик аламини тортиб яшаб ўтаётган аёл.

Ҳатто опани ўлган кундошининг қариндош-уруглари ҳар жиҳатдан тан олганди. «Оналарингдан кам қилмади», дея жиянларига насиҳат қилишар, опани эса ўз жигарларидай бағрларига тортишарди.

Бироқ келин учун мол-мулк, ҳовли-ҳарам муҳим, аниқроги, нафс қутқуси устувор эди.

Ана шунинг учун ҳам, у табиатан болажонлиги сабаб, онаси ўлиб, етимхонага топширилаётган бир норасидани ҳам ўз номига ўтқазиб олиб, боқиб-тарбиялаётган опани ёмон кўриб қолди.

«Нега ўғил асраб олиб, меросхўрни кўпайтириб олди онанг? Сени ўзи туққанида асло бу йўлни тутмасди, деб эри билан ғижиллашаверадиган одат чиқарди.

Қайнона-қайнота кичик бекани тинчтириб, оилани асраб қолиш учун ҳовлини уларга қолдириб, кўчиб чиқишиди. Янги ер-участкада ҳовли-ҳарам қилишди. Энди зерка келин қайнотасидан машиналарини беришни талаб қила бошлиди. Аслида, кўча одами бўлган қайнота бунга асло кўнмаётгандику, лекин қайнона уни инсофга чақирди: «Ким учун югуриб-елиб яшаб келдик, яшаяпмиз?! Беринг, дадаси, бермасангиз, табиийки, келин мендан кўради».

Хуллас, машина ҳам ўғил-келинга берилди, қариялар «оёқсиз» қолишиди...

Ёш ўтавергач, тирикчилик ташвишлари оғирлик қилиб бораверар экан.

Бунинг устига Назира опа иморат қуарда ўзини ўтга-чүққа уриб, умуртқа погона чурраси касаллигини ортириб олдию, энди соғ кунидан касали кўпайди. Энг ёмони, оғирроқ ишларни қилолмайди, супур-сиdirгa ярамайди.

Қизлар узатилиб кетган, ўзи билан ўзи. Асраб олган ўғилчаси ҳали ёш. Келин эса ора бир қадам бўлса-да, ҳафтада бир ҳол сўрай демайди.

Аксинча, бирида келиб: «Оғироёқ бўлиб, туққанингиз йўқ-ку, сиз мендан бақувватсиз», деган сўзларни айтиб, кўнгил жароҳатини янгилаб кетди.

— Умр бўйи шулар учун фидо бўлиб яшадим, ўзим киймасам-киймадим, шуларга кийдирдим. Ўзим ярар эдим, бирор иш кутмадим, чопқиллаб ўзим қилдим. Аслида, ёшлар эди, улар ҳовли-ҳарам қилиш, камчиликларини ўzlари топиб-тутиб олишлари мумкин эди.

Лекин отим ўтай, маломат тоши менга отиласди, деб уларни бу юклардан ҳам озод этдим. Бироқ эвазига нима олдим? Тұғмаганимнинг таънасини олдим...

Опанинг дийдиёси узун, охир-оқибати бир нарсага қаратилган бариси. Меҳрига оқибат кутди, уни эса тополмади.

Аслида, жоним-қизим, мен Назира опанинг гапларини тўлалигича асосли, деб баҳоламоқчи эмасман.

Балки опа бу етимгиналар учун югуриб-елиб яшаган бўлса-да, вақти келганда, «мен»нинг исёнида зргашиб, қадрталаблик қилгандир. Шу асно келину ўғил орасини ислоҳ қилиб яшаш ўрнига уларни бир-бирига қарама-қарши қилиб қўйган бўлиши мумкин.

Вақти келса, ораларидаги 20-30 йиллик масофа — умрни ҳисобга олмай, келинни тушунишга ҳаракат қилиб — уни қизғаниш ўрнига кераксиз инжиқликлари билан дилини оғритгандир.

Кечиримлилик йўлидан бормай, орада «Хитой де-вори» пайдо бўлиши учун ўзи ҳам замин яратавергандир.

Бироқ... Барibir ақлли қиз-ақлли келин бир нарсани — қайнона-қайнотани ўз она-отасидек кўриб муомала қилишни унутмаслиги лозим. Масалан, ота-она ҳам вақти келса, қаттиқ-қуруқ гапириши мумкин-ку. Лекин уни «ҳазм» қила олади. Демак, қайнона-қайнотадан етадиган «дилогриқ»قا ҳам «юқ бериб», «семиртириб» юбормай, ана шундай ёндашиб қабул қилинса, олам гулистан.

Бунинг устига, бу дунё синов дунёси эканини, эртага «қайтар дунё» шаклида келинидан, фарзандларидан қайтиши мумкинлигини эсда тутиш керак...

... Охират дунёси эса яна амали солиҳларимизни кутиб турибди. Яъни, Ҳақ таоло Қудсий ҳадислари орқали демишки: «Эй, одам фарзанди, ўлим келмасдан бурун ўзинг учун яхши амаллар қилиб ол. Бу дунёда қилган гуноҳларим охиратда жазосиз қолади, деб кибрланма. Чунки бир кун Оллоҳ ҳузурига сафар қилурсан ва қилган гуноҳларингдан сўроқ берурсан. Ҳаётлик даврингдаги орзу-ҳаваслар сени савоб ишлардан қолдирмасин. Агар бу ўйтларни рад этсанг, пушаймонлар фойда бермайдиган кунда (қиёматда) афсус қиласан».

Не тонгки, Назира опанинг келини ҳам билиб-билмай, ана шундай гуноҳкорликни содир этган эди, бу эса она ёнидаги қайнонанинг дуойи бади билан дахлдордир.

Онам-қизим, аслида эса опанинг келини, Оллоҳ билгувчи, нафақат қиёмат кунининг ажру жазосига маҳкум бўлар, ҳатто бир қисм жазосини у шу дунёнинг ўзида ҳам тортаяптики, орадан ўтган 15-20 йиллик муддатдан кейинги «келиногриқ»лик дийдиёлари исботидир.

... Ўшанда Назира опанингку турмуш ўртоги бор эди ёнида, бошқа жигаржон-яқинлари бор эди яна. Афсус-

ки, турмуш ўртоғидан бемаҳал айрилган келиннинг барча фарзандлари юрагида меҳру оқибат ўрнида молпастлик түйгуси ўсиб-унган экан. Уларнинг бирортаси ҳам мол-матоҳ учун «кураш йўли» дан тўхтаб, асло онага оқибат кўрсатмади.

...Келини эса бу оқибатсизликни янада «етилтириб-семиртириб», қайнонанинг «изи»дан бораётир...

Онам-қизим, Қодир Ҳақнинг ўзи сени ҳам, барча тенгдошларингни ҳам ана шундай тойрилишлардан асрасин, илоҳим. Барчангизга икки дунё саодатини насиб этсин! Ана шу йўлда қўл очиб-дил очиб, ҳамиша дуойи жонингни қиласман.

ТИЛ ЗАҲРИ ЁМОН

Жонимнинг қуввати, Асила қизим! Яна бир воқеликни айтиб бермоқчиман Сенга. Яқинда шифохонада даволаниб чиқдим. Ана шунда дори-дармонга бўлган эҳтиёж сабабли клиника қошидаги хусусий дорихонага ботбот ишим тушди. Сотувчи аёл билан деярли қадрдонлашиб қолдик. Оддий, камтар ва ғоят оқила жувон эди у.

Суҳбатимиз қўр еб, муолажадан бўш пайтларим у билан диллашиб ўтирадиган бўлдик. Шундай суҳбатлардан бирида жувон ўз бошидан ўтган бир аччиқ-азобли воқеани гапириб берди.

— Аслида, қоракўлликмиз. Бу шаҳарга турмуш ўртогим институт йўлланмаси билан келганлар. Шу боис ижара уйда туриб, дастлабки йиллар кўп қийинчиликларни бошимиздан кечиргандиз...

Шифохона дорихонаси мудири сифатида ишлаётган кунларида ўғилчамиз уч ярим ёшлардаги бижилдоқ болакай эди. Энг ҳайратли томони, ўта зукко, зийрак ва «башоратгўй» ҳам эди у. Нимани айтса, ўша бўлар, кимни келади, деса, албатта, бирон-ярим соатлар ичидан ўша одам кириб келарди.

Лекин болагинам бир кўзи оғриқдан бошланган касал билан олти ой дард тортдию, учар қушдай учди-кетди.

Сирасини олганда, нуридийдамнинг жон қуши жасадини тарқ этар тунда бор-йўғи бир лаҳза ухлаган бўлсам, ана шунда у нарса тушимда аён бўлганди. Болагинам бир янги тўн ва дўпписини менинг қўлимга тутқазиб: «Онажон, мен кейин келаман», деб оппоқ қушга айланниб, учиб кетди-да, ортидан қараб қолавердим...

Уйғондиму, ҳадемай, болам нафас олишдан тұхтади.
Мен нафақат инсонга, бирор бир тирик жонга бу каби
аірілиқ-азобни — фарзандынинг заволини күриб, ортидан
ноилож-ночор термулиб қолишни асло раво күрмайман.

Лекин ўша кундан бир кун аввал хұжайиним уни «са-
ратон касали», деган хulosса билан Тошкентдан қайта-
риб олиб келганды, боламнинг әндиги қисмати шоён бўлиб
қолган эди.

На ер, на кўкка сиғмай, юрагим ёниб ётган ана шу
куни яна бир воқеа содир бўлиб ўтди. Олдимизга қайнот-
нам ва онам келиб ўтирибдилар. Улар мени қизғаниб,
чалғитиши учун бўлса керак, бозорчага «Кўк чой олиб
кел», дея юбордилар. (Кейинчалик чой идишда қуруқ чой
тўла эканининг гувоҳи бўлдим-да!)

Ҳали озиқ-овқат маҳсулотлари сотиладиган растага
бориб ултурганим йўқ эди, икки ҳовли нарида яшайди-
ган қўшни аёлга дуч келиб қолдим. Саломлашдик,
сўрашдик.

— Нима бўлди, бунча хафасиз, ўзийизга сира ўхша-
майсиз? — дея «дилдорлик» қила бошлади у.

— Бўғзимга тиқилиб ётган қайғуга қоришиқ фарёд
отилиб чиқди. Ўғилчамнинг оғир аҳволини гапириб,
ўқсиб-ўқсиб йигладим.

Очиғи, бундай пайтлар киши суҳбатдошидан лоақал
мисқолдай руҳий мадад — далда бўладиган бир луқма
жумла кутади. Аммо у аёл менга нима деди, денг:

— Банисани дориларини еб ётганларингиз учун
одамлани қарғиши урган силани!

Биласизми, унга бақрайганимча, қотиб қолдим. На
тилимга бирон калима келади, на кўзимда ёш қолди.

«Мен ўлақолсам бўлмасмиди-я, ўрнингда бўлсам -
бўлмасмиди-я, болажоним!»

Ниҳоят, тилу дилимда ана шу сўзлар ғўнғиллай-
ғўнғиллай, бозорни бир айланибману, нега келганим
эсимда ҳам йўқ, уйга жўнайверибман...»

— Ҳа, қизим, бозорда чой йүқ эканми?

Қуруқ, шүппайиб боришим онамни ҳайрон қолдирғанми, яна мени тирикчилик ташвишларига бошлаб, ғамимни чекинтиришга уринардилар, меҳрибонгинам.

...Орадан йиллар ўтди. Ҳозир ўша «учар қүш»им тут-қазиб кетган «түнү дүйпү»нинг эгаси ўғлимиз ва қизимиз бор. Оллоҳга шукр, шуларнинг соғлиги, баҳт-саодатини тилаб, бир қўлим хайр йўлида. Аслида, хўжайиним давлат дорихонасида ишлаганда ҳам ноинсоф эмас эдилар. Ҳозир ҳам энг арzon нарҳдаги дори-дармон бизнинг дорихонамизда сотилади.

Ҳалиги қўшнимизнинг бўй етган икки қизи бор эди ўшанда. Кўп ўтмай, катта қизини турмушга узатди-ю, аммо у бир неча йил фарзанд кўрмади. Кейин эса бир ўғилча кўрди-да, мурғаккина бола гўдагимнинг ёшига ҳам етмай нобуд бўлди. Жувон шу билан яна фарзанд кўрмай қийналиб юрибди.

Кичик қизи онага итоат этмай, енгилтаклиқ билан нигоҳларга тушдию, ҳадемай, Дубайта кетворди...

Бугун қўшнимизнинг ўзи касалдан чиқмайди. Тўшакда, эшикка термулиб ётиби. Йўқ, мен уни асло қарғаган эмас эдим. Кўргуликларини зинҳор таънайм қилмоқчи эмасман. Булар ҳам Оллоҳнинг имтиҳон дунёсидағи бир синовидир, балки. Бирор марта «Менга шундай дегандингиз, мана, таънангиз ўзингизга ҳам қайтдику», деган жумлани ҳам айтганим йўқ. Ҳозир ҳам дори-дармонлар билан, баъзида лоақал арzon нарҳда етказиб, унга ёрдам қўлимни чўзаман.

Аммо бугун ҳам барибир ўша норасида «Оқ қүш»имни эслаганимда, ўзига, жонига бир куйсам, бу аёлнинг гапини эслаб ўн куяман...»

Онам-қизим, улуғ шоир Махтумқули ҳазратлари бекорга

Ёмон тил ёнида заҳарли илон
Чақса-да бир чивин чаққанча бўлмас,

деган эмас.

Аслида иймон илмига қулоқ соладиган бўлсак, умрни Оллоҳ беради. Муқаддас битикларда бу борада шундай жумлалар бор. «Одамзод бир нутфа сувдан бино бўлур вақтида фаришталар Қодиру Ҳақ таолодан «Оллоҳим, бу банда эркак бўладими, ургочи бўладими, умри узун бўладими, қисқа бўладими, баҳтли бўладими, баҳтсиз бўладими?» деб сўрар эканлар. Яратган Эгамнинг ўша пайтда айтган барча жавоблари бу банданинг тақдирду азалийси бўлиб, «Лаҳул-маҳфуз» китобида муҳрланар эмиш. Қандай яшаб ўтиш (иймонли-диёнатли ёки Шайтон йўлида юриш) эса банданинг ихтиёрида экан, холос.

Демак, ҳалиги аёлнинг фарзанд доту қайғусида ёниб турган бу ёшгина жувонга қилган таъна-маломати инсофданмиди ўшанда?

Аслида, бу имтиҳон дунёсида яратган Соҳиби замон ҳар бандани ҳар хил йўл билан синаб кўради. Бирорга мол-давлат, бирорга мансаб, бирорга дард-хасталик, кўзи ожизлик, бирорга доту алам ва ҳоказо бериб, иймон-эътиқодини тоблайди. Бу дунё — Охиратнинг зироат майдони («Ислом, тасаввуф ва ахлоқ» китобидан олинган жумла) эканини унутмай, ҳаёт йўлини имкон қадар яхшиликка, эзгу амалларга қаратган; бирорга юкини ташламай, кишининг луқмасига эмас, ўз меҳнатидан келадиган насибага кўз тикиб яшаган, қўлидан яхшилик қилиш келмаганда, лоақал ёмонлик қилишдан сақланган, тили ёки қўли билан ноҳақ озор етказмаган бандаларига мукофотлари кўп Яратганинг. Лекин барининг ажру мукофоти, «Эй одам фарзандлари, мен Сизларнинг амалларингизни ҳисоблаб бориб, қиёмат кунида ажрини тамом берурман. Бас, ҳар ким

яхши амал қылган бўлса, худога ҳамд айтсин, лекин агар ёмон амал қилиб борган бўлса, унда ўзини маломат қиласерсин», дея Қудсий ҳадисларда айтилганидай, (Қуръони Каримда ҳам айтилган бу каби жумлалар) Охиратда берилар экан.

Фақат Ҳолиқ Оллоҳ бу дунёда ота-она, мазлум (эзилган) ва мусоифирнинг дуойи бадини тўсишга парда қўймаган эмиш, жазоси шу дунёда ҳам бериларкан буларнинг. Сирасини олганда эса ҳар биримизнинг нек ишу бад амалимиз Раҳмону Қаҳҳор кучнинг ўзига аёнку. Уларни жазолаш ёки мукофотлаш учун Оллоҳга, адабиётшунос Раҳмон Қўчҳор айтганидай, банданинг ёрдами керак эмас. Китобларига ишонмаган, Пайғамбару авлиёларининг айтганларини «эшитмаган», унинг номидан асоссиз сўз айтиб, огоҳлантиришларига тамомила тескари, кўр-кўрона Охиратни ва Тақдирни инкор этиб, дунё шу дунё, деб турган, шу боис ҳам «бировга кенг, бировга танг ризқ берувчи» Олам Парвардиорининг ҳикматларини тафаккур кўзи билан кўриш ўрнига, ҳасадига эрк бериб, Оллоҳ бандаларидан кир қидириб, қийин кунларидан қувонган шаккок бандасига Ўзининг ажру жавоби бордир-бўлгандир. Уни намуна қилиб олиб, амалининг жазосини шу дунёда ҳам берган бўлиши мумкин. «Қайтар дунё», деган, «Кечиради-кечиради, кеч уради», деган жумлаларни юракларда уйғотган қисматлар балки шу бергулик-кўргуликларнинг исботи-натижасидир.

Хуллас, азизам-нури дийдам, ана шундай фаросатсизларча, илму асосга суюнмай айтиладиган, жаҳолат неъмати бўлган сўзлардан ҳам ҳамиша тилу дилингни холи қилиб яшагинки, бу Охиратда оғир гуноҳкор бўлишингдан омон сақлайди. Балки шу дунёда ҳам айрим оғир кун, оғир ташвишлардан асрар Сени, болачақангни!

Саккизинчи сабоқ

ЎЗГАЛАР МЕҲНАТИНИ ТАН ОЛ

Гўдак каби маъсума, ишонувчан қалбинг, алдову ёлғонларга исёнли юрагинг, яхшилигу эзгуликка эш иймонли қарашларинг; зуккою оқиласилинг, тиник-чуқур тафаккуринг билан ҳамиша менга қадрлисан ва истиқболингга умид билан қарайман, она қизим.

Бироқ, кези келса, ана шу боладил, кўклам тонги каби ёруғликларга, эзгуликларга ташна қалбгинангни муноғиқ кимсалар ўз тўрларига туширишларидан ташвишланаман.

Чунки, сен билмайсанки, дўзах кишиларга хуш ёқадиган ифорли, чиройли нарсалар билан, жаннат, аксинча, ёқимсиз нарсалар билан ўралган бўларканан.(Ҳадис) Худди шунингдек, дўзахий киши ҳам ана шундай сирти ялтироқлик, майин-мулойимликни ўзига ниқоб қилиб олгувчи бўлар эканки, уни фақат кўзи-кўнгли очиқ бандаларга вақтгина исбот қилиб бераркан.

Мен бу гапларни сенга шунинг учун гапирияпманки, яқинда бир жувоннинг дийдиёсини эшишиб ўтириб, уни, беихтиёр, қизғаниб, сўзларини маъқуллай бошлаганингни кўрдим. У оиласдагилари, турмуш ўртоги хусусида нима айбнома билан сўз айтса, шу ростдай қабул қиласр эдинг. Ваҳоланки, одамларнинг сўзига тўғри баҳо бериш учун уларнинг амалига эътибор бермоқ, аниқроғи, яқиндан билмоқ лозим.

Худди шу ўринда эса бир воқеликни айтиб беришни жоиз, деб ўйладим.

Кўчамизнинг бошида яшовчи Латифа аяни яхши танийсан, қизалоғим. У умр бўйи битта ташкилотда — янги шаҳардаги ҳунар-техника билим юргида ишлаган. Дастлаб, ишлаб чиқариш мастери(ўша пайтлар шундай деб юритиларди), охирги йилларда ўқитувчи сифатида хизмат қилиб, ўша ердан нафақага чиққан.

Шу ая 70-80 йиллар орасидаги бошдан кечирган бир воқеани шундай гапириб берганди:

«У пайтлар касб-ҳунар колледжлари эмас, ўрта махсус билим юртлари бўлар, энг характерлиси, бу ўқув даргоҳларига «набор», яъни ўқувчи йифиш жараёни амалга ошириларди. Май ойидан бошланадиган бу тадбирнинг охири декабргача давом этарди. Хуллас, ҳар қайси групуда 10-12 нафар кўнгилти ўқувчи келгани ҳолда, 28-30 нафар ўқувчи ўқишини таъминлаш учун кў-ўп заҳматлар тортишимизга тўғри келарди. Аниқроғи, қолган ўқувчиларни биз — ишлаб чиқариш мастерлари, ҳозиргидан фарқли равищда, эшикма-эшик юриб йигар эдик.

Бир ёғи раҳбардан гап эшлишини ёмон кўришим, бир ёғи оладиган маошимни ҳалоллаб олишга интилиш табиий характер-хусусиятим бўлгани учун ана шу жарёнларда астойдил ҳаракат қиласадим.

Ҳаракатда — баракат, деганларининг исботими, заҳматимни кўриб турган Оллоҳнинг берган мададими, ҳарқалай, бу тадбирда режани ортиғи билан бажаар, 30 ўқувчини зиёдаси билан тўплаб олардим. Балки бунга ўқувчиларга уч йил давомида касб-ҳунар сирларини астойдил ўргатиб, тартибу одобидан тортиб, билим юртидаги ҳаётида ҳам масъулликни чуқур ҳис этишим, ишга жойлашишларига-да, жон куйдиришим ҳам сабаб бўлгандир.

Ўша йили ҳам ана шундай самарали натижани қўлга киритдим. Янги иш бошлаган директоримиз инсофли киши эди. Шу боис «набор»да энг юқори натижага эришганим учун директор олди йиғилишида икки ойлик

маош миқдорида мукофот пули берилишини эълон қилди. Шу йигилишда бошқа бир ишлаб чиқариш мастери бўлган аёлнинг гуруҳида ўқувчи сони камлиги учун (атиги 15 ўқувчи билан гуруҳни олиб келаётган эди) унга ҳайфсан эълон қилинди.

Бироқ, у аёл ўзининг ишига юзаки ёндашганини тан олиш ўрнига, бори айбни раҳбариятга тўнкашга ҳаракат қиласаверди. Шу асно, «райкомга бориши»ни айтиб, директорга дўқ қила бошлади.

Тўғри, раҳбарлик томонидан иш ташкил қилиш жараёнида айрим камчиликларга йўл қўйилганди. Лекин, ён-ёғидаги ҳамкорлари фаолиятига ҳам уларнинг таъсири бирдай теккан эдику, барибир ишга вижданан ёндашганлар ижобий натижаларга эргашаётгандилар. «Ҳайфсанни мени огоҳлантиrmай, хуфия ёзишга ҳаққингиз йўқ эди», — дея даъво қилишга ўтди ниҳоят.

— Олдинги йигилишда масала муҳокама бўлган, айтилган эдику, нима кераги бор ортиқча гапни, — деб юборибман, беихтиёр.

Чини билан ҳам ишга қойиллатиб, масъулияту виждан билан ёндашмаган бу мастернинг хатти-ҳаракати, ишга муносабатлари олдинги директоролди йигилишида айтилган, вазият уқтирилган эди.

Шу боис кераксиз асаббузарлик ва вақтнинг бекорга олинаётгани мени бездирган, йигилиш тезроқ тугағ, ишимизга кетишимиизни истаётгандим. Бироқ, у аёл энди даҳбарни ҳам қўйиб, менга «ёпишиб кетди». Сен директорга ялтоқланиб, икки оклад мукофот олдинг. Энди тарифини оласан-да!.. Яна алламбало ҳақорат жумлалар, куракда турмайдиган гаплар...

Сираси, қотиб қолдим. Аслида, гуруҳлардаги ўқувчилару шу аснодаги ҳужжату рақамлар, умуман, ишдаги муваффақиятларим кўзи очиқ, юраги ёруғ одам борки, тан оладиган фактлар эди...

Қизгинам, сен дийдиёсини эшигтан жувон ана ўша аёлнинг қизи. Онасини кўр, қизини ол, деб бекорга айтмаган момоларимиз. У бугун уйи, оиласи, эридан шикоят қилиб сўз айтаркан, неча фоизи рост, адолатли эканини ёлғиз Оллоҳ билади.

Ахир, онаси бор фактни тан олмай, кўролмаслик ала-мидан Латифа аяга маломат балчигини чаплаб, жанжал кўтарганида, у тарбиялаган қизи оиласидагилар бошига шундай асоссиз маломат мағзавасини тўка олмаслигига ким кафолат беради?

Сиртдан қараганда, жуда хушфеълу сермулозамат кўринган бу жувоннинг юраги ёруғми ёки онасиникидай қоп-қора рангда бўлиб, ён-ёғидагилар муваффақиятидан тутаб кетаверадими?

Хуллас, асал қизим, энг аввало ўзинг улардай бўлмагин. Вазиятга очиқ нигоҳ билан қара. Ҳар бир нарсага, воқеаага одиллик билан, оқиллик билан баҳо бер. Ўзгалилар меҳнатини тан олиб, қадрлай бил, ҳурмат қил. Энг асосийси, ҳаммага ҳам ишонаверма, ундан кўра ақлингга кўпроқ ишон. Ана шунда инсофлироқ, тўғрироқ йўл тутган бўласан.

Түккизинчи сабоқ

ЁЛГОННИНГ ЮЗИ ҚОРА

Д. нинг ёши анча жойга бориб қолган, бироқ турмушга чиқмаган ҳали. Чимилдиқ кўриб, келинчакликнинг «салом»ларидан бели букилгани йўқ. Бу борадаги барча орзулари орзулигича қолиб, армонга айланаётир бугун. (Оллоҳ қизларимизни бу кўйи оғриқдан арасин, илоҳим).

Тақдиру азалнинг ишидиру, лекин бунга унинг ўзи ҳам сабабкор бўлганмикан, деб ўйлаб қоламан баъзан.

Чунки қиз ўта самимий ва оқкўнгил, фазилатлари бисёр эдию, боз устига диди ҳам нозикроқ эди. Шу боис бирини ўпоқ, бирини сўпоқ, деб не-не йигитларнинг совчисини ноумид қайтарди. Лекин оиласи бор бир кишининг тузофига тушиб қолди. Ойни этак билан бекитиб бўлмагани каби, бирор кўриб, бирор эшитиб, дегандай, уларнинг муносабатлари ошкор бўлиб кетди. Аммо вақт ўтиши билан ҳалиги кўпни кўрган «ошиқ»قا Д.нинг қизиги қолмади-ёв.

Бугун Д. «кўз очиб кўргани» бу «кишиси» учун ҳамма нарсага тайёру у қорасини кўрсатмайди.

Энг ёмони, энди қиз нигоҳларга, тилларга тушгани боис совчиларнинг ҳам кети узилган, сўрагувчиси йўқ.

Яқинда шу қиз билан суҳбатлашиб қолдик. У надомат билан шундай деди: «Бугун менинг кечаги кундаги хатойимни такрорлаб юрган ёш қизларга дуч келаман. «Тўхта, бу йўлингдан қайт, менинг қисматимга тушмай десанг, хатойимни такрорлама: тенгинг чиқсан заҳоти турмушга чиқ, аммо атрофингда ҳуда-беҳуда парвона

бўлаётган ўткинчи «ошиқ»лардан эҳтиёт бўл. Уларнинг ёлғону ширин алдовларига, молу ҳашамга ҳеч қачон учма, дегим келади.

Бироқ ҳозир у менинг гапимни эшитмайди, эшитса ҳам ишонмайди, ишонса-да, ҳис қилмайди. Шу боис амали яхши кўринади ўзига, йўлидан қолмайди. Кейин эса... кеч бўлади».

Ақлингта ишонаман, қизалофим. Шу боис ҳам бу борада сендан кўнглим тўқ. Бироқ ота-онасидан йироқда, бу ерларга мусофири бўлиб, ўқиб-ишлиб юрган тенгдошларинг — дугоналаринг бор. Уларга бу қисмату сабоқ асқотар, дея воқеликни баён қилдим. Боиси, уларни ҳамиша ҳам тергаб-текшириб, тўғри йўлга бошловчилари йироқда бўлгани каби, ўзлари бугун кўпроқ ёшликтининг хатокор етакчилари бўлган Кўнгилу «мен»лари қутқуси ичидаги яшаётирлар.

Нури дийдам, турмушу ҳаётда асқотадиган ушбу воқеликларни ҳам эътибор бериб эшитгин.

Ўтган куни Ҳ. исмли бир жувоннинг эри билан ажраплиш судида иштирок этдим. Эри топарман-тутарман, тарбияли-одобли, илмли йигит. Фарзанди тақдири учун ҳам масъулиятни чуқур ҳис этади. Уларнинг нимага ажралганларини биласанми?

Ҳ. эри шифохонада ётганида ишхонасидагилар билан бир кўнгилочар тадбирга боради. Эрига телефон қилиб эса «бетоб бўлиб қолган»ини айтади.

Ваҳоланки, бу тадбирга Ҳ. нинг турмуш ўртоғига жиян бўлган, фақат бошқа идорада ишлаётган жувон билан соҳаси бир йигит ҳам қатнашади.

У уйига келгач, онаси йигитга: «Ҳ. янганг бетоб бўлиб қолибди. Шу боис касалхонага тоғангнинг ёнига боролмабди. Ким билсин, оёққа турдими-йўқми, кечки овқатни ўзинг олиб бор. Қайтишингда мана бу овқатни янгангга ҳам бериб қайтасан, — дея қўлига тутунлар тутказади.

Йигит янгасининг бетоб эмаслигини, тадбирда кўрганини айтади. Қариндошлар орасида, эрида Ҳ.га ишончсизлик пайдо бўлади.

Ҳар хил шакл - мазмундаги ёлғон-алдовлар такрорланаверган сари ишончсизлик ҳам ортиб, «семираверади».

Охир-оқибат, йигит хотинига умуман ишонмай қўяди. Шу кўйи, оила, юқоридагидай, ажralишигача бориб етади.

Онагинам, хуллас, жамиятнинг яна битта олтин ҳалқаси ўша нуқтада узулди, яна бир оила бузилиб кетди.

Лекин мен худди шундай воқеаларни эшигтан ёки уларга гувоҳ бўлганимда, беихтиёр, маҳалламиздаги Гулсара аянинг бир ибратли «айтув»и ёдимга тушади:

Аянинг гул келинчаклик фасли экан-да ўшанда. «Бир куни ишхонамиздаги Жамила опа билан ҳамкоримиз Фалия опани кўриб келиш учун шифохонага отландик, дея ҳикоясини бошлаганди ая. — Ёши 50 лардан ошган Жамила опа корхонамиздаги йигитларга ўғли, укасидай муносабатда бўлар, улар ҳам шунга яраша жавоб қайтаришарди. Ўша куни ҳам дуч келган кишидан илтимос қилди. У шахсий транспортида бизни шифохонага олиб бориб-келадиган бўлди.

Йўлга тушдик. Зулукдай қора «жигули» асфалт йўлдан ғизиллаб-елиб бораяпти. Опа олдинга ўтирганди. Мен орқа ўриндиқда ёлғиз ўтирганим сабабли бемалол ўрталиққа жойлашиб олибман, денг.

Табиат уйгониш фаслининг оғушига кираёттир. Қишиндан қовжираб чиққан йўл ёқалари, ариқ бўйларига яшил гиламлар ёйилмоқда. Қоқи ўтнинг сариқ гуллари, ҳадемай, бу жойлар қизғалдоқлардан безак тақиб, ял-ял ёнишидан дарак берәёттир.

Ана шундай табиатнинг фусункорлигидан роҳат олиб, масрур борарканман, беихтиёр, нигоҳимни олдинга қаратдим.

Ногоҳ күзим ойнадаги менга қадалган ўтли нигоҳ-ларга тушди.

Күзимни олиб қочдим ва тезгина ўзимни четта олиб, нигоҳлар боғловчиси бўлиб қолаётган ойнага чап бердим.

Жамила опа ва ҳайдовчи ундан - бундан гаплашиб боришаарди. Яқинда 8-март — хотин-қизлар байрами нишонланганди. Мавзу шунга кўчди.

— Байрам ҳам бор пулнимизни қоқиб олди чўнтакдан. Энг зўр атласдан бир кийимлик олиб бердим-да, ўзимам. Устига зиёфати...

Ҳайдовчининг нимагадир шама қилаётганини сезганим учун гапни айлантириб ташладим:

— Янгамуллогами, яхши қилибсиз. Нарсаку эмас, эътибордан кўнгли кўтарилади-да аёлнинг.

Ҳалиги ҳайдовчи нима деди, денг:

— Атлас... хотинга-я?! Сизга ўхшаган бошқа бир чиройли жононга олиб бердим!

Жавобидан дилим озорланиб кетди. Ҳирсли нигоҳларидан қочсам, сўз ўйини билан юрагимга ҳужум қилади-я, ноинсоф!

Ҳозиржавоблигим иш берди. «Чақиб олгим» келганди, эплай билдим.

— Раҳмат-э, Сизга. Ўз аёлининг — болалари онасининг қадрига ҳар ким ҳам етавермайди, чин инсонлар етадилар фақат. Хўжайним менга 8-мартда брилиант кўзли тилла узук совфа қилдилар!

Овозимдаги ғолибона руҳ, эримга бўлган ҳурмат - эътирофим ўз ишини қилди.

Ҳайдовчи бутунлай жимиб қолди. Энди нигоҳлариям ҳалигидай бежо ўйнаб, ғашимга тегавермади.

Ҳадемай, манзилта етиб келдик. Биз билан бирга қайтиш ваъдаси бўлган ҳамроҳимиз зарур иши борлигини айтиб, хайр-маъзур қилди.

Беморни кўриб, автобусда ортимизга қайтдик.

Шу куни оқшомда — чой устида турмуш ўртогимга бўлган воқеани гапириб бердим. Индамай кулимсираб қўйди.

Сўнгра ҳазил аралаш гап қотдим:

— Энди чини билан тилпо узук олиб бера қолинг. Бриллиант кўзли бўлмаса ҳам майли.

— Ҳозирча, ўзинг айтган «ўша узук»ни тақиб юр, вақти-соати келар...

Чини билан ўша пайтлар турмуш ўртогимнинг «дости калта» бўлиб, байрамда гулдан бўлак ҳеч нарса совға қилолмаган эдилар.

Лекин орадан йиллар ўтиб, мен айтгандай, узукни олиб бердилар. Айни 8-март байрамида совға қилдилар яна».

Қизалогим, аслида, Гулсара аянинг бундай ростсўзликлари бирда-яrim эмас, бутун ҳаёт — турмушларини ташкил этган. Шу боис ҳам аёлига нисбатан жуфтининг ишончи ҳамиша зиёда бўлган. Унга ўзига ишонгандай ишонган ва шунга яраша қадру қимматини зиёда қўйиб, баланд тутган.

Ана шулар боис бугун ҳам улар пиру бадавлат, ибратли оила, ибратли хонадон соҳиблари бўлиб, баҳтиёр ҳаёт кечиришаётир. Бунинг устига опанинг оиласи оқибати, диёнат соҳибаси сифатида жуфтининг номини, қадрини бошқалар олдида баланд қўйиши ҳам (ахир Пайғамбаримиз С.А.Внинг «Агар одамнинг одамга сажда қилиши буюрилганда эди, мен аёлларни ўз эрларига сажда қилишларини лозим кўрардим», деган ҳадислари бор) бандаю Оллоҳ томонидан қадрлангани туфайлидир, балки бугунги шодумон, пиру бадавлат ҳаёт уларга насиба бўлгандир.

Үнинчи сабоқ

ОҚИЛА АЁЛЛАРДАН ИБРАТ ОЛ

Бир аёлни танийман. Раҳбар лавозимларида ишлаган, бугун ҳам ишлаб келаяпти у. Турмушга чиққанидан бошлаб, бугун қайнона бўлгунга қадарлик шахсий ҳаётидан ҳам жуда яхши хабардорман.

Турмуш ўртоғи спиртли ичимлик ичадики, унча-мунча эмас. Кези келса, ичкилик забун қилган ақлу иродаси «иш бериб», бошқа-бошқа «нобакорлик»ларга ҳам «қўл ураверади».

Лекин хотин-қизларга оила муқаддаслиги, баҳт-саодатнинг калити бўлган сабр-қаноат, меҳнатсеварлигу фидойилик, умуман, аёл маънавиятидан сабоқлар бергувчи бу опа ўзини тўла маънода ана шундай ҳаёт кечиришга бурчдор, деб ҳисоблайди.

— Кўпинча, эр-хотинлар орасида «ўзимникини ўтказаман», деган қараш ва «мен»нинг қутқусига эргашиблардан жанжал, зиддиятлар келиб чиқади, — дейди у учрашув-суҳбатларда, аёллар даврасида. — Ваҳоланки, аёл итоаткорлиги, ён беришининг ўзи билан тўлақонлиғолибликни қўлга киритиши осонроқ.

Ҳар лаҳзада ўзини мўмина, итоатли тутган аёлни Эр истаса-истамаса, қадрлайди; оқилалик билан ёндашса, унинг сўзига эргашади, бошлаган йўлидан юради...

Чини билан бу Раҳбар аёлнинг бор бутун ҳаёт тарзи хотин-қизларга ибрат мактабидир. Уни рўзгорнинг борлиги учун бозор-ўчар қилиб, юк тортиб-йўл босиб келаётган ҳолатда ҳам учратиш мумкин.

Эшик орани супириб-сидириб, чөлаклаб сув ташиб юрган (сув кўчадан ташиб келинади) ҳолатда ҳам, кези келса, ширакайф турмуш ўртогини ардоқлаб-суюб, етаклаб, уйнинг, оиланинг тинчлик-хотиржамлигини асраб келаётган оқила аёл сифатида ҳам кўриш мумкин. Ва ҳоказо.

Аммо, барибир, у ўзига қарапдан бошлаб, ўз маънавий билимини (ҳатто давр тақозо этаётган иқтисодий билимини ҳам) ошириб бориш учун вақт топади.

Энг эътирофлиси, у ҳеч қачон «Мен қачон ўзим учун яшайман?» деган фикрни хаёлига келтирмайди. Бу борада гап кетганда, шундай мулоҳазасини ўртоқлашади:

— Эл назарига яхши эътирофлар билан тушган номини асраб-авайлаб яшамоқлик ўзи учун яшаш эмасми?

— Оиласи тинчлиги, ривожу равнақи учун фило бўлиб яшаш ким учун яшаш, ахир?

— Фарзанду невараларнинг баҳт-саодати учун заҳмат тортиш бирор учун яшамоқми ёки?!

— Оилаларнинг тинч-тотувлиги, мамлакат ёшлиари ни баркамол этиб тарбиялаш, юртнинг, Ватаннинг тараққиёти учун жон куйдиришни бирор учун яшаш, дейиш мумкини?

Ахир, шу Ватаннинг тинчлигу файзиёблиги биланги на баҳтимиз мукаммал, тинчлитимиз рост, умримиз осуда эмасми!?

Хуллас, ана унинг бор бутун ҳаёт тарзию қарашлари!

* * *

Яна бир раҳбар аёлни биламан. Бемаҳал келган ажал туфайли жуфтидан жуда эрта ажралган. Деярли эркак-ча ҳаёт кечиради. Эрта кетиб-кеч қайтади, югуриб-елиб топади, рўзғор тебратади. Хуллас, эркак-аёлнинг юки елкасида.

Вақти келса, она бўлиб, болалари даврасида ўтириб, рўзгорнинг муаммо-оғриқларидан кўзини юммоқчи бўлади. Оналиги — аёллиги исён қилади бундай кезларда. Аммо яна ортга чекинади. Белини «сиреб боғлаб», яна ўз заҳматли ҳаёти ичига шўнғиб кетади.

Бироқ жуфтлари билан яшаётган дугоналари унинг «эркин»лигига ҳавасманд. Сенга маза, қачон келдинг, қаерга бораяпсан? деб сўрагувчи йўқ, бизнинг бошимизда ҳамиша дўқ ва иддао қамчиси, дея ҳасрат дафтарини очишади баъзан.

У аёл эса таёқнинг икки учи борлигини унутган (ёки билмаган) бу ҳамжинсларига шундай жавоб қайтаради: «Энг муҳими, бошингда паноҳинг бор. Бу Паноҳ ҳар қандай ҳақ-ноҳақ маломат тошидан сени асрайди. Яна.. Сен фақат аёл бўлибгина яшаяпсан... Энг муҳими, фарзандларингнинг бирор ютуғи Сен билан баробар отасини ҳам қувонтиради, муаммо-ташвиши чиқса, уни ҳам бўлишасизлар. Бу катта баҳт!

Аксинча, эркакнинг юки, рўзгор-оила олдидаги масъулияти-да елкасига қолган аёлнинг жонига Оллоҳ тўзим берсинки, мен буни бирор ҳамжинсимга раво кўрмасдим...

Ундан кейин ёмонлаганинг билан эрингни бирор яхшилаб бермайди. У билан яшайсанми, аксинча, кўнглига йўл қидир, муросасозлик йўлидан бор, шунда Оллоҳ ҳам ризо бўлади сендан.

Ахир, бу ҳаёт деганлари — синов. Бирорни мол-дунё, бирорни мансабу давлат, бирорни ғаму дард, бирорни заҳмати билан синагувчи Яратганинг ҳар бир ишида ҳикмат борлигини ёдингдан чиқарма.

Шукр қилиб, сабр этиб яшамоқ ҳам бир донишмандлик, билсанг».

* * *

Азизам — она қизим! «Эр уйининг оши бор, ичида муштдай тоши бор» ёки «Эр уйининг уч девори заҳар, бир девори шакар», деган момомерос гаплар бекорга айтилмаган, бекорга пурдавом бўлиб, яшаб келмаяпти.

Бу некбин жумлаларнинг ҳикматига қойил қолки, оиладай муқаддас қўргонни асраб-авайлаб, келажак авлодга — фарзандларимизга тозамерос қилиб тутқазиш учун аёлдан — онадан катта фидойилик талаб этилади.

Ҳатто тақдиру азалнинг ўзи Аёлнинг елкасига қўйган тарбиячиликдай масъулиятли вазифанинг битта қирраси айни ана шу нуқтада кўринади. Аёл бор-бутун ҳаёт тарзи билан тарбиячи, у бола тарбиялайди, юқоридагидай фазлу иродаси билан ҳатто Эрни тарбият этиб-йўлга сола олади. Шу асно, оилани тарбиялаб, жамиятнинг тарбиясига ҳам муносиб ҳисса қўшади.

Онам — қизим, хуллас, турмушу ҳаётинг давомида, юқорида айтганимдай, оқила-комила, фозила аёллардан ибрат олиб яшагингки, Сенга Ҳақ таоло марҳамати билан икки дунё саодати раво бўлгай.

II Боб

Хаёттىй новеллалар

ҚИСМАТ

Мунаввар кузда 19 ёшга тўларди. Кўкламлар ҳасад, кўрганлар ҳавас қиласиган бу қизнинг жуда жўнгина таърифини шундай айтмоқлик мумкин: унинг оқиш юзида лоловор шуъла берувчи ёноқлари етилиб пишаётган, беихтиёр, кўзу кўнгилни қувонтириб, бир лаҳза ўзига михлаб қўядиган нақшли олмани эслатарди. Кўзлари мутаносиб равишда шу қадар чиройли, ҳаёли, муниса эдик, моҳир хаттот чизиб қўйгани каби қора қошу қайрилма киприклар, фунчадай латиф лаблар ҳам даставвал ана шу кўзларнинг соясида қолиб қетарди.

Кейин эса қасдма-қасдига бу диловар чеҳрадан нуқсон қидира бошласанг, (ахир, ҳар тўкиснинг бир айби бўлгувчи дунё-ку бу!) аксинча, юқоридаги каби фақат бенуқсон гўзаллик қирраларини бир-бир кузатиш имкони пайдо бўларди. Юзининг хиёл қулоқ сари ёндашган томонида жойлашган тиниқ қора нуқталар мисол холларни айтмайсизми? Лекин, барибир, бу бетимсол чиройли хилқатнинг чин маънодаги гўзаллигини сўзу қалам тўғри баҳо айтиб, таъриф этолмаслигини, фақат кўз кўришию кўнгил ҳис этиши билангина ҳақиқий баҳосини ҳар ким ўзича бериши мумкинлигини таъкидлашимиз жоиз.

«Латта ўраб қўйсаям ярашади Мунавварга», — дерди қай бир аёл кийимлар, фасонлар, латтаю мато, яна қизлар хусусида сўз кетганида.

Қўнғир соchlари солланиб оёғига урадиган бу қизнинг орқасидан кимдир бирор: «Бир боғ бедадай сочи бор экан-да», — дея суҳ билан термулиб қоларди.

Бирор эса: «Бу арман қизи ким экан, десам, раҳматли фалончи төғанинг қизи экан-да!» — дерди ошкора меҳру ҳавас билан.

Айниқса, бригадир Акром улуғ (ҳурмат юзасидан одамлар номига улуғ атамасини қўшиб айтишарди) Мунавварнинг гўзалигини ўзига хос тарзда тан олиб, таъкидлаб айтар эди.

Мисол тарзида буғдой ўрими кезлари рўй берган бир воқеани айтиб ўтишимиз лозим.

Авжи ўрим пайти. Ҳар соат ғанимат палла. Шовуллаб пишаётган буғдойлар ўз вақтида ўриб олинмаса, бошоқлар очилиб, тўкилиб кетиши, ризқ-рўз нобуд бўлиши мумкин.

Ана шундай долзарб, серташвиш кунларда катта анҳор нарисида жойлашган қишлоқнинг қизлари Ҳакима, Фарида, Зулфиялар ўроққа чиқмай қўйишли.

Шу куннинг ўзидаёқ Акром улуғ уларнинг уйига бориб, қизларни ўзи билан бирга далага олиб келди.

У уйларида, йўл давомида қизларга нималар гапирган, нима деб уришган бўлса, ўзи билади (У пайтлар бригадир сўзи ҳукм тарзида айтилар, айниқса, Акром улуғга ўхшаган иш билгич, уддабуронларнинг гапларини икки қиласидиган киши топилмасди). Лекин дала бошига — Мунавварлар буғдой ўраётган майдонга — келганда Улуғ қизларга бор овози билан шундай дея ўдайлади:

— Қуёшдан қўрқиб, қораяман, деб сенлар ўримдан қочиб юрибсан. Мунавварни қараларинг, бирор кун ишдан қолмай, ҳар куни гектар-гектар буғдой ўраётган бўлсаям, сен сояпарварлардан хушрўй. Ё ёлғонми?!

Бу кекса, тажант бригадирнинг ҳамма гали бир бўлдио, бу гали бир бўлди, чоғи, беихтиёр, қизларининг дадилтроги Фарида эшитилар-эшитилмас мингирилаб қолди:

— Фақат ўшайизди мақтайсиз. Нима қилайлик, у кишидай чиройли бўлолмасак?!

Худди шуни кутиб турғандай, Акром улуг яна жазавага тушди:

— Чиройди худо беради. Сан юз-қўзингга юз нарсанни чаплаганинг минам уч пул. Ундан кўра меҳнатсевар бўл. Лоақал ёқимли бўласан. Ишёқмости худоям хуш кўрмайди.

Ҳасан элаксознинг ёлгиз қизи бўлган, шу боис тенгдошлари ичидаги энг яхши кийиниб, ул-бул юз пардозлари ҳам қилиб юрадиган бу кўҳликкина қизга заҳартил, тўнгфесъл бригадирнинг ушбудай гаплари, айниқса, малол келди. Бироқ энди унга қарши бирор сўз айттолмади. Фақат бригадир нари кетгач, бор аламини чини билан, табиат чиройлилик, ҳаёю ибо ... ҳамда меҳнатсеварлик, хуллас, гўзаллик намунаси сифатида яратиб, кўпнинг орасига яшатиб қўйган — Мунаввардан олди:

Ёнидаги дугоналарига «гап эгасини топади», тарзида шундай маломат тошларини отаверди:

— Зулфия, Улуг тогом мени мақтади, деб яна кўпроқ буғдој ўр. Ҳакима, сен, чиройли, деб айтди, деб яна кўпроқ ўр. Ҳар нима тўрт сўм зиёдроқ пулам оласан. Бизди отамиз боқади. Колхозди тўрт сўм пулига муҳтожлигимиз йўқ. Сан бечорагина ишлаб пул олиб бормасанг, отанг тирилиб келиб...

Оллоҳнинг неъмати бўлган парирўй Мунаввар оқкунгил, самимий, соддадил қиз ҳам эди. Айни пайтда ақли бутун эдики, Фариданинг ҳамма шама, таъналарини тушунган, юрагига олиб бўлганди. Фақат бу юраги бутун, шу сабабли ҳам тили ботир қизга қарши бирор сўз айтишнинг эвини қилолмади. Чунки бор бутун ҳаёт тарзи, қисмату бергилигу кўргуликлари билан бу парирўй қизимиз сўз сайлаб-суҳбатлар қуришу, кези келса, сўз қиличи билан душман «ҳамла»сими қирқиб ташлайдиган даражада устатил соҳибалири сафидан эмас эди. Фақат аламини кўзёшдан ... ва ўроқдан олди.

Балки ана шулар сабабдир, гўзал Мунавваримиз дадан, даладаги фийбату фитналар қоришиқ меҳнату заҳмат муҳитидан безиди.

Балки дилида эзгуликка, покиза, порлоқ бир ҳаётга муҳаббати кўп китобхон қиз эдики, ана шулар бунга сабаб бўлди.

Балки... Мактабни тугатгач, бир ёғи қишлоқчилик, бир ёғи қўлимиз калта, дея онаси рухсат этмагани боис ўқишига бормаган, рассом бўлишдай ўсмирлик орзулари орзу жойда қолиб, колхозда ишлаб келаётган эди. Қай бир имконсиз илинжлар қутқусига ишонган бу «саддадил дунё»га шу йўлни тутса, орзусининг имконлар эшиги очилаётгандай туюлди.

Хуллас, кўп ўтмай колхоз кутубхонасига ишга ўтди. Не аламки, қизгина қора қисматининг ярқироқ остонасидан худди ана шу нуқтада ошиб ўтган эди.

Ҳали сунбула киришига анча бор эди. Бу ойда парижизимизнинг никоҳ тўйи бўлиши керак.

Йўқ, унинг онаси Муҳсина ая Мунавварни бошқача тарбиялаган эди. Қиз боланинг номусу иффати қадри жонининг, ҳаётининг қадридан баланд туради, деган ўйу ақидани ҳаёт шартига айлантирганди, ҳаёт тарзига айлантирганди қизгина.

Дарҳақиқат, онасининг неча йиллик туллик ҳаётида ҳеч ким унинг узун этагини қисқа демади, дея олмади. Аёл бардошу қаноатнинг эшкакларини эшиб, заҳматлар уммонини кечиб, болаларини тишида тишлаб ўстирдию, меҳнаткашлиги боис муҳтожликка тушмади.

Болаларини ҳам ҳалол меҳнат қилиб, ризқ топишга ўргатди. Ҳаромдан ҳазар қилди, нопоклиқдан жирканди, енгил-елтилик ҳаракатларига ижирғаниб қаради-ю, аёлнинг бор бойлиги ҳаёси-иффати эканини ҳар одимда, ҳар амали билан исбот этди. Ана шулар боис ҳам Мунаввар юқорида таъриф этганимиз каби қиз бўлиб вояга етди.

Бундай қизларнинг, табиий, ошиқлари кўп бўла-ди. Билган-эшитган истади-интилди. Мунавварни сўраб уйига совчилар келмаган кун бўлмади. Осто-налар чуқур бўлди, йўлаклар яғир. Лекин фақат Муҳ-сина аянинг синглиси Анбар аянинг совчилиги ҳал қилиувчи рол ўйнади. Анбар аянинг қўшниси бўлган — Сиддиқ аканинг ўғли Музаффар Мунавварга му-носиб топилди.

Тўй куни сунбулага деб белгиланди. Уйдан совчилар оёғи йигрилди.

Музаффар Тошкентда ўқирди. Ҳали бир йил ўқиши бор эди. Лекин бетоб хонадон соҳибасининг тезроқ ке-лин кўриш истаги бу хайрли тадбирни тезлаштираётган-ди. Асли Мунаввар холаси хонадонига борганда, Му-заффар билан кўп бор дуч келган, балки болалигининг шўх-шодон, бегубор ўйинлари бирга кечгандир, балки ўсмирлигининг машғулотлари ҳамкор ўтгандир, аммо ёшлигининг сирли суҳбату учрашувлари, фақат ёшлар-ни унаштиришгач, бошланди.

Бироқ Асад ойининг ilk кунларида — тўй тадориги авж олган пайтда куёв томон қариндошларидан бири-нинг фалокат туфайли оғир жароҳат олиши тўй кунини ортга сўриб, вазиятни қисмат томонга буриб юборди.

Сунбулада Музаффар ўқишига жўнаб кетди. Муҳаб-бат мусиқаси ҳам энди икки юракда бир хил — со-гинч рангida садо бера бошлади. Икки олис юртдаги бу соғинч оҳангларини қатига райҳон япроқлари со-либ жўнатилган хатлар ташийдиган бўлди. Кўнгиллар шу хатлар ичida «оқди», бир-бирига туташди, бир-бири билан сирлашди. Сунбулани соғиниб кутган бу кўнгиллар, энди қариндошнинг озгина соғайишини, шу билан боғлиқ бўлажак тўй кунини интизор кута бош-лашди.

...Мунаввар ўша куни негадир дилгир уйғонди. Құрғон деворларининг давомига туташиб кетган жийдазорлари томон бораркан, юраги ғаш эди. Дарахтзорлар оралаб шарқыраб оқаётган зилол сув ҳам дилидан рутубатни ҳайдаб чиқаролмади ўйлу чүлу чаманларни түлдириб, дув түкилиб ётган, нақд оққанддай келадиган, қип-қизил жийдаларга кўзи тушганда ҳам дили яйраб кетмади, жийда теришга шошилмади.

Тиниқ сувда ниманингdir шалоплаши хаёlinи бир лаҳза түздериб юборди. Беихтиёр, сувга тушган жийдага ҳужум қилиб, уни узиб-узиб ютиб кетаётган балиққа кўзи тушди. Негадир бу нуқтадан ҳам қувонч, юрагига ёргулк топа олмади. Сувнинг бир жойга борганда буралиб оқиб кетадиган вазиятини кузатар экан, илонга ўхшайди-я, деди. Юрагининг ғашлиги яна ортди.

Бугун туман маданият уйига бориши, ҳисоботларини топшириши лозим. Шу боис ўзини қўлга олиб, шахд билан жийда теришга тушиб кетди.

Қишлоқда бундай кунларда ҳаёт тонг гира-шира отиши билан бошланади. Шунинг учун ҳам Мунаввар рўзгорнинг қанча юмушларини бажарган бўлишига қарамай, бўлимга ўз вақтида етиб келди.

Бироқ ёғочлиги боис бир оёгини айлантириб босадиган, рангпар, заҳил юзида сўппайган хунук бурни бор, 28-30 ёшлардаги бошлиқ ўринбосарига дуч келдию эрталабки кўнгил ғашлиги чандон ортди.

Аслидаям, бу нусха парирўй қизга биринчи кўришдаёқ ошиқ бўлиб қолган, ўртага одам қўйгану совчи юборгандардан биттаси бўлиб, қиз унаштирилган бўлса ҳам уни кўрди дегунча, суқ билан термулаверарди. Бу Мунавварнинг ғашига теккани боис унга рўбарў келмасликка астойдил ҳаракат қиласарди. Ҳозир ҳам иложи борича унга қарамасликка ҳаракат қилиб, салом бер-

дию тезгина услубшунос Холисхон спанинг хонасига урди ўзини.

Опа Мунаввар кириши билан олдига янги гап топиб қўйди:

— Мунаввар, Сизни огоҳлантиrolмаганимиз учун мен кутиб ўтирган эдим. Бошқа ҳамма кетган. Самарқандда республика кутубхоначиларининг семинари бўлади. Фақат Муҳиба боласи бетоблиги учун қолдирилди. Ўйингизга у хабар беради. Отланинг, машина кутиб турибди.

Мунаввар чинданам гўзал эди, Мунаввар чинданам ҳаёли-иффатли эди.

Баробарига Мунаввар чинданам, юқорида айтгани миздай, соддадил қиз эди. Энг алам қиласидигани, Мунаввар ўта ишонувчан ҳам эди.

Бўлмаса, Холисхоннинг кўзларига тик қараб, кетмакет саволлар бераверса, балки «рост»нинг учи чиқар эди. Балки Муҳибанинг «боласи» кечагина жийдазорда чопқиллаб ўйнаб юрганини эсита олганда, Муҳибага синчков тикилганида ҳам «рост»лик тилга киравмиди. Аммо у Холисхоннинг «вақти зиқ»лигини таъкидлаб, шошилтиришларига эргашиб, Муҳибага бир энлик хат ёзиб берди. Ўзи эса «услубшунос опа»си билан машинага ўтирди.

* * *

Хатда ёзилишича (Аслида Холисхон шундай деб тушунтирган эди), Мунаввар кечқурунгача уйда бўлиши лозим эди. Афсуски, бундай бўлмади. Она нечалаб Мунавварга кўзи ёриди, Муҳибаникига, неча марталаб бориб келди. Эртаси эрталаб туман марказига — маданият бўлимига ҳам бориши мумкин эди. Кўздай қўшнилари ўтказаётган — суннат тўйи олдидан бўладиган «Раис чақирди» тадбири, эртасига «Маслаҳат оши» йўлига ғов бўлди.

Не бахтки, учинчи куни юрагининг ёруғлиги — Мунаввари кириб келдию кўнгли жойига тушди.

— Мунаввар (олдинлари асосан қизим, дея мурожаат қиласарди!), нима гап, ёлғон гапирадиган ҳам одат чиқардингми? — деди она бир лаҳза қизи билан дуч келганида кўзига синчков тикилиб.

Қиз кўзини яширди ногаҳон:

— Йўғ-э, онажон, семинар чўзилиб кетди-да, — деди сўнг овози нозик титраб, эшитилар-эшитилмас. Бироқ кўзи ерга қадалгани учун унда ҳалқалангандан ёшни она кўролмади.

Лекин, барibir, она кўнгли ненидир сезган эдики, қизи билан тезгина, холи қолиб гаплашгиси келди. Афсус, афсулар бўлсинки, бунга ҳеч илож тополмади у. Қўшникида бўлаётган суннат тўйининг бир учи Мунавварлар хонадонида ҳам давом этар, узоқдан келган меҳмонлар қўноқда бўлиб, ҳамма уларнинг хизмату манзирати билан овора эди.

Шу боис Мұҳсина ая бу судбатни ортга сурди. Надоматлар бўлсинки, тўйдан кейинга қолдирадиган бўлди.

* * *

Мунаввар ҳовуздан сув оларкан, атиги уч кун олдин нақадар бахтли-бахтиёр эканини теран ҳис қиласарди. Катта новдан оқиб кираётган лойқа сув ҳовузнинг тип-тиниқ сувини лойқалантираяпти. «Мараз Холисхон (опа дейишга тили бормади) ҳам менинг ҳаётимни бутунлай лойқалатиб юборди...

Онам эшитсалар, қандай кўтарадилар бу қайғу-аламни?!.

Энди мен ҳеч қачон ювиб бўлмас дод манглайига муҳрланган шармисор, номуси топталган... аёлман!»

Мунаввар, ўйлари ана шу ерга келганда, беихтиёр, пиқиллаб йиглай бошлади. Кейин кўнгил рутубати ички

изтиробидай нолавор фарёдга айланиб, дили-руҳи эзилиб-эзилиб йиғлайверди. Алданиш-ёлғонларга қурбон бўлган соддадил дунёси йиғлади бу пайт, бокиралика бўлган тоза эътиқодию онаси олдидаги қатъиятли бурчдорлик туйғуси йиғлади яна.

Энг муҳими, атиги уч-тўрт кун олдин порлоқ шафақдай чорлаб турган келажак... йўқ эди энди. Ҳаммаси туғаган эди. Ҳамиша эсласа, юраги, беихтиёр, энтикиб, соғиниш ҳисси билан қўмсайдиган Музafferি ҳам йўқ, оқ-оппоқ либос ичидаги гўзал келинчаклик баҳтиёрлиги ҳам йўқ, қайнона олдида эгилиб, бир пиёла чой тутишу эшик орани супириб-сидириш каби келинлик бурчларини ҳис этиб, қилган ширин орзулари ҳам йўқ.

Тугади, ҳаммаси тамом.

Ана шуларни теран-тиниқ ва оғриқ-азоб билан ҳис қиларкан, нафақат кўзи-кўнгли, руҳи-жони эзилиб-эзилиб йиглаётган эди қизгинанинг.

Энди, хоҳласа, ўша бир оёғи ёғоч, сўхтаси совуқ, бутун ҳаётини ағдар-тўнтар қилиб юборган бурундор ўрин-босарга хотин бўлиб яшайди.

Мунавварнинг бутунлай қоравайрон бўлган кўнгли бу хулоса-фикрдан сесканиб-ижирганиб кетди. «Йўқ-йўқ», — дея пичирлади лаблари алҳол. — Ундан кўра, ўлганим яхши. Бундай шармандали, жирканч ҳаётга юзтубан бўлиб яшаганимдан кўра, ўлгангинам афзал. Ўз-ўзимдан жирканиб, ўзимни ўзим ёмон кўриб кетаяпманку, яшамотим мумкинми шу ҳолатда?!

Қизнинг ўй-изтироб-хаёли худди шу ерга етганда онасининг «Мунаввар», деган чақириғини эшитди. Нарифери кўзёшларини артди, ўзини қўлга олган бўлди. Челакларни сувга тўлдириб оларкан, беихтиёр, хаёлидан «Шу сувга чўкиб ўлсан қанийди-я», деган фикр ялт этиб ўтди.

Уйи томон бораркан, ички бир туйғу «Нажот йўли — фақат шу йўл», — дея уқтира бошлади.

Онасига дуч келганды «Мунаввар, хаёлинг нега ўзингда змас, челякнинг қопқоғини қўймай кетаяпсан?» деган саволи қизгинани сергак тортириди. «Сир» тез орада очилиши аёнилигини англағандай бўлди. Яна ўлим шарпасини селпиб, ҳалиги ички куч унга фикр уқтира бошлади.

Қўшни тўйнинг ташвишлари яна онани чалғитди.

Аммо Мунавварни ҳеч нарса чалғита олмади. Ӯша ички куч-туйғу юрагидаги барча қароликларни сурисиб, ёруғлик томонга — ўлим сари «етаклаб борарди». Шу боис у фурсатни бой бермай, киндик қони томган, гўдаклик, болалигининг баҳтиёр лаҳзаларига бешик, ақлини танигандан бери тирикликтининг минг бир ранжу қувончларига гувоҳ бўлган уйини — ҳовлисини тарқ этиб — чиқиб кетди.

...Орадан чорак соат фурсат ўтиб, унинг сарвдай сўлим бастини бағрига босганча, орқасига сиғмаган бир боғ бедадай қўнғир соchlарини «ўпиб-силаб» катта анҳорнинг асов суви мавж уриб оқар, баҳтдан масрур тўлқинлари қирғоқларга тўш уриб, қизгинанинг учиб бораётган руҳи билан видолашув қўшиқларини баралла куйлар эди.

«ҚАЁН ОДИМ БОССАМ, ЎТ - ОЛОВ...»

— Опа, яхши келдингиз. Бошим қотиб турган эди, — деди танишим бўлган патирфуруш жувон менга дафъатан кўзи тушиши билан. Негадир ҳар доимгидан фарқли дилгир ва маъюс эди у.

— Тинчликми, негадир паришонроқ ҳам кўринаяпсиз?

Салом-алиқдан сўнг чинакам дилдорлик билан суҳбатга чорладим уни.

— Келинимизни... сиз уни танийсиз, бирори билан...

Танишимнинг бундан ортигига тили айланмади. Бир лаҳза нигоҳим қароқларига тўқнашиб, жим қолдик.

— Маҳалламизнинг участка нозири билан, — деди жувон нигоҳларини энди олдидаги патирларга қаратиб.

— Шунчаки миш-мишлар бўлсачи? — унинг хulosалари ёлғонга чиқишини истаганим боис ўсмоқчилай бошладим (дил-дилимдан эса «Илоҳим, шундай бўлсин-да», деган тилак-истакда эдим).

— Кошкийди! Афсуски, шундай эмас-да! Очигини айтсам, «миш-миш»ларни эшишиб юардигу сира ишонгимиз келмасди. Лекин...

Биласиз, у ҳам патир олиб сотади.

Ўтган куни денг, патирим тугаган, янгисини олиб келиш учун кетаётгандим.

Келиним анови катта тут дарахтининг нариги томонидаги растада савдо қилади. Шу боис тут пана қилиб, у келганимни, тутнинг ёнгинасига борганимни кўрмай қолди. Ана шу қари тут «ёрдами билан» менга хунук сир ҳам ошкор бўлди. У «участкавой» билан гаплашар эди:

— Рисолат, кетдик...

— Ҳозирми? Йўғ-э, опасиям бугун савдога чиқканди. Патир олиб келишга кеттан. Келиб қолса, сезилиб қолади.

— Чумчуқдан қўрқсан тариқ экмайди. Кетдик. Кейин яна вақтим бўлмайди.

— Ҳар доимги жойгами?

— Ҳа.

— Сиз бораверинг, жоним, ортингиздан бораман...

Беихтиёр изимга қайтдим. Тезгина ўзимни яқин орадаги дориҳонага урдим, «участкавой» ўтиб кетгунча у ердан чиқмадим.

Дориҳонанинг яна бир яхши томони, бир эшиги бозор ичидан бўлса, бири ташқарига қараганди. Бу ҳам менга ёрдам берди. Дориҳона соҳибига патирни қолдирдиму,

зарур ишім чиқиб қолганини айтиб, ўзимни күчага урдим... «Участкавой»нинг орқасидан қорама-қора кета-япман денг. У «этаж уй»ларнинг биринчисига бориб, биринчи подъездига кириб кетди.

Қайнингли Саодатлар яқында квартира сотиб олишганди. Худди шу уй, шу подъезддан. Қўшиларидан бири органда ишларкан...

Ўша... Саодатнинг қўшиниси бўлган «милиционер» нинг квартирасига «бориб келадиган» жувон — менинг келиним! Ростга айланаяпти бари!

Чақалоги борлиги учун Саодат уйда эди. Эшикнинг тутмачасини босишим билан очди.

Уйга ўқдай учиб кирдим. Эшик олдида турганим кўйи, гапирма дегандай, бармоғимни лабимга босдим.

Йўлакни кузатадиган туйнукчадан тикилиб ўтирибман. Илоҳим, ёлғон бўлсин, келиним келмасин-да, дейман. Ич-ичимдан худога нола қиласман... Орадан 5-10 минутлар ўтди-ёв. Не кўз билан кўрайки, келиним зиналардан кўтарилиб келаяпти. Аламдан нафақат юрагим, бутун вужудим олов ёнгандай қизиб кетди, жиққа терга ботдим. Унгача келиним шундоқ эшикнинг олдигинасидан ўтиб, қўшни эшикка — қайнингли айтган ўша уйга кириб кетди. Кейин эшик шиқирлаб, қулфланди.

Нима қиласмин билмай, бир лаҳза каловланиб қолдим. Кейин бозорга қараб жўнадим. Бу «дом» билан бозорнинг ораси икки ҳаллосласанг, етадиган масофа. Шу боис ҳадемай етиб бордим. Бора-бора: «Илоҳим, келиним бозорда савдо қилаётган бўлсин-да», деган имконсиз истак ичидан эдим. Бир ички куч эса, бу тилагимнинг устидан қаҳ-қаҳ уриб кулди: «Жоним-жоним»лаб берган ваъдасини ўз қулогинг билан эшишиб, «дом» йўлагида ўзини кўриб ҳам ҳануз унинг «каромати»га ишонгинг келмади-я, нодон!

Чинданам, катта тутнинг нарёғидаги растада келин ўтирадиган жой бўш, патир ўроғлик турганини кўриб, нодонлигимга бутунлай иқрор бўлдим.

Лекин нима қиласымни ҳануз билмасдим. Бозорда патир сотиш учун бироз ўтирган ҳам бўлдим. Укам — шўрманглайгина жигарим кўз олдимга келаверди.

«Фуури»ни оёқ ости қилди-я, хотини беномус!» деган фикр миямда йилт этдию, тутаб кетдим яна. Бунинг устига, ён ёқдаги бозорчи аёллар ҳамма гапдан воқифу, ҳаммасининг эътибори менга қаратилгандай. «Ўл-а, хотини укангнинг оғзига чакка ялатиб, айшини суриб юрибди. Била-кўра туриб, бемалол патирфурушлик қилиб ўтирибсанми?» деяётгандек туюлаверди. Ортиқ ўтиrolмадим.

Патир-матиримни кўтариб, Саодатнинг квартирасига жўнадим. Аламимга чидай олмай, Саодатга йиглабсиқтадим. Қайнинглим анча дадил, исёнкорроқ характерли жувон эди. Қизлик пайтлари-ку нақ олов-ўт эди. Унга тенг келадигани бўлмас, шиддати, қақажонлиги билан етти маҳаллани оғзига қарата оларди. Ҳарқалай, ҳозир босилган эдию...

Мен кўзёш қилгач, у чидай олмади, ўрнидан сакраб турди.

— Юинг, мен эшикни тақиллатаман. Беномус, майшатпаст аёлнинг бир шармандасини чиқарайлик, — деди у.

Чиқдик. Саодат қўшни эшикни тақиллата бошлади. Анчадан кейин эркак кишининг: «Ким?» деган овози эшитилди.

— Қўшни, кеча кострюолимизни олишган эди, шуни сўраб чиққандим, ўзимизга зарур бўлиб қолди.

Саодат шу қадар мулойим, майин овоз билан гапирдики, беихтиёр, бир неча дақиқадан кейин калитнинг шакирлагани эшитилди, эшик ҳам очилди.

Не кўз билан кўрайки, «участковой» ширакайф, ич кийимда турарди. Унинг ҳирслли нигоҳлари нақш олмадай таранг, юзларига кулгичи чарақлаб турган, кўзлари ҳам шахло-чарос қайнинглимда эди.

Саодат «макр»ини давом эттириди:

— Қўшнижон, сизлар тез-тез алмашиб турасизларми? Кеча, олдинги кун бошқани кўргандим, бугун сиз... Янга, киринг сиз кастрюлни олиб чиқинг.

Саодат участка нозири олдидан сирғалиб ўтиб, ичкари киаркан, мени ҳам чорлади:

— Келаверинг!

Кирдиму, Саодатлар ортидан ошхонага бормадим. Икки хонали уйнинг эшиги очигига эмас, эшиги ёниғига кирдим.

«Ётоқхона» шу уйда экан. Не ҳайратки, келинимнинг кийимлари жой ёнида сочилиб ётар, кўрпага бурканган жон ҳам тахминан у эди.

Бор кучим билан кўрпани тортиб, итқитиб юборибман. Не кўз билан кўрайки, келиним онадан туғилгандай ширяланғоч ҳолатда эди. Менга кўзи тушиши билан азроилни кўргандай, кўзлари бақрайиб, қотиб қолди.

— Ўл-а, шарманда! Эринг, болаларингнинг юзига оёқ қўйиб, шу расво кўчада юрибсанми?

Овозимни эшитган қайнинглим ҳам шу хонага югуриб кирди. Ширақайфлигидан хиракликка ўтган «участкавой»га ўқрайди, дафъатан. Ва унга пўписа қилди:

— Куёв бола, ошхона ёки нариги уйга бориб, жимгина ўтиринг. Бўлмаса, нақ «начальник мелиса»нинг хонасида кўрасиз ўзингизни!

Бу сўзлар «куёв бола»нинг кайфини ҳам тарқатиб юборди, шекишли, бошини осилтириб, чиқиб кетди.

Саодат энди шармандали ҳолатда гужанак бўлиб ўтирган келинга эътиборини қаратди:

— Сенга ўхшаган беномус, беҳаё аёллар жамиятни булғалаяпти-да. Тур, кийимингни кий. Тез бўл, шарманда, юзсиз! Эссиз ойдай-оидай ўғил-қизлар. Эссиз заҳматкаш, оқибатли эр! Ота-боболаримиз сен каби шармандаларни тошбўрон қилиб ўлдиришган! Мен ҳозир...

Саодат бир зум ташқарига чиқиб кетдию, ҳаял ўтмай қайтиб кирди. Бу орада келиним кийиниб улгурганди.

— Мана, ойимхон, сизга қоғоз-ручка. Ёзинг, ҳақиқатда нима қилиб юрган бўлсангиз, шуни ёзинг.

Укамнинг хотини Саодатнинг буйруғидан бўйин товлаёлмади Барча қилғилик-қингирликларини ёзиб берди.

— Кетдик, янга, — деди Саодат. — Энди бу ёғи — ихтиёрида. Балки айшини давом эттирас...

Қўлимда «иқорнома» қоғоз. Аламимдан қоврилиб, Саодатнинг уйига ўтдим.

— Янга, ювениб олайлик, — деди Саодат дафъатан.

Шундагина бир олам наҳс, фаҳш билан рўбарў бўлиб келаётганимни англадим.

...Келиним мени ёлғончига чиқариши мумкиндир. Аммо Саодат турибди яна бир гувоҳ бўлиб. Иқорнома хати бор қўлимизда.

«Чумчуқнинг ҳам уйи бузилмасин», дер эдилар бибим раҳматли.

Ана шу кўйи, қай томон қадам боссам, ўт-олов».

Аросатда, ўт-оловлар ичида қоврилиб ўтирибман.

...Опажон, маслаҳат беринг. Нима қилишни билмай, бошим қотиб қолди...

У ана шу кўйи изтироб ичида сўзларини тугатди.

Биз, албаттга, жувонга жўяли маслаҳатимизни айтишга ҳаракат қилдик.

Бироқ ўқувчи — олий ҳакам. У биздан-да жўялироқ фикр-маслаҳатни айта олар.

Хуллас, азиз ўқувчим, воқелик бўйича эндиғи гапни Сиздан зишитамиз.

ТАНАЗЗУЛ

Қиз чиройли эди. Шоир таърифлагани каби «...ёноқлари ол, қошлари ҳилол, лаби ғунчабол» эди унинг.

Узун соchlари навниҳол белини бутунлай босиб ўтиб, пастга қараб бир боғ бедадай солланиб турарди.

Қуюқ, қайрилма киприклари юмалоққа мойил, ойдай чеҳрасига соя солиб турар, айниқса, ёт нигоҳларга дуч келганды киприклар пастга қадалиб, хумор боқувчи қароғларини яширап, тонгги шабнамдай тоза чеҳрасида ҳаёл лоловор шуыла сочарди шу пайт.

Қизгинанинг эңг катта бойлиги ана шу ҳаёси, ана шу тозалигию-ана шу бокиралиги эди.

Ана шундай гүзалгина, ҳургина, малаккина қиз ўн еттинчи баҳорни энди қаршилаётган эди.

Бу лаҳзаларда ҳамма тенгдошлари қатори бу қизгинанинг ҳам орзу-умидлари бор эди, баравж эди. Таърифини келтиришга ҳаракат қиласынан бўлсак, бир учи олису оппоқ ойдин осмонларга туташиб, бир учи эса юрагининг туб-тубида қўшиқлар айтиб, порлоқ истиқбол хусусида диловардан-диловар эртаклар тўқир эди.

Қизгина ана шундай орзулар этагини тутиб, ўқишига ҳужжат топширди. Афсуски, «ўртамиёналик»нинг бўйи-бости тест балларига етишиб боролмади. Кейин... Ишга кирмоқчи, ишламоқчи, баҳтини шу йўллардан изламоқчи бўлди. Ўқиганларга иш йўғу... Унга йўл бўлсин, ундан-бундан ваъдалар олиб, орадан ойлар ҳам ўтиб кетди.

Ҳадемай, қиличини қайраб қиши келди. «Ёз ёпинчиғи»ни нари-бери топиб кийдириб юрган ойликчи отона қишилик либослар нарх-навоси олдида эсанкираб қолишиди. Бунинг устига, қизгинанинг кўнгли унча-мунчани тан олмас эди. Тўғри-да, аксарият дугоналари, ҳатто эңг камдаромад хонадоннинг қизи бўлган Фо-

тима бувининг невараси ҳам бугун 180 минг сўмлик палто кияётир.

(Пулини қайдан топади ё уларни бирор олиб бераяптими? Буни ёлғиз ўзию Худо билади).

Хуллас, ана шуларни ҳис қилиб, бот-бот ўйлар экан, қизгина бундай иложсиз ҳаётдан зерикиб кетди.

Худди ана шу кунларда эса қўшни «дом»да яшайдиган бир тадбиркор аёл (хорижга тез-тез савдо билан бориб келадиган) билан танишиб қолди. Очиги, қўлининг аксарият бармоғига олтин узукларни қўшалоқлааб тақиб олган 40-45 ёшлардаги бу аёлнинг башанг кийиниши қизгинани сеҳрлаб қўйган эди. Бекорчиликдан ҳовлидаги ўриндиқларда писта чақиб ўтирган қизгина бу аёлни бир неча кундан бери кузатади. Унга қараб ҳавасланиб кетади. «Дом»лараро ҳовли юзида айланиб юрган бу аёл ҳам негадир қизгинанинг атрофида ўралашгани-ўралашган. Ҳеч нарса демайди, суқли нигоҳлар билан тез-тез суқсурдай қизгинанинг юрагига «меҳр чўғи»ни отишга ҳаракат қилади.

Ниҳоят, бири мол-безакка, бири ҳусн-ёшликка хирсу ҳавасли икки юрак бир-бирига тўқнашди, «тиллашди», боғландиёв.

Лекин дафъатан аёл сўз қотди.

— Иш, ўқиш йўқми, зебо қизим?

— Йўқ, — кулимсираган кўйи мулойимгина бош чайқади қизгина.

— Кел, бирга сайр қиласайлик. Ҳу, ана у тижорат дўконига бориб келамиз. (Желуткамнинг мазаси йўқ, ҳазмтаом учун шундай қиласман доим).

Улар бир зумда апоқ-чапоқ бўлиб олишди. Тижорат дўконигача неча марталаб бориб келишдию, бир-биралирига айтадиган гаплари сира тугамас эди. Охири тадбиркор аёл масалага якун ясади.

— Истасанг, тайёргарлигингни кўр, эртагаёқ бирга олиб кетаман. Унақа-мунақа ишмас. Орастга, тоза. Энг

муҳими, даромадли иш. Уч ойда бир дунё пул ишлаб келасан, кап-катта қиз, ота-онангнинг чўнтағига кўз тикиб ўтиранг, уят бўлар.

Бу ерларда иш топсанг ҳам «маршрутка» ва тушлик пулингга етмай кетади. Яна ўша: ота-онангга дахмаза, юк бўлиб қолаверасан.

Кейинги пайтларда катта-катта, чиройли кўзларида тўлиб бораётган маъюслик, ўйчанлик аёл билан суҳбатдан кейин бир зумда тарқади-кетди. Яна олдинги-олдингидай қувончдан чараклаб турувчи шодумон кўзлар баҳтиёрликни-баҳтни соғиниб, хумор боқа бошладилар.

Кечқурун қизгина билан онаси ўртасида хорижга ишга жўнаш масаласида борди-келди баҳс бошланди.

— Қанақа иш экан, ўзи? — жигарбанди тақдиринга чини билан ташвишланган она розилик бермади дафъатан. Лекин қизи уни қўярда-қўймай тадбиркор аёлникига етаклаб бордию у ердан мулойимгина бўлиб чиқиб келди. Қизи учун сафар анжомларини ўзи ҳозирлашга тушиб кетди.

Бу хонадонда аёл сўзи устувор, эркак итоаткор яшайдиган вазият ҳукм сурар эди. Шу боис ҳам ота ризолиги она ризолигининг ичида қолиб кетди. Бир неча кун ўтгач эса тадбиркор аёлни олиб кетиб-олиб келадиган зулукдай қора «Нексия» қизалоқни ҳам ўтказиб, тайёрагоҳга шамолдай слиб кетди.

Орадан уч ой ўтди. Ўша қора «Нексия» таниш «дом-лар ҳовлисига келиб тўхтади. Ундан шу «дом», шу ҳовли, шу одамлар уч ойлар олдин кузатиб қўйган ўша қизгина тушиб келди.

Не тонгки, унинг ҳам бугун аксарият бармоқларида тадбиркор аёлникидай тилла тақинчоқлар, бўйнида қўша-қўша олтин занжирлар. Энг олд модадаги либослар этнида, қўлида эса ихчам сумка ўрнида, кийимларига мосу монанд башант юк қопчиғи.

У уйи томон юраркан, сүнгги модада кесилиб пардоз берилган соchlарини шамол истаган кўйга солиб ўйнар эди.

Шу куни қизгинага дафъатан кўзи тушганлар яна бир нарсани пайқашди. Илгари анордай таранг, олмадай чиройли юzlари бугун заъфарон, сўлғин эди унинг. Каттакатта офатижон кўzlари ҳам олдинги-олдингидай эмас, ҳар қандай сурбет нигоҳларга дуч келганда ҳам киприклиари пастга қадалиб жон олгувчи қароғларини беркитиб олмайди, ёноқлари ҳам асло ҳаёдан лов-лов ёнmas, лоларанг қизариб, ана шу ҳолатда иффатдай улуғвор зийнатнинг гўзал сувратини ён-ёғига шоён этмас, ўзига нисбатан улуғвор бир ҳурмат ҳиссини уйғотмас, уйғота олмас.

Аксинча, сузилиб қамашмай боқадиган бу кўzlарда энди беҳаёлик, бешармликнинг жон рангию суврати муҳрланиб қолган. Уларда яна ҳирснинг, нафснинг ҳам юзсиз башараси «хумор-хумор» боқади.

Ҳозир қизгина уч ойда «ишлаб» топиб келган пулига бир ҳонали уй ва мебеллар сотиб олибди.

Кейинги гал бориб «ишлаб» келган пулига машина сотиб олишни режалаштираётган эмиш.

НАФС ҚУРБОНЛАРИ

«Эй одам фарзанди, агар дунё ахтариб етти қат ернинг қаърига кирсанг ҳам ўзим тақсим қилиб қўйган ризқдан заррача ҳам миқдорда зиёда қилмасман».

«Ҳадиси қудсий»дан

Равшан Латофатнинг кўzlарига алам билан тикилади. Латофат Равшанга маломатли-таънали нигоҳларини қадайди.

«Бу кунимдан кўра, қоқ пешонамдан отганлари афзal эди, тил тортмай ўлақолганим яхшийди», дейди Равшаннинг аламзада кўzlарига тўлган қалб нидоси.

«Бу кунимдан кўра ер қоқ ёрилиб, кириб кета қолганим афзал эди, ер ютгангинаси яхшийди», дейди Латофатнинг кўнглининг туб-тубигача тўлган қароликдан баттар қорайиб кетган қорачиглари.

«Ҳаммасига — озига кўнмай, борига қаноат қилмай, ўзинг сабабчи бўлдинг-да!» дейди Равшаннинг надоматли-маломатли нигоҳлари.

«Ўзингиз хам қаттиққўлроқ бўлсангиз нима қиласади! Бир сўзингиз ҳукм бўлиб, ўз уйимга ўтқизиб қўйсангиз бўлмасмиди эр бўлиб. «Кўчанинг одами — мен, сенларни боқиши — менинг ишим», дея оила хуржунини бўйнингизга илиб, мени болалар тарбияси билан шугуллан», дея уйга «боглаб», ўзингиз кетсангиз бўлмасмиди?!» — дейди яна жувоннинг маломат, хорлик - пушмонлик тўла сўлгин чеҳраси, мунг тўла кўзлари.

«Ўзинг ҳам бораман, деб туриб олдинг-да. Соли сариқлар икки йилда «Нексия» мошин олди, шаҳардан уй олди. Эр хотин кетишган эди. Биз «ширкат»нинг бермаган тўрт сўм пулига кўз тикиб, қара-аб ўтирибмиз. Мен аёли билан гаплашдим. Эри бизни ҳам ўшандай мўмай даромадли ишга жойлаштиришни уdda қиласармиш. Боринг, гаплашинг у билан, деб ҳол-жонимга қўймадинг!» — дея аламзадалик ўкиради Равшаннинг кўзу нигоҳларида.

«Ўзийиз ҳам мунчалар содда бўлмасайиз. У пасткаш, мунофиқ, ноинсоф, бирорвга бир сўм пулини «процент»-сиз бермаган кимса қандай қилиб мени, яна хотинимни ям ўзга бир мамлакатга ўз «Нексия»сида бепул, бехаражат олиб кетаяпти, деб ўйламагансизам. Паспортларингни бер, деса, беравергансиз...»

Таъна қиласади яна аёлнинг фарёдли-фигонли қароғлари.

«Соддадиллигим ҳамиша бошимга бало бўлди. Шу феълим билан ўз юртимдаям кўп чув туширишган эди. Лекин бу ердагидай...» — дея юм-юм йифлайди энди Равшаннинг кўнгилу кўзлари.

«Илк келган куниёқ Сизни қўра-қўтонлар ёнидаги кулбага қўйиб, мени ошхона-ҳаммомхона ёнидаги ҳужрагараво кўришганда қисматимизни тушунган эдим», дейди Латофатнинг эзилиб-эзилиб йиглаётган исмсиз, овозсиз, дардли фарёдлари.

«Бугунги шармандачиликдан олдин ҳам сенга анави «қўтири ит» қўл чўзиб, ҳаром оғзини теккизганмиди?» — дея сўрайди энди Равшаннинг аламдан хира тортаётган руҳсиз кўзу кўнгли.

«Қай тил билан айтай? Мен ўша илк тундаёқ «ит теккан ош»га айланиб бўлганман. Бу бадкор кимсаннинг хонадонида неча ой, неча кун яшаган бўлсак, мен ўша «қўтири ит»нинг қўшимча «ялог»и бўлиб келдим. Шубоис ҳам Сизу мени сира яқинлаштиришмасди.

Бу хўрлик-аламлар устига болаларим соғинчи қўшилди. Кетаман, деб туриб олдим. Шунинг учун ҳам бугунги...»

Овозсиз, нигоҳу руҳият орқали сўзлашиби худди шу ерга келганда ниҳоя топди. Латофатнинг кўнгил қўзидағи бораламу дарду изтироб бўғзига интилди, тиқилди, пўртана бўлиб ташқарига отилди. У аввал уввос солиб, кейин эзилиб-эзгиниб, ниҳоят, ичдан иниқиб йиглади-йиглайверди...

Шу атрофда қўй боқаётган чўпонлар бу нолайи най каби эзиз-эзилиб йиглаётган аёл овозини эшитдилар.

Ўнгир айланиб ўтиб, кўрдиларки, қўл-оёғи чандиб боғланган эркак ҳамда фақат қўллари боғлиқ ярим ялангоч аёл ётибди шўри кўпчиб ётган тупроқни кўзёшлари билан яна шўрлатиб.

Нарироқда аёлнинг лозими ва бошқа лаш-лушлар солинган тугун турибди.

Кекса чўпон пичогини чиқариб, аввал хотиннинг қўлларини чизимча асирилигидан озод этди. Кейин эркакни бу «бандубад»дан қутқарди.

Гарангсиб қолган, яна биронта босқинчи келди, деб қўрқиб кетган аёл шу замон гандираклаган кўйи бориб, тезроқ лозимини кийиш учун куймана бошлади.

Эркак эса... Бўшаган қўллари билан пешонасига тинмай муштлайверди. Ўкириб йиглайверди...

Кекса чўпон вазиятни тушунгандай бўлди. «Вуй-бай, қароғим, сарт боласи экансан. Ёмон кўпайган ҳозир. Тез уйингга кет. Кета қол!».

Ниятлари, баробарига номуслари ҳам ана шу шўр туроқларга кўзёшларида қоришиб кетган бу баҳти қаро жуфтнинг эса бу пайт мияларига тинмай бошқа бир нарса болғаланар эди. Аниқроғи, зру хотин салкам б ой ишлагану бугун кетаман, деганда бир танга ҳам бермай, боз устига бу дашту бенишонга олиб келиб, эрининг нигоҳи олдида хотинининг номусига тажовуз қилган «қўтирит»нинг битта гапи: «Мен Сизларди Соли сариқдан қул қилиб сотиб олгандим. Итоатсиз қулнинг ҳоли шу бўлади», деган жумласи!

«Ўзга юртнинг шоҳи бўлгунча, ўз юртингнинг гадоси бўл», деган гап эларо бекорга юрмаган экан. Осмон йироқ, ер қаттиқ бўлди-да. Бу манглайи қоралар энди меҳнат воситаси сифатида фойдаланиб ҳам номусини поймол этиб, инсонлик қадрини оёқ ости қилган бу «қўтирит»га жазо сўраб, адолат истаб кимга боради, қайси остонаяга бош урадики, ким тинглайди уларни бу бегона Ватанда?!

Ҳар иккиси ҳам шу ҳақда ўйларкан, бирор тайинли, ишончли жавоб топишолмасди. Ҳатто ана шу манқурт, мараз, виждонсиз кимсанинг қўлига қул қилиб топшириб, эвазига доллар олиб кетган, уларни янги-янги ҳашамлари учун яратаетган Соли сариқдай пулпарасту иймонсиз кимсага қарши ҳам бирор иш қўлларидан келмас, балки.

Ҳамма пулдорларга боқадиган бу дунёда, аслида, уларни ҳеч ким бу ишга мажбурлагани йўқ эди. Паспортни икки қўллаб топшириб, ҳеч қандай қонун-қоидасиз, ўғринча йўллар билан бу юртга келишга ҳам ҳеч ким мажбур қилган эмасди. Соли сариққаям ўzlари бориб «бош уришди».

Ҳар бир бандасига ризқ берувчи Оллоҳдан эмас, шу худобехабар, бадкор кимсадан мўмай пул топиш учун мадад сўрашиди.

Эгазига олганлари шу бўлди. У ёқда эса ота-она дийдорига, меҳр-зътиборига зор гўдаккина фарзандлари ота-онаси кириб кетган «йўқлик»ка умид кўзини тикиб ўтиришибди.

Кўзёшлари кўлоби ва тўлғанаверганидан соchlари шўр лойқага ботган эркакка; тўзғиган соchlари, «ит тиши»дан кўкарган томоги ҳолатини ўзи ҳам сезмай, меровсираб, уфққа тикилиб ўтирган палағдахаёл аёлга кекса чўпон сўнгги бор кўз ташларкан: «Ё Оллоҳ, бу адашган бандаларингни ўзинг ҳақ йўлга бошла; ё авлиёлар отаси Арслонбоб бобожоним, ё сulton-ул-орифин Аҳмад Яссавий отажоним, уларга руҳи покларингиз мададкорлик қилсин!» — деди-да, қўйлари томон кетди.

* * *

Соли сариқ қишлоқнинг кекса муаллимаси Мақсад момонинг таъзиясида иштирок этиб, самоварчи Мардон узун билан қайтаётганида, ундан бир гапни эшишиб қолди:

— Пасткўчалик Икром давошининг ўғли Равshan хотини билан чет элга ишлашга кетган экан. Икки қўлини бурнига тиқиб, озиб-тўзиб кириб келишибди.

Касалманд бўлиб қолган Равshan ҳозир шифохонада эмиш. Аёли ҳам меровроқ эмишмией...

Соли сариқнинг юраги «шув» этдию, сир бой бермади. Ниҳоят, бир ўзи қолганда, ўйлай-ўйлай: «Қани гувоҳи, нима билан исбот қиласи? Бунинг устига қўлида пули бўлмаса, арзини ким эшитарди!» деган хulosага келди.

Бу хulosса-ўйдан кейин кўнгли тамомила хотиржам бўлиб, яна «тадбиркорлик» ҳаракатлари кетидан кетди.

МУРУВВАТ

Муаззиннинг овози шом кирганидан дарак берди. Лекин Садоқат хаёл гирдобига бутқул гарқ бўлганди. Шу боис узоқ-яқиндан келаётган ҳар қандай сас унга аҳамиятсиз эди. Ҳатто уйни иситиш учун хизмат қилаётган сувқозоннинг қизиган сари жигиллаб овоз чиқариши ҳам унинг руҳу шууридан йироқда кечарди.

Ниҳоят, бу адосиз ўйлардан узилиб, ошхонани тарк этди, уйга кириб келдию кенжатоий Нозимжонни ўйнатиб ўтирган турмуш ўртоғига кўзи тушди. Кун бўйи руҳини эзив, дилини ғашлаган ўша дилогритар, исёнкор фикр яна шууру ўйини банд этди:

«Эр бўлмай кетгур, латтачайнар. На бирон иш топишимга ёрдам беради, на ўзи қойиллатиб пул топиб келади. Уззукун бекорчиман, уйдаман. Қачон кўчабет дераза олдига келсам, қўшни аёлларнинг гул-гул ясаниб, ишга, бозор-ӯчарга кетаётгандарини кўраман. Аламимдан қоврилиб - ёнаман. Бошқалардан нима камим бор? На уларга ўхшаб ишлай олмадим, на кийиниб, яйраб яшамадим сира!»

Садоқат бу ўйу дард таъсирида, беихтиёр, эрига илдаоли гап қилди:

— Келибоқ аёлдай бола билан овуна қолмай, молхолга қарасангиз-чи!

— Яхши келдингизми, дегин, онаси. Саломатмисиз, де. Енгил кийинган эканман, совуқ жон-жонимдан ўтиб кетди. Бола баҳона исиниб олай. Қиласман ўша ишларни, сенга қолмас...

Аммо Садоқатнинг алами қолаётган «ишлар» учун эмасди.

(Ўша тиртиқи бузоқчага қарамаса ҳам қаралган. Суви-хашаги олдида турибди.)

Шу боис бурнини жийириб, лабини бурди-да, шу «сўхтаси совуқ» эрини кўрмаслик учун шарт бурилиб, яна ошхонага чиқиб кетди.

Неча кундан бери макон тутгани — дераза олдига келдио, яна нигоҳини күчага тикди. Узоқ-узоқ хаёлларга толди яна.

...Якшанба куни эди. Эри ойлик маошини олиб келди. Садоқат ҳар галгидай шаҳарга — бозорга отланди. Куннинг иккинчи ярмида харид-паридини тутгатиб, уйга қайтиш учун қишлоғи йўлида машина пойлаб ўтирганди. Ҳозирку тирикчилик ташвиши билан йўлда юрган «такси машина»лар тиқилиб ётибди-я. Лекин...

Хўжалик раҳбарининг ялтиллаган «Газ-31» машинаси олдига келиб тўхтаганда даставвал ажабланди. Ўрнидан жилмай тураверди.

Чертса қон томадиган даражада қизил юзлари баркашдай, тўлалигидан янада савлатдор кўринадиган «Раис бова» машина эшигини очиб чақирди:

— Келинг, синглим.

Садоқат беихтиёр ижирғанди, кўнгли ғаш тортди. «Бу қандай илтифот, қандай мурувват?»

Бироқ бу норози руҳ, ижирғаниш ҳисси узоққа чўзилмади. Ичи — руҳидаги иккинчи куч унга қарши чиқди. «Худога шукр қилмайсанми, халоскор «кўз оёғи билан» келиб, ўзи таклиф этаяпти.

Иш излаб-сўраб, бормаган эшигинг қолмаганди. Топлмадинг. Олдинги хўжалик раисига ҳам борган эдинг, ёруғлик чиқмаганди.

...Бу «Раис бова»ни дасти узун, дейишяпти. Йўл-йўлакай юрак ёрасан, илтимос қиласан. Балки мушкулинг осон бўлар...»

Садоқат ана шундай ўй-хаёллар билан машинага қараб юрди. Орқа ўриндиқдан жой олди.

«Раис бова» элликдан ошиб олтмишни қораласа-да, анча «аёлпараст» эди.

Бу дуркун, дилбар жувонга сермулозамат бўлди. 15-20 минутлик масофа давомида унинг қулфи дилига кириб борди. «Дард»ларини гўё жон қулоғи билан эшилди.

Кейин эса албатта, иш топиб беражагини ваъда қилди. Гап охирида: «Учрашиб турайлик, ҳамма юмушингизга ёрдам бераман», деб шипшитиб ҳам кўйди.

Садоқат худди шу аснода унга кўз қирини ташладиyo, беихтиёр, «Раис бова»нинг ўткир, ҳирслли нигоҳидан дили озорланди. Жижолат чекиб, лабини қимтиди. Машинадан тезроқ тушиб кетиш пайида бўлди.

Бироқ уйига келгач, айниқса, орадан кунлар ўтиб, бот-бот хаёлини ўша нуқта тортаверди. Рангортган кийинган қиз-жувонларни кўрганида ўзининг бўзартган латта-увада кийимларига қараб, хорликни ҳис қилган дамда ҳам; ишлаб юрган шод-масрур тенгу тўшларини (аслида, шундаймили-йўқими!) кўриб, аламзадалик ҳисси кўксини ёқсан кезларда ҳам; «Муаллим опам фақат мени уришади», дея ўксиниб гапирган қизалогининг сўзларини тинглаб ўтириб ҳам (ахир, ҳафта сайин фалон сўм йигадиган бу «опа»га ҳадеганда «ма», деб пул топиб беришнинг ўзи бўлмайдида. Эрининг ҳаминқадар иш ҳақи, яна ўз вақтида берилмагач, нима бўлар эди? Бир томонда гор-рўзгор оғзини очиб турган бўлса!) «раис бова»нинг сўнгги сўзу нигоҳини эслайдиган бўлиб қолди. Бора-бора кўнгил бундай мураккаб вазиятлардан чиқиб кетиш учун «халаскорлик» ваъда этаётган бу «эл улуғи»нинг ҳузурига боришни уқтирадиган бўлди. Охир-оқибат, ҳукмрон кўнгил жувоннинг олдига «учрашиб туриш» таклифини қабул этиб, бирон жойга ишга кириш учун ёрдам олиш лозим. Бошқа йўл йўқ, деган аҳду хулосани кўндаланг қилиб қўйди. Қўйдию...

Садоқат бугун ҳам ана шу ўй-мулоҳазалар ичida кун кечираётган эди. Тўғри, кўнгилининг бу буйруғига эргашса, ҳаётида бир оғир оғриқлар рўй бериши мумкинлигини қосир ақлгинаси озу кўп англар, эри-болаларининг олдида гуноҳкор бўлиб қолиши мумкинлигини ўйлаганда эса, беихтиёр, ортга чекинар, «Йўқ, бунга йўл

қўймаслигим керак!» деган қатъий фикр барча ўй-интилишларини тўздириб, кунпаякун қилиб юборар эди.

Бироқ худди яна шу нарсанинг ўзгинаси «латтачай-нар эр»ини янада ёмон кўришга сабаб бўлар, хонадонда асосли-асоссиз жанжаллар чиқишига олиб келарди. Бугун шом пайтида бошланган иддаоли гап-сўзлар тунда шундай жанжаллардан бирига сабаб бўлди: «Бор, чидаласанг, катта кўча. Қўлимдан келгани — шу!»

Эр охир-оқибат ушбуладай ҳукмсўз билан хотинини силтаб ташлади. Аёл мижжа қоқмади. Узун арқондай узайган тунни туйғулар тўлғоги ичида ўтказди. Тонг билан бирга туғилган азму қарор эса уни эри ишга кетгач, «Раис бова»нинг қабулхонасига етаклаб борди.

... Кейин, кейинчалик эса унинг «ҳарам»ига ҳам бошлилаб кирди...

Эл оғзига злак тутиб бўлмайди. Бирор кўриб, бирор эшишиб, дегандай, Садоқату «Раис бова»нинг сирлари элга аён, кўпга шоён бўлди. Айниқса, «Раис бова»нинг аёли Садоқатнинг эрига жон жойига урадиган қилиб таъна-дашномлар қилдию, олам бузилди.

Кейинги кунларда бирдан мулоим тортиб, аламзадаликлари ўрнини хижолатпазлик эгаллаб бораётган хотинининг руҳий ҳолатига тушунмай юрган эр «у гаплар»ни эшишиб, бирдан ўлиб қолгиси келди. Лоақал ер ёрилсаю кириб кетса, шуни истади. Ниҳоят, ярадор арслондай ўкирди. Бироқ...

Фурури топталган эр кишининг қўлига қурол олиши ёмон оқибатга олиб боради. Шу боис ақлига итоат қилиб, бошқача йўл тутди. Нури дийдалари, жондан азиз болажонларига жабр қўймаслик учун ёругроқ, инсоф билан қурилган йўлдан борди. Биргина чопонини елкасига олдиию чиқди-кетди.

Ҳаётининг ёрқин чироқлари, келажакнинг ишончли эгалари, дея не муродда суюниб, ишониб, ардоқлаб келаётган жигаргўшалари: «Дадажон, кетманг, дадажон,

кетманг», дея минг бора илтижо қылсалар-да; «Бу қирчиллама чиллада уларнинг ҳоли нима кечади», деган ўйдан оталик туйгуси минг карра тўлғониб-эврилса-да, кўнгли эзилган сари қайгуси киприкларидан қўйилиб тўкилса-да, орқасига қарамади. Қарамади асло!

Шу кўйи, судга ҳам ажаралиш учун ариза ёзиб берди.

Асли исми Садоқат бўлса-да, нафақат зрига, фарзандларига, уларнинг келажагу истиқболларига ҳам хос ҳаракатлари билан хиёнат қилиб қўйган аёлни эса не аламки, энди «Раис бова» ҳам «танимасди». Кўрса кўрмагандай ўтар, қабулига борса, «Йўқ», деб қабулхонадан қайтаришарди.

* * *

Муаззиннинг овози сабр-қаноатли, иймонли бандаларини Бомдодга чорлар, тун тугаб, ёрут кун келаётганидан воқиф этарди.

Аммо озига қаноат қилиб, борига кўнмаган бир ногакор дунёнинг вакиласига бу умидбахш чорлов-сас ҳеч қандай ёруғлик, ёрут кун ваъда қилмас, қиломас эди.

Чунки у ўз ихтиёри билан бор умри, умр йўлларидан ёруғликни итариб чиқарган, тоабадга чиқариб юборган эди.

ИНСОН, ИНСОНЛИГИНГ ҚАЙДА ёки «Тош келин»нинг тошдан оғир қисмати ҳақида ҳикоят

— Пул, пул деёмман санга! Пул топиб бер!

Кўзлари ваҳшат тўла эр ана шундай деб бақирап, бақириш баробарига аёлинни ё қалтироқ қўллари билан аёвсиз урар, ё сочидан бураб судрар; йиқилиб ёки чўкка тушиб қоладиган бўлса, оёқларини ишга соларди.

Лекин бу пайт унинг қонталаш қўзлари лаънати оғу-
нинг хумори туфайли бутунлай басир эдики, на мушти-
пар жувоннинг иложисизлик алами ичидаги илтижоли ни-
гоҳларини, на ини бузилган полапонлардай чирқираб,
ота-она атрофида чарх уриб айланётган гўдаккина бо-
лаларнинг қўрқув ва ваҳима тўла қароғларини кўрмас-
ди, асло!

Не аламки, бу пайт унинг қулоқлари ҳам том битган
бўлиб, аёлнинг на оҳу ноласию, на мурғаккиналарнинг:
«Дадажон, онамни урманг», дея фарёд қилишларини
эшиитмасди сира.

Бу онгсизларча қилинган ваҳшийлик соатлаб давом
этгандир, балки.

Аёл аввалига қочишга уринган, бу тажовузкор жон-
нинг қўлидан чиқиб олиш учун ҳаракат қилган бўлса,
кейинчалик оёқ остида тўлғаниб, нола чекиб, бошу қўзла-
рини оёқ зарбидан олиб қочиш учун лоақал эмаклаб,
эшикка интилган, гужанак бўлиб олган, тўлғаниб-теб-
ранган бўлса, бора-бора ҳаракатлари сусайди, сўнавер-
ди ва бутунлай тинчиб, жим бўлиб қолди...

Назокат билан Асрор турмушларининг дастлабки йил-
ларида аҳил-иттифоқ ҳаёт кечиришарди.

Асрор ўша пайтлар оқибат-эътиборли эр, меҳрибон
ота, бир сўз билан айтганда, оиласарвар эркак эдики,
Назокат бундан жуда баҳтиёр эди.

Лекин бу ҳол узоққа чўзилмади. Асрор бошқараёт-
ган тракторни бир улдабурон чиқиб хусусий қилиб ол-
дию, рўзгордан қут-барака кетди. Шундан кейин Асрор
пудратчи бўлди. Заҳматдан боши чиқмадию, бироқ қўли
пул кўрмади. Оила аҳволи ҳам кун сайин қийинлаша
борди.

Шу кунларда шаҳар корхоналаридан бирида ишлов-
чи ҳамқишлоқларининг «фалон сўм» маош олишини
эшиитди. Бор қўр-қутини ўртага қўйиб, ўша корхонага
ишга жойлашди.

Аммо бу корхона аҳволи ҳам мақтагулик эмас экан, бу ерда ҳам иқтисодий таназзул чуқурлаша борди. Талон-тарожлик, ичдан емирилишлар ҳам аҳволни тезлаштириди. Ниҳоят, корхонанинг кун сайин қилтиллаб бораётган «жони узилди».

Асрор учун янги синов эшиги очилди. Янгидан ишқидиришга тущди. Бир амаллаб, минг бир «аъмол» ичидан янги иш жойига эга бўлди. Бироқ бу корхонада ойлик-маошнинг ўз вақтида берилмаслиги қийнай бошлади энди. Энг ёмони, ҳордигини «ойлик олган кун қилинадиган улфатчилик»ларда чиқарадиган ҳамтовоқларга дуч бўлди, уларга қўшилди.

Янада ёмонроғи эса бу давранинг завқу шавқини оширадиган яна бир манба бор зиди, улфатлар баъзида қорадори ҳам «тортишарди». Шундай қилиб, уларнинг кўкнори хаёллари ҳаётга айланарди бу лаҳзалар... Ана шунга ҳам эргашди.

Лекин бу давра Асрорни узоқ ушлаб ўтиrmади. Тез орада бутунлай нашаванд этиб, чиқитга чиқариб ташлади... Ишдан ҳам кетди, оила ҳам унутилди, масъулият ҳам чекинди...

То бунгача эса бир воқеа содир бўлган эди.

Қишлоқда ишлаб пул тополмай, шаҳарга кетиб иш тополмай юрган кезларида Асрор бир оқшом ёвғон қайнаса, ўн кунлаб сувга солинган оила қозонини ўйлаб, ичдан эзилиб юрганди. Шундай кунларнинг бирида қишлоқларида тўй бўлди. У ерга аҳли маҳалла қатори Асрор ҳам борди. Шу ерда «янги бой»лардан бири, ёш бўлишига қарамай, Асрорнинг саломлашиш учун узатган кўлини ҳавода муаллақ қолдирди...

Шу куни Асрор юрагидаги нозик бир толанинг чирт этиб узилганини ҳис қилди. Балки бу пайт унинг инсонлик ғурури, балки йигитлик орияти, балки нафсонияти оёқ ости бўлган эди... Шу боис ҳам тўйда ўтириб ўйлади, тўйдан кейин ўйлади. Ўғирлик қилган эмасди, би-

ровнинг аёлига кўз солмаган эди, бироннинг ҳақига ё жонига хиёнат этмаган, бирон дилига ҳам ҳуда-бехуда озор бермаганди.(Жумладан, бу зотнинг ҳам!)

... Пес ёки мохов ҳам эмас эдики, анови бойвачча қўлини тутишга жирканадиган бўлса!

Фақат бугун ночор, бечоралигидан ўзга «гуноҳи» йўқ эди унинг. Аммо бу нарсанинг ҳалиги пулдорга нима алоқаси бору қандай оғирлиги тушганки, бу тарзда муносабат қилса?!

Хуллас, Асрор шу куни бу кибрдор ҳамқишлоғининг беписанд муносабатларидан кейин тўйхонада узоқ ўтиролмади. Уйига келиб, Назокатга бўлган воқеани ўқиниб-ўксиниб гапириб берди.

Эзилиб-эзгиниб гапирди...

Шундан сўнг у беихтиёр ўзини баҳтиёр давралардан олиб қочадиган бўлди. Руҳига «қувват»ни эса юқоридагича тўдаю давралардан топгандай эди. Шу боис ҳам уларга жон риштаси билан боғланадиган бўлди, боғланаверди.

... «Эр бошига иш тушса, этик билан сув кечар», деган нақл бор элда. Аммо иродаси заиф айрим юқоридағича эрларки, «сув кечиш»да тайрилиб йиқилгандан, фарзандлари тақдирини ўйлаган, уларни жон-руҳи билан қизғанган иймонли аёл — она борки, белини сириб боғлаб, яшаш — кураш майдонига тушади.

Не тонгки, эри Асрорнинг ичкиликка, гиёҳвандликка ружу қўйиб, оиласа ҳимояти камая борган сари Назокат ана шундай аёллигини намойиш қила бошлади. Қишлоқда ишчи кучига муҳтож хонадонларнинг хизматига бел боғлади. Қай бир оиласанинг кўрпа-ёстиғини тикиб берса, қай бир хонадоннинг ўролмаган ўт-алаписини ўрди, сомонини ташиб киритди, ҳатто ғишт қуйиб сотган кунлари бўлди.

Аҳли қишлоқ бу заҳматкаш, уқубаткаш жувонга ҳеч кутмаганда бир оғиздан «тош келин», деб ном берди — «унвон» берди.

Жувон ана шундай меңнатлари билан топган маблағи ҳисобига болаларини едириб-ичирди, кийим-бош кийидирди уларга. Каттаси мактаб ёшига етгач, китоб-дафтарига пул топди, төнг-түшларидан кам қылмай кийинтиришга ҳаракат қилди.

Яна бунинг устига бу синов дунёсида «тайрилиб-йиқилиб, туролмаган» зрини ҳам едириб-ичираётган эди...

... Ишдан ҳам ҳайдалиб бутунлай даромадсиз қолган гиёхванд эр эса, не аламки, охир-оқибатда юқоридаги-ча фожиани содир этди.

*Эх, вахшатынг құлларыда
Не орзулар бұлды тұл!
Инсон, инсонларынг қайда,
Нималарга бұлдинг құл???*

ҮЛИМНИ ЧОРЛАГАН ҲУКМСҮЗ

Қызларини жон қадар яхши күрарди у. Қақажонлари ҳам ҳамма қолиб «дада», деб тил чиқаришганди. Аслиддин қачон ишдан келса, унга қараб «дада»лаб шундай чопишардикі, йигиттинанинг күн бүйи руқ-жонига тарқаб кетар, қизалоқларини бағрига босиб, ўпа-қуча укпардай енгил бўлиб уйга киарди.

Не аламки, бугун ана шу жигаргүшаларининг бўйнига ўз қўли билан ўзи сиртмоқ солди. Қизалоқларнинг катта-катта қора кўзларида аввал ўйинқароқ кулги жилваланди — дадам биз билан ҳазил қиласяпти, ўйнаяпти, деб ўйладиёв гўдаккиналар.

Кейин... Сиртмоқ тортила бошлаган сари ҳаво етмай ўша беғубор қароғлари ола-кула бўла бошлади. Шу асно улар бетоқатлик билан қўл-оёқларини патирлатиб-типирчилаб отага интила бошладилар.

Ҳар хил овозлар чиқариб, ундан нажот тилайвердилар.

Афсуски, Аслиддиннинг кўксидаги ўлимни чорлаган ҳукмсўздан бошқа ҳеч нарса йўқ эди.

Шу боис болагиналарининг кўзларидаги илтижони кўришни истамай, ўқдай учиб чиқиб кетди. Кейин ҳовли тўридаги каттакон дарахтга осилган учинчи арқон ўзининг жонига «азроил бўлиб чанг солди».

Фақат, эртаси куни йўл-йўлакай ҳол сўраб ўтиш учун кирган Аслиддиннинг опасигина бу ўликхонага айланган ҳовлидан отилиб кўчага чиқди. Қишлоқни бошига кўтариб дод-фарёд солди. Аҳли маҳалла тўпланиб келди.

Шу куни кечга томон эса бир йўла учта тобутни — ота ва икки қизининг жасади солинган «ёғоч от»ларни аҳли қишлоқ қабристон томонга олиб борарди.

Ҳадемай, қабристон четида битта каттакон қабр ва икки чоғроқ қабрча дўппайди. Аксарият қалбли инсонлар юраклари йиглай-йиглай сўнгги кафт тупроқни ташлаётганларида, беихтиёр, бу қабрлар ўрнида кейинги пайтларда ўйчану гариб қиёфада юрадиган Аслиддинни, маъюсу ўксик қизалоқларнинг мунғайиб ўтирган рангпар чехраларини кўргандай бўлдилар.

Шу асно ногаҳон қишлоқ оқсоқолларидан бири Садир отанинг аламу надомати тилига қалқиб чиқди: «Ё астағфуриллоҳ, астағфуриллоҳ! Аслиддин эсли-ҳушли бола эдику. Нима жин уриб, бундай шаккоклик қилди худога?! Шўрманглайгина йигит, охират дунёсиниям қизғанмадими? Шайтон шунчалик ҳам йўлдан урдими-я?»

Жаноза маросими иштирокчилари қабристонни қолдириб, Садир ота орқасидан эргашиб бораркан, ҳамманинг боши ҳам, ҳамма бирдай сукутда эди.

Фақат «мангу сукунат мамлакати» билан бу шовқ-инзор бозор — дунёни ажратиб турган девору дарвоза-

дан чиққач, Аслиддинларнинг шундоққина девор-дармиён қўшнилар бўлган Абдурасул ака Садир отага бир нарсани шипшигандай бўлди.

— Оббо, Шайтон бола бечоранинг уйидан чиққан, дегин! — Садир ота бир лаҳза соқолини тутамлаб, ўйга толди. Кейин Қуръоннинг «Ан-нос» сурасини тиловат қила-қила бандаларига Яратгандан иймону диёнат тилай бошлади.

Аслида, Абдурасул ака шама қилиб, Садир ота «минг тавба» билан даф этишини Оллоҳдан тилаган ва бир йўла уч азиз жигар-жонни — покиза инсонни ажал домига тутиказган воқеа бундай бўлганди:

Аслиддин қишлоқчилик — пудрати бор, сувчилик қилардию бири ҳеч икки бўлмас, бундан хотини Зарифанинг кўнгли сира тўлмасди. Шундай кунларнинг бирида у эрининг олдига масала қўйди.

— Фалончи-фалончи дугоналарим чет элга кетиб, ишлаб келишаяпти. Уч ой сайин бир дунё пул олиб келаяпти. Егани - кийғанлари олдида, қанча уй-иморату машиналариям бор. Менга ҳам шуни маслаҳат берисхаяпти. Болаларни онамга қолдирман. Манам шу ёқса ишга кетаман. Итнинг кет оёги бўлиб яшаш жонимга тегиб кетди!

Зарифа қанақа «иш»ни айтаётганини Аслиддин деярли англаб етган эди. Ҳатто далада ишлаётган зинг содда деҳқон ҳам бугун «фалончининг қизи Дубайски бўлибди», деса бир газ учиб тушар, худодан қизларга, оналарига инсоғ тилай бошларди.

— Дубайга бормоқчимисан? Сен ҳам ўша ...ларга ўхшагинг келиб қолдими? Озига қаноат қилмай қолдингми?

Ҳеч бу ҳолатга тушмайдиган эрининг бундай тутоқиб кетиши Зарифанинг бир лаҳза каловланиб қолишига сабаб бўлди.

Бироқ у етти-саккиз йиллик турмушлари давомида бу пақири-пастақ, етим йигитта ҳамиша сўзини ўтказиб кел-

ганди. Эрка қиз — битта қиз, бунинг устига она қони ҳам тоза эмас эдики, булар Зарифанинг характеристида аксини топганди. Шу боис айтгани-айтган бўлиб, она уйидан чиқсан қиз эр уйининг-да ягона «ҳукмдори»га айланиб олганди.

Натижада у бу масалада ҳам Аслиддиннинг гапини тан олмади, ўз айтганидан қолмади. Қизалоқларини она-сига қолдириб, ўша «фалончи»лар билан чет элга жўнаворди.

Минг олам ўтда ёнса-да, Аслиддин аввалига хотинининг «ўша ёқлар»га кетмаганига ишонгиси келди.

Лоақал тозароқ бирор хизмат билан ишлаб юргандир, дея умид қилиб, қизларини соғинса, қайнонасиликiga бориб-келиб хабар олиб турди.

Бироқ икки-уч ойлар ўтиб, Зарифа қайтиб келдию, Аслиддиннинг гумони тасдикланди. Зарифанинг на юз-кўзида, на қилигу сўзида аввалти Зарифадан нишон қолмаганди. Кўзларида ҳаёю сўзида маъно топмади, асло.

Фақат пул-бойлик, ҳою ҳавас ҳақида сўзларди, фақат қўш-қўш машинаю ҳашамдор ҳаётни кўзларди у.

Буларнинг бари Аслиддиннинг жон жойига урган, яшашдан бездирган, бундай номуссиз ҳаётдан — номуссиз хотиндан тезроқ қутилишнинг йўли — тезроқ «ер остини макон тутиш», деган хулосага келиб бўлганди.

Лекин Зарифанинг бошқа битта гапи Аслиддинни бутунлай гангитиб қўйди. Аниқроги, унинг кўксидаги ваҳшат вулқонини тошириб юборди. Аслиддин шунда қизлари билан осмону юлдузлар хусусида болаларча суҳбатлашиб ўтиракан, беихтиёр, Зарифанинг онаси: «Ҳали қизлар анча ёш-да 12-13 бўлганидами, ана унда пул топширишнинг қанақа бўлишини кўрардингиз», деган жумлаларини эшлиб қолди.

«Атии беш-олти йиллик фурсат. Ҳадемай, ўтади-кетади. Шу беномус, пулпаст аёллар — онаси, бибиси

бўладиган бўлса, бунча фурсатни кутиб ҳам ўтиришмас».

Аслиддиннинг миясида ана шу сўзлар айланаштган пайтида кўксида суюкли қизалоқларига ҳам ўлимни чорлаган ўша Ҳукмсўз уя қурган эди.

Шу боис Зарифа яна ўз «хизмат юрти»га қараб жўналию Аслиддин қизалоқларини олиб, уйига ошиқди.

Ўзининг, азизгина болажонларининг киндик қони томган ҳовлида эса уларни ҳукмсўз ижроси учун, юқорида айтганимиз, дурсиртмоқлар кутиб турарди.

СҮНГИ СЎЗ

Қайдам, ушбу воқеликни эшигандан бери бир нарсани ўйлаб кетаман. Ўша Аслиддин исмли шўрманглай йигитгина нега бундай йўл тутди экан? Эр сўзини — ўзини ер қилиб кетган хотини Зарифа кабиларга бундай йўл билан ҳаром пул топишдан кўра ўлим афзаллигини ўқтириш учун шундай қилдимикан?!

Балки... «У дунёга ҳам яхшилар керак-да», деган ҳикматнинг исботимикан бу, ҳарқалай, бугун учбегуноҳ жон тупроқ остини макон тутганда, Зарифа сингарилар бузуқлик, нобакорлик дунёсини етилтириб, у юртдан-бу юртга иснод ташишаётир.

АРМОН

Майсара ая ҳар галгидай эрта уйғонди. Мол-ҳолни ҳам вақтли саришта қилди. Энди ҳовлини супураман, деганда турмуш ўртоги Мажид aka уйғониб чиқди. Мажид aka ювингунча қўлига сув қўйиб турди, сочиқ тутди. Кейин икковлон ундан-бундан суҳбатлашиб, нонушта қилган бўлишди.

Мажид ака ишга отланди. Уни кузатиб, қайтиб кирган ая яна қўлига супургисини олди. Бироқ супуришга кўнгли бўлмади.

«Киши орқасидан супуриш бехосият», деб уқтирганди раҳматли энаси. Шуни эслади. «Аттанг-а, илгари супуриб-сириб олсам бўларкан. Сигирни эндиям соғаверардим, — ўйлади ўзича. — Хайр, келин турса супирап. Аста-аста ишга ҳам ўрганиши керакку», деган гап кўнглидан кечди унинг. Юрагининг бир чуқур нуқтасида яна оғриқ қўзғалгандай бўлди. Яна ҳар кунги армонли ўйни ҳис қилиб, ичдан хўрсиниқ келди. Яна юракни ззворадиган аламзада хаёллар ўз гирдобига тортди уни.

«Мана, Салим дарознинг келини. Менинг келиним билан иккови баробар тушган. Ҳар тонг далага кетаётганимда, эшик-орани супириб-сириб юрган бўлади. Деразаларининг ойналари поликлиниканикайдай ялтиллайди

Манам шунақасини орзу қилмаганимидим. Мани келиним бўлса, мудом ётади ё онасиникига жўнаворади. Бир иш айтсам, чала-ярим қилади. Ўшаниям ҳушига ёқса...

Дарвозадан қизариб-бўғриқиб кириб келган қизи Саида хаёlinи тўздириб юборди. Бир оз чеҳраси ҳам ёришиди аяннинг.

— Қандай бўлди, қизим? Ишқилиб ишинг унумли бўлдими?

— Ҳа, кечаги чала қаторларни «сой»га олиб чиқдим.

Саида мактабда ўқийди. Битирувчи синф. Энди дарсларини тайёрлаши керак. Шунинг учун қизгина шошилиб ювиндию сўридаги дастурхондан бир бурда нон олиб, дарсхонага кириб кетди.

«Худо баҳтингни бергур, меҳнаткашгинам! — дилдан алқади қизини ая. Саида баҳона ўй-фикрлардан халос бўлган эди. Ҳаво исиб кетмай далага бориши лозим. Иссиқда ишнинг унуми бўлмайди.

Бир лаҳза ўтар-ўтмас ая бир қўлида сигирнинг арқониу елкасида кетмон, бир қўлида яхна чойли катта чойнакни кўтариб йўлга тушди.

Мажид акаларнинг қишлоқ четида 3 гектар ерлари бор. Фўза ниҳолларини ҳозир ўт босган. Тезроқ ўтдан тозаланмаса...

Даланинг бир чети катта сойга туташ. Шу қунлар сойда сув анча пасайиб қолган. Эрта баҳорда сув кўпайиб кетгани боис ёйилиб оққан майдонда ҳозир кўм-кўк ажриқзор ястаниб ётиди. Қишлоқ болалари ана шу ерда мол боқишиади.

Ая ана шу ўтлоқни кўзлаб келаётганди. Ўтлоқ анча «ориқлаб» қолиби. Фақат чеккароқ қисмларида оқбош, илонпечак, туятовон, янтоқлар панасида селкиллаган ажриқларни топиш мумкин.

Майсара ая сигирни ана шундай жойлардан бирига боғлаб қўйди. Кейин ёвонга — ўз пудратларига қараб йўл олди.

Майсара ая тушликка қайтаётганда қуёш тиккага келган, ҳаво ҳам чўяндай қизигандан-қизиб борарди.

— Сигирни Сиз олиб боринг, мен тушликни ҳозирлайвераман.

Ая Мажид акага шундай деб, ўзи уйига шошди. Уйга келиб меҳмонларнинг устидан чиқди. Келиннинг онаси ва опаси ўтиришарди. Улар билан кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашиб бўлгач, келинига юзланди.

— Ўчоққа қарадингизми, болам?

— Ўчоқ-пўчоқнинг кераги йўқ. Мен ўзим овқат олиб келганман.

Қудасининг шартакилик билан айтган бу жавоби вазиятга охирги нуқтани қўйганди. Худди шу пайт сигирни дарахт соясига боғлаган Мажид aka кириб келди.

Қуда-андалар дастурхон атрофидан жой олдилар.

Келиллари Мавлудаҳон онаси пишириб олиб келган чопма шўрвани косаларга солиб, олиб келавер-

ди. Қайнатаси ва қайноаси олдига косаларни қўяётган пайтида «қудагай»нинг, беихтиёр, дилидаги тилига чиқди.

— Мен сен учун пишириб келганман буни, қизим.

Майсара аянинг тишлигани бир бурда нони бўғзидаги қолди. Ўрнидан туриб, ҳовлига чиқди. Бир лаҳза ҳовли саҳнида серрайиб турди. Бутун вужудини қиздириб, бўғзинга қараб шиддат билан интилаётган бир оғриқ руҳи жонини сирқиратиб ззаётганди.

Ая кўзёшларига эрк бермаслик учун чуқур нафас олишга ҳаракат қилди. Алҳол ҳовли этагидаги томорқага нигоҳ ташлади. Пиёзни ўт босиб кетибди. Сабзини сийраклаш лозим экан...

Нигоҳлари энди дарвоза томонга йўналди. Ҳали шошилиб толиқиб келгани учун эътибор бермаган экан. Супурги эрталаб ўзи қай ерда қолдириб кетган бўлса, шу жойда ётибди.

Ая, беихтиёр, супурги томонга юрди. Уни ердан олди. Шу алпозда ошхона томонга бораркан, лаблари яна ўша юракни ззворадиган оғриқли армонларини пичирлади.

«Ахир, мен ҳам Салим дарознинг келинидай келинни (қудасидай қудаларни ҳам!) орзу қилмаганимидим?!»

III Боб

Аёлга очиқ хат

БУ ХАТОНИНГ ОФРИФИ УМРБАСАРДИР (Бир «шикоят ҳати»ни ўрганиб)

Исмингизни ёзмадим. Чунки эл-улус орасида шаънингизни қизғандим. Синглим демоқликка хоҳишим камроқ. Сирдошим-дилдошим демофим ҳам асло мумкин эмас. Чунки дилизтиробингиз битилтган «мактуб»у атрофидағи ўрганишларим менга кўп нарсани аён айлади. Қарашларимиз тамомила тескари, фикрат дунёйимиз ҳам бутунлай бегона-ёт, бир-бирига «ёвқарашиб»даги ақида, ўйу хулосалардан иборатлиги кўриниб турибди.

Лекин Сиз дилу дунёси изтиробга тўла бир Аёл, яъни ҳамжинсим бўлганингиз учун-да қизғанаяпман Сизни! Шу боис ҳам қўлимга қалам олиб, Сиз билан «диллашибиш», шу аснода эплай олсам, Сизга ёрдам беришни холис ният қиласяпман.

Рости, мактубингизни ўқиб, оилангиз бузилганидан қаттиқ изтироб чекаётганингизни англаш қийин эмас. Мен ҳам бу борада минг карра Сизга ҳамдардман. Унинг қайта тикланиши учун ҳар қандай яхши маънодаги ҳаракату заҳматларга чорласангиз, ёрдамга тайёрман.

Аммо, очигини айтай, мен нафақат бу борадаги ўрганишларим, ҳатто мактубдаги сўзу хулосаларингиздан ҳам бир нарсани англадимки, Сиз масалага кўп ҳолларда бир томонлама ёндашаётган, шу боис ҳам ўзи ана шундай савдоларни «сотиб олган мазлумаи даврон»сиз!

Сўзларимдан бир сесканиб тушдингиз-а?

...Лекин сабр этинг, тоқат билан фикрларимни бўлмасдан эшишишга ҳаракат қилинг.

Дарҳақиқат, жайдарироқ тилда айтадиган бўлсам, Сиз ҳамма айбни тамомила «диндор, мансабдор, пул-

дор эр»ингиз гарданига қўйиб, оила бузилиши, фарзандлар «тирик етим» бўлишига фақат уни гуноҳкор дегувчи қарашларни илгари сураяпсиз.

Уни оғайнилари менга қарама-қарши қилиб қўйдилар, орамизга совуқчилик солдилар, деган ўйу хулосадасиз!

Бунинг устига, не-не муқаддас китоблардаги табаруқ ояту каломларни ҳам «хат»ингизнинг даъво қувватини ошириш учун дастак сифатида битаверибсиз.

Мен эса бу каби хулосаларингизга қўшила олмаяпман. Боиси, Сиз «ойдайгина келин»лик пайтингиздаёқ «севиб уйланган» жуфтингизнинг покиза мұҳаббатини алангалатиш, лоақал сақлаб қолиш йўлидан эмас, уни сўндирадиган йўлдан юришни ўзингизга «дастуриламал» қилиб олганингиз ростроқдай.

Яна қошларингиз чимирилиб, юзингиз тундлаша бошлиди. Баробарига эътиroz учун оғиз ҳам жуфтладингиз.

Лекин, барибир, бир зум сабр этиб, гапларимни охиригача эшишишга ҳаракат қилинг.

Сизни севиб-ардоқлаган жуфтингизнинг фақат ва фақат Сизники бўлиши, Сизнинг айтганингиздан юриши, Сизнинг сўзингизниги олиб иш тутишини хоҳлашингиз ёлғон эмас-а?

Бироқ жуфтингиз Сизга эр бўлиши баробарида бирорвонинг суюкли ўғли, бирорвонинг меҳрли укаси, бирорвонинг ардоқли акаси ҳам эди. (Балки улар уни Сиздан зиёдароқ, покизароқ, бетаъмароқ яхши кўрарлар: бугун ўғилқиз ўстириб, aka-ука, сингиллар дард-дунёларига аралашиб яшаётган инсон сифатида бу фикримга қарши бормассиз, деб ўйлайман!)

Шунинг учун у вақти келса, минг бир масалангизни ечиб бергани ҳолда, уларнинг ҳам сўзини олар, дийдорига ошиқар, мушкулларини осон этишга ҳаракат қиласарди.

Сиз эса бундан шу қадар безовта бўлиб, исён қиласардингизки...

Очиғи, бу беқаноат-бесабрлигингиз, боз устига ана шундай кезларда ақл әмас, жаҳлга эрк беріб, «німа айтиб, не иш қилаёттанингизни унүтиб», жазавага тушишларингиз яхшиликка хизмат құлмади ва құлмас әди. (Орадан үтган ўн беш минг марта тақрорланғандир-ов.) Шу боис ҳам талабалик йилларидаги бокира-бекебор мұхаббат, «қоғозга ўралған қант»дай қызға қарата айтилған «ўлдим-куйдим»лар ҳақиқий ҳаёт түфөнларига учраб, вақти келса, қаҳратонда қолған қызил гулдай түнгіб; вақти келса, гармсепта дуч келған майса-гиёҳдай қоврилиб-қовжираЙверди...

Ҳар қандай ота-она борки, «Болам ўзидан тинсин, баҳтли бўлсин», деб истайди. (Фақат, ўз «мен»ининг «айтгани» билангина юрадиган худбин кишиларгина фарзандлари баҳтини истасалар-да, характеристер-феълларидан чиқа олмай, билиб-бilmай, унга ёмонлик қилиб қўядилар.)

Ваҳоланки, Сиз тушган хонадон соҳиби — қайнотанғиз зиёли инсон ҳам әди. Ана шу боис ҳам у Сизларнинг баҳтли-саодатли ҳаётларингизни истаб, шаҳарга кўчиб кетишларингизга ҳам изн берди. «Балки бизсиз яшашса, тинч-хотиржам, тотувроқ ҳаёт кечиришар», деб умид қилди.

Не баҳтки, эрингиз ҳам Оллоҳ назари тушган йигит әди. Иши-иш жойи билан кўп нигоҳида әди у, фазлу мулоқоти, тадбиру топармонликлари билан зътиборда әди. Иймону диёнати билан-да кўп зътирофига сазовор әди яна.

Натижада, унинг атрофида одамлар яна кўпаяверди. Фақат ва фақат «меники», деган (топган-тутгани ҳам фақат меники бўлиши керак, деб ўйлаган) Сизнинг эса шу боис энди «исён»ларингиз доираси ҳам кенгаяверди.

Бу — ишхонасидаги ҳамкорими, бу — қўшнисими, бу — ҳайдовчисими, у билан ёндашиб иш кўрганлар борки, кўзингизга ёмон кўринаверди, улардан жуфтингизни

«қутқариб», аниқроғи, ажратиб олиш учун не-не исёну ҳаракатларни содир этмадингиз. (Очиғи, бунда унинг саҳоватпешалиги, ён-ёғидагиларга яхшилик қилишга ёндашишлари ҳам сабаб бўлди-ёв.)

Бу ҳаракатларингиз туфайли эса йигит шўрлик гоҳ ишхонасидаги раҳбарлари олдида мулзам бўлса, гоҳ маърака-маврудларда халойиқ олдида боши эгилиб, обруси кунпаякун бўлгандай ҳис этди ўзини.

Кўп ҳолларда ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари қаршисида юзининг суви тўкилди...

Охир-оқибат, ўртадаги фарзандлар вояга етиб келаётганда сабр коса тўкилиб-тошиб, гишт қолипдан кўчди. Оила ана шундай парокандаликка учраб, уни икки бўлиб, жуфтлараро девору Замину Осмон узра ларзалар солур Талоқ деган совуқ сўз майдонга тушди.

Сиртдан қараганда, бунинг бош сабабкори бўлиб, «ташаббус кўрсатган» жуфтингиз бўлса-да, бироқ ана шулар боис ҳам том маънода уни айблашингиз адолатсизликдир. (Бузгунчи қариндош-уруғлар ҳам жойида тура турсин!)

Чунки унинг ёнита бемалол, аввалроқ айтганимиздай, билиб-бilmай фарзанди бошига қийинликлар соладиган — ўз «мен»ининг истак-ҳоҳишидан чиқолмаган ота-она каби Сизни ҳам қўйишимиз мумкин.

Боиси, донишмандларимиз айтганлари каби, «... эр қўриган хотин аҳмоқ»лигини унутмай, жуфтингизни ўз ҳолига қўйиш, унинг давлати зиёда бўлишини Оллоҳдан тилаб, кўпроқ дину Ислом улуғлайдиган аёл итоаткорлигини ўзингизда шоёну намоён этиб яшайверсангиз, аҳвол бунчаликка бормасди, балки.

Табиий, бу тифдай тўғри сўзларни айтиб, дилингизни оғритиб, ғашингизга тега бошладим. Бироқ мен бошқа бир аёлга балки бу гапларни гапириб ҳам ўтирамасдим. Чунки, зар қадрини заргар билур, дегандай, Сиз Ислом динининг бош асоси бўлган Қуръони Карим оятларини

таниб, ўз мактубингизда жуфтингизни инсофга чақириш учун уларни бот-бот тилга олибсиз.

Энг муҳими, жуфтингиз ҳам баъзи бир нобакор эркаклардан фарқли — фазилатли, яъни ичмас-чекмас, тоат-ибодатли, тартибли, инсонлардан бири экан.

Бу нарсалар, табиийки, Сизнинг ҳам оиласдаги масъулиятингизни бир қадар оширади. Ваҳоланки, Сизнинг яна бир энг катта камчилигингиз негадир ана шу муқаддас битикларни ўқиганингиз сари ўзингиз учун сабоқ эмас, ўзгани айблапи учун «даъво»лар қидирганингиздир.

Чунки уларни чин иймон билан уқиб-ўқиганингизда олган сабоқларга амал қилганингизда эр қариндош-уруглари билан бу қадар ёвлашиб - ёмон кўришиб юрмас эдингиз. Боиси, бу муқаддас битикларда «Эрингнинг қариндош ва яқинларига ҳурмат кўрсат. Зеро, уларни ҳурмат қилиш, хожангни ҳурмат қилишдир. Бу эса қадр ва эътибор топишингта олиб келади», деган жумлалар ҳам мавжуд.

Аслида эса бу нарсанинг исботини ҳаётда ҳар биримиз кузатишимиз мумкин. Масалан, сизнинг ёшингиздаги бир келинимиз бор — укамнинг жуфти ҳалоли.

Қай биримиз бемор бўлсак, жигаримиздан олдинроқ у кўнгил сўраш тадоригини кўра бошлайди. Узогу яқин манзил-масофанинг фарқи йўқ, ҳаммадан олдин ҳол сўрашга у етиб боради. Бирор бир тадбиру мавруд бўлганида эса «кошхона»нинг юки ҳам ана шу келиннинг зиммасида бўлади.

Не тонгки, шулар сабабли ҳам опаю сингил, қизлардан пеш шу келин ҳаммамиз учун ардоқли-суюкли.

Гап бу ерда кўнгил устида кетаяпти. Афуски, худди ана шундай вазиятларда Сиздай — Ислом илмини ўртага қўйиб сўз айтиётган — маърифатли аёл масалага аксинча ёндашгансиз. Эр қўлидан бемор отасига илинган бир коса оби ёвғонни-да тортиб олиш даражасидаги ноярашиқ ишларни қилиб, унинг ғашига тегавергансиз.

Яна Пайғамбаримиз С.А.В. томонидан аёлнинг эрга итоати хусусида жуда кўп Ҳадислар айтилган. Масалан, «Итоат қилишда эркакларнинг аёллар устидаги ҳаққи менинг Сизнинг устингиздаги ҳаққим кабидир», «... Хотин киши эрнинг ижозатисиз уйдан чиқмаслиги лозим. Агар чиқса, Оллоҳ ва газаб малоикалари лаънат айтишади, то тавба қилгунча ё қайтиб келгунча, агарчи эр золим бўлса ҳам» кабилар шулар жумласидандир.

Шунингдек, Сарвари коинот қизлари биби Фотимага «Билмадингизмуки, эрнинг ризолиги Тангрининг ризолиги кабидур», демишлар. Ҳатто «бемор ётган отани ҳам эр рухсат этсагина бориб кўриш» лозимлигини таъкидламишлар.

Афсуски, Сиз бу айтилганларга амал қилиб, кундалик «борди-келди»нгизда эр олдидан ўтиш — рухсат олиш у ёқда турсин, эр ризолигининг аҳамияти йўқ, дам олиш масканларига ҳам кетаверган — кета билган аёлсиз.

Аслида, бу хатти-ҳаракатни Исломий таълимотдан бехабар энг оми аёл ҳам содир этмаган, оиласи тинчлиги, бола-чақасининг баҳт-саодатини истаб, эр ризолиги учун бош эгиб, кўп орзу-истаклари, ҳою ҳавасларидан кечиб яшаган бўлур эди ва кўпчилик шундай яшаяпти ҳам бугун.

Фақат бу каби итоатсиз ишларни «Муҳаббат ва оиласий ҳаёт» китобида айтилганидай, «ўзига бино қўйган, ҳеч кимга тобе эмаслигини ҳис этиб яшайдиган баъзи аёллар содир қилишлари мумкин»дир.

Мазкур китобда бу борада фикр давом эттирилиб, яна шундай дейилади: «Бундай аёллар ўз ҳақлигини исботлаш учун бўлар-бўлмас мунозара-баҳсга киришади, айrim ҳолларда овозини кўтаради, ҳатто дўқ қилишгача бориб етади. Бу ҳол эрларнинг иззат-нафсиға тегади, хотини тўғрисида нотўғри хаёлларга боради, ундан безади».

Не тонгки, Сиз ақлу идроқ билиму маърифати билан кўп орасида ажралиб турган аёл эдингиз. Не ҳайратки, фазлу диёнатингиз — сўзу амал мутаносиблиги биланда аҳли улус аро ажралиб, ибрат бўлиб яшашингиз, бошқа аёлларга намуна бўлишингиз керак бўлгани ҳолда, тескари йўлни тутиб, кўп ҳолларда юқоридаги каби аёлларнинг «изи»дан борганингиз ажабланарлидир.

Таёқнинг икки учи бўлади ҳамиша. Оилангиз тинчлиги учун ненидир қурбон қилишингиз, қай бир нияту орзулардан воз кеча билишингиз унинг бир учи бўлса, иккинчи учи бўлиб баҳтингизни асраб қолишингизу, фарзандларингизни «яrimдил»ликдан сақлаб қолмоқлик баҳту қувончи майдонга тушар эди. Афсуски, Сиз кўп ҳолларда «таёқнинг биринчи учи»ни қизғаниб-қадрлаган Аёлсиз!

Ваҳоланки, унинг «иккинчи учи»ни танламоқ ва асраб қолмоқлик масъулияти Она-Аёлнинг биринчи галдаги вазифаси бўлиши лозимдир.

Бир лаҳза суҳбатдош айлаганим, азизам — Аёл!

Асли инсон зоти борки, хатокордир. Ҳамма ҳам янглишиши мумкин; ҳеч кимса йўқки, ҳадеганда, ўз камчилигини кўра оладиган!

Бироқ ҳаёт давомида не-не хатоликларнинг қолдирган изи — жароҳати битиши мумкиндир. Илло оила, фарзанд борасидаги хатонинг жароҳати ўрни битиши қийин, оғриғи умрбасардир.

Шу боис ҳам Оллоҳни таниган бўлсангиз, чин дилдан юқунинг унга. Умр йўлларингизга чуқурроқ назар ташланг, амалларингизни бот-бот таҳлил қилинг...

Балки шунда фикрларингиз тиниқлашар. Лоақал фарзандларингиз юрагига бир ёқлама фикр сингдириб, элу улус аро бир ёқлама маълумот тарқатишдан чекинарсиз. Ҳар лаҳзада руҳу жонингизни бошқараверадиган исён ҳам босилиб, ҳалимликка, баробарига чин иймонга ошино бўларсиз.

Яратган эса бундай бандаларини ҳамиша ёрлақагай...
Ва ҳәётингиз дарёси эски ўзанига тушиб, яна тўкису ти-
ниқ бўлиб оқа бошлар, иншооллоҳ!

МУҚАДДАС АЁЛ сирасига кирмаганлар ҳақида сўз

Аёл — бир нигоҳда қараб, бир сўз билан айтганда,
гулдан нозик жон. Айни пайтда эса ҳаётнинг ўқ илдизи,
давомийлитетини таъминловчи Муқаддас қудрат соҳиба-
си у.

Оила қут-баракаси, болаликнинг устувор бахти, эр-
как дунёсининг чироги яна.

Лекин... Ҳа, ана шу «лекин» бизни ушбу қораламани
ёзишга мажбур этди. Қўлимизга қалам тутдик.

Келинг, мавзумиз эшиги пештоқидаги ёзувга боқинг,
«Аёл — ентилоёқ (фоҳиша дейишни эп кўрмадик), аёл
рўзгорларни бузувчи, аёл — ичкиликбоз, аёл — оналик
бахту туйғусини ўз «мен»и, ҳою ҳавасларига алмаштири-
ган беқаноату бесабр жон...

КЎЧА ҲАВОСИНИНГ КАСОФАТИ

Маънавият муаммолари борасида ёзилган бир хатда
шундай аёл ҳақида ҳикоя қилинади. Оилали, ҳатто ке-
лину куёвлар кўришга ҳам улгурган аёл не ҳайратки,
айни кунда ҳам эру ўғилу қизлар юзига бемалол оёқ
қўйиб, «жазмани билан учрашув»лар қилиб юради...

Яна бир шундай «хат»да эса айни шу «каромати» ту-
файли бошқа бир аёл қиз чиқариб, невара кўрган пайти-
да турмуш ўртоғи билан ажрашиб кетгани ҳақида сўз юри-
тилган. Кўп йиллик катта бир оила парокандалилкка юз
тутиб, «бир этак бола отангга бор, онантга бор» тарзида

аросатда қолганлиги ҳам таъкидланган. Аслида, ҳар икки аёлнинг ҳам оила шароити, турмуш тарзи маъмуру мўл-кўлчиликда бўлган. «Хат»ларда ёзилишича, осмондаги ойни сўрашса, эркаклар олиб кафтига қўйгудай даражада яшаб юришган. Не тонгки, ана шундай шарт-шароитда улар юқоридаги каби кўчаларни ихтиёр этишган.

Далил: бугунги кунгача вилоятимизда расман аниқланиб, тан олингани 64 та фоҳишахона ана шундай «ошиқ-маъшуқ»лару номусини бозорга солгандарга хизмат кўрсатиб келган. Ваҳоланки, бундай «майшат» гўшаларининг кўздан холи «ишлаётган»лари қанча.

Юқоридаги каби аёлларнинг кору кароматлари туфайли эса Гисмли жувоннинг оиласидаги ҳаёт ҳамиша ғалвали, аламу изтиробли кечади. Бу навжувон аёл ҳамиша «меҳрибон она, оқила ва тадбиркор бека, садоқатли аёл»лиги учун мукофот тарзида бетавфиқ эридан кўрланиш олади, камситиш олади. Боз устига заҳмату машаққат тортиб яшашга ҳам маҳкум. Очигини айтадиган бўлсак, бу «кўча ҳавоси»дан баҳра олиб яшаб юрган эр на хотин, на болани қизғаниб-аямайди. Шу боис ишлаб топадиган ҳам, кўтариб олиб келадиган ҳам, пишириб-кўйдирадиган ҳам жувоннинг ўзи, эри эса топгани «кўчада», хизмат-ҳурмат-муҳаббати «кўчада», хотинига бўлса, устама Юқ, устама хўрловчи, ҳақоратловчи.

«ЭРИМ ҲАМ АЗОБИНИ ТОРТСИН, ДЕДИМ»

Яқинда Навоий шаҳар судида бир иш кўрилди. Навжувон она туғруқхонадан чиқибоқ чақалофини — мурғаккина, ушоққина жигарпорасини эрининг уйига ташлаб кетибди.

Воқеа гайритабиий бўлса ҳам келиб чиқиш тафсилоти оддий — одатий. Эри билан келишмай ота уйига кетиб қолган келинчак биринчи фарзандини ана шундай «қарши олган».

«Эрим ҳам азобини тортсин, дедим».

«Ортимдан ёлвориб келади, дедим»

«Отасиз бола нимага керак, кимга керак».

Бу каби дийдиёлар жувон ва онасининг гаплари. Лекин ушбу ўринда бизни бутунлай бошқа нарса ҳайратга солгани рост. Умуман нопок йўллар билан ҳомила ортирган аёл-қизлар болани туғиб ташлаб кетаётганликлари ҳеч кимга сир эмас. Бу нарсанинг ўзи алоҳида бир мавзу. Аммо ҳалол оила қуриб, никоҳли фарзандни дунёга келтириб, ундан «кўз юмиш», уни ташлаб кетмоқли...

Ростини айтадиган бўлсак, даставвал бу нарсага ишонгимиз келмади. Ахир бир жони бўлса — ўша, минг жони бўлса — яна ўша фарзанд бўлган аёл — Она борки, эндиги ҳаёти шу бола билан кечади шу фарзанд билан маънодор. Шундай ҳолатда ана шу ҳаёт-мамотини, жону жаҳонини ташлаб кета оладими, кета олармикан?!

Ҳали мутлақо қаровга, меҳру эътиборга жуда ҳам муҳтож бўлгани, бир парча жонни-ку айтмай қўя қолайлик. Агар ўзи айтгандай, эрининг таъзирини бермоқчи бўлган бўлса, худо кўрсатмасин, мурфаккина бир фалокатга йўлиқиб қолганда-чи?! Кейинги афсус-надоматни қандай кўтариб яшashi мумкин эди?!

Лекин бу юрак биз ўйлагандан бошқача юрак экан. Бу она биз англаб етган Оналийка сифишимайдиган мутлақо бошқа дунё бўлиб чиқди. Эрини «эгилтира олмагач» жувон болани олмаёқ ажрашиб кетаверди.

Беихтиёр, шу ўринда бир ривоятни эслайсан киши. Қадим замонда Ёвуз кучлар Она иродасини букмоққа қасд қилишибди. Даҳшатли пўртана билан уни қўрқитиб: «Болангни ташла, шунда ўзингга омонлик берамиш», дейишибди. Она кўнмабди. Пўртана ваҳшат билан ўса бошлабди. Аёлнинг белигача чиқибди, болани кўксига босибди у. Кўкрагига чиқибди, боши узра кўтарибди зур-

риёдини аёл. Пўртана ўсаверибди, аёлни бутунлай юта бошлабди. Она эса... Болагинасини кафтларида баланд кўтарганича пўртанани юта-юта жон таслим қилибди. Қилибдию, аммо боласини ташлаб юбормас эмиш...

Ҳа, Она — ана шундай енгилмас Куч, фидойи Жон.

Аммо боласини ташлаган бу жувоннинг баҳоналари ажабтовур. «Онамнига келаман десам, рўйхушлик бермайди». «Фалончининг эри уни кафтида кўтаради, менинг зерим бўлса...»

Хуллас, ўз «мен»ининг арзимаган талабу истаклари деб, ўз сўзининг ҳар ўриндаги устуворлиги учун ҳуда-бехуда эр юзига оёқ қўйиб аразлаб кетавергани етмагандай, бу аёл энди ўз «мен»и учун болагинасини ҳам бемалол ташлаб кетмоқликка журъат топди, тополди ўзида.

Сирасини олганда, ўрганишлар давомида англадикки, бу жувон тушган хонадонга меҳнатсеварлигу тадбиркорлик боис, яна Яратганинг иноятидир, бугунги ўтиш даврининг қийинчилклари кириб келгани йўқ экан. «Танлаб кийиб, танлаб еб», дегандай яшаб юрадиган шароитда экан у. Ичмас, чекмас, топарман эр ҳар лаҳзада кўнгли тусаган нарсасини олдига муҳайё қилиб қўяётган экан. Ваҳоланки, шарт-шароит тақозоси боис неча ойлаб онасиникита боролмаса ҳам, кўчада кийгулик бир оҳорли кийим олишнинг иложи бўлмаса ҳам ё яна майшатбоз, ичкиликбоз эр бир томону рўзгорнинг бор юкига ўзи қалқон бўлиб, ранжу заҳматлар ичida яшаётган бўлса ҳам, гоҳ эр ҳурматини жойига қўйиб ва гоҳи фарзанд тақдири-тарбиясини қизғаниб, сабру бардош билан яшаётган аёллар ҳам ён-ёғимизда ҳамиша бисёр.

Бироқ у буларга қарамаган. Ё ўзига ҳамиша ортиқча баҳо бериб, ўзидан зиёдроқ шарт-шароитли аёлларга таассуб қилган. Она эса ўз меҳру муҳаббатини қизининг бахти-бахтиёрлиги учун эмас, бахтсизлиги учун сарф этган. Қиз боланинг бахти «тушган жойида гул бўлиб униши, илдиз отиб яшаб қолиши, этагида қўкариши» экани-

ни унутмасдан ҳар лаҳзалик қадамини етмиш марталаб ўлчаб босиш ўрнига «биринчи кундан эрингни сўзингга юрадиган қил, нима десанг айтганингни қиласин», деган талабу ақидани қиз қалби-қулогига сингдириб юборган.

Эр бўлмиш она-қизнинг айттанларидан озгина тайрилса, қизини олиб кетиб ўтирадиган одат чиқарган. Олиб келавериб, шартига кўнавериб (орада калтак ҳам еб) чарчаган эр эса хотинидан бутунлай кўнгли совуган.

«Хотин шундай бўлса, дунёдан хотинсиз ўтаман». Ниҳоят, ана шундай хulosага келгану атиги бир йилтина олдин умид билан ёстиқдошу умр йўлдошликка танлаган, тўй-тўқиз қилиб олган жуфтини умуман сўрамай қўйган.

Ана шундан кейин юқоридаги машмашалар бошлиниб кетган. Бу гурбату машмашаларнинг охир-оқибати жувоннинг болани ташламогию ёшгина оилтанинг бузилиб кетиши билан якун топди.

СЎНГТИ СЎЗ

Масалларда ишлатиладиган шундай жумла бор: қиссадан ҳисса чиқармоқлик. Демоқчимизки, биз ҳам қиссадан ҳисса — хulosа чиқариш фурсатига етиб келдик, ниҳоят. Биз тўхталганимиз ва тўхталишнинг иложи бўлмаган бу каби қатор воқеа-ҳодисаларнинг, кўриб турганингиздек, ўз келиб чиқиш сабабларию оғриғу оқибатлари мавжуд.

Бироқ бу воқеа-ҳодисаларнинг келиб чиқишига ким англаб етиб-ким етмаган сабабу замину илдиз ҳам борки, баҳонаи сабаб ушбу ўринда ана шу нарса устида тўхталиб ўтмоқни лозим топдик. Келинг, шу нуқтада масалага бироз таҳлилий ёндашайлик. Биринчи воқеликдаги аёллар нега эри бўла туриб, яна нопок кўчаларга киришни ихтиёр қилди!

Нега Эркак ўз оиласини ободу маъмур қилиш ўрнига фаҳшу паст кўчалар оралаб юрибди?

Иккинчи воқеликдаги жувон нега норасида дилбандини бағрига босиб вояга етказиш ўрнига юқоридагича йўл тутди? Нега унинг онаси бу лаҳзаларда инсофу тав-фиққа етакловчи эмас, аксинча, бу йўлдан оздирувчи бўлиб майдонга тушди?

Аслида қиз бола турмушга чиқар экан, «нима десам менинг айтганим бўлиши керак!» деган талабу ақида-ни мақсад қилиб қўйиши керакмикан? Ёки қандай йўл тутсам, шу хонадонда «суниб-ўсаман», деган йўйу анди-ша билан кириб бормоги лозимми? Умуман, келинчак-ликнинг, бекаликнинг бурчлари нималардан иборат?

Ориятели, ғуурли эркак хотин-боласи, тўғрироғи, биринчи галда оила эҳтиёжи учун югуриб-елмоги лозим эмасмикан?

Хуллас, бу каби «нега-нега»ларни, шу аснода нокомилликка қарши саволу сўровларни истаганча давом эттиришимиз мумкин. Буларнинг ҳар бирига дунёвий билимлардан ҳам, оқилу комил инсонларнинг тажрибаю хуолосаларидан-да сара ва самарали жавоблар топмомиз аниқ. Лекин бизга қолса, бугунги кунда эр-хотин машмашаларига имкон қадар чек қўйиб, оиласлар бузилишининг олдини оладиган, энг асосийси, жамиятимизни озми-кўпми учраб турган юқоридаги каби иллату нопокликлардан тозалаб, ҳаётни маънавий комиллик томонга кўтарадиган яна бир куч бор. Бу диний-Исломий тарбиядир.

Аслидаям, 70 йиллик ўтмишнинг маънавиятимизга қолдирган дарзи кўпроқ ана шу нуқталар билан дахлдор. Сирасини олганда, ўтмишда миллатимиз эркакларида орияту ғуур, аёлларида итоаткорлик, сабрлилигу ҳаёу устувор бўлганлиги манбалардан маълум нарсаку. Хотинига рўзгор заҳматини юклаб қўйиш у ёқда турсин, белида белбоғи бор эркак жуфти ҳалоли кўнглига қариб, бошқоронғи бўлганда ҳатто анор излаб топмоқни ҳам бурч билганку.

Итоатли, вафодор, оқила хотинлар эса Қуръони Ка-
рим, Ҳадиси шариф каби муқаддас битиклар таълимоти-
тига суюниб, ҳатто түшакда ётган ота ҳолини сўраш учун
ҳам эр ризолигини олмай туриб, йўлга отланмаганлар.

Умуман олганда, аёлларимизнинг ишу аъмолларида
Пайғамбаримизнинг «Агар мен инсоннинг инсонга сажда
қилмоғини маъқул кўрганимда, аёлларнинг ўз эрларига
сажда қилишларини буюар эдим», деган пурҳикмат гап-
лари дастуриламал бўлганлиги ҳеч кимга сир эмас. Ҳатто
бу нарсани кўпчилигимиз момоларимизнинг хатти-ҳара-
катлари, феълу атворларида ҳам кузатганимиз рост.

Шунга яраша эса эркакларда ҳам бурчу масъулият
ҳисси зиёда бўлиб, заифага — аёлига қайишувчи, ория-
ту ғуурнинг сultonни бўлгулик инсонлар бўлишган.
(Уйда эркак, чорбозорда хотинлар юрмаган!)

Минг шукрки, Истиқлолимиз шарофати билан бугун-
ги кунда мактабларимизда, бошқа таълим-тарбия ўчоқ-
ларида озми-кўпми диний таълимга ўрин ажратилмоқ-
да. Президентимиз бу борада алоҳида эътибор қаратат-
япти. Эндиги ишимиз ана шу таълимнинг соатларини
кўпайтириб, дастурини кенгайтириб, Ислом динининг энг
покиза таълимотини — улуғвор инсоний ва илоҳий ақида-
ларини мактаб партасиданоқ ёшлигимиз онгу шуурига
сингдириб боришнинг изчилигини таъминламоқдир.

Ана шундагина бугун ўқиб-уқиб улғаётган қизалоқ
эртага арзимаган мол-мато учун «бир соатлик келинча-
қ»лик кўчаларига кирмайди. Яна умид қиламизки, Аёл-
ман, дегани Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васал-
лам Ҳадисларида таъкид этганлари: «Бир аёл биргина
эркакни масъуд қилмоққа ҳақлидир», деган юқдор ҳик-
матни ўз ҳаётий ақидасига айлантириб олади. Юқори-
даги каби гуноҳлари учун Яратганинг тонгла Маҳшар-
да бергувчи ажру жазосидан қўрқади. Эр рухсатисиз
остона ҳатламас даражада итоаткор бўлади.

1997 йил

ОИЛА НЕГА ДАРЗ КЕТДИ

Оила муаммолари хусусида бораётган йиғинда ўти-рардигу, 70-80-йиллар ичига қайта тушиб қолгандай ҳис этардик ўзимизни.

Маърузачи сўзини тутатгач, муҳокама учун сўзга чиқ-қанлар кўрилаётган масала бир томонда қолиб, ўз «дар-д»ларини айтишга тушиб кетганди.

Воҳки, минбарга кўтарилиган навбатдаги кишининг «қизгин фикрлари» энди бундан-да зиёдароқ ҳайратланарли бўлди.

Нуфузли бир идоранинг раҳбарларидан бўлган бу шахс шаҳарга қишлоқдан келаётган аёллар кийиниш маданиятини билмаслиги, эстетик дид йўқлиги, оиласарда ажралишлар бўлишига сабаб асосан ана шу нуқтага дахлдорлиги хусусида жон куйдириб гапирди. Жойларда, айниқса, хотин-қизлар қўмиталари қошида ушбудай нарсаларни ўргатадиган клублар (ва яна алламбало муносабатларни ташкиллаштирувчи уюшмалар ҳам) тузиш лозимлигини уқтиргди.

Инсоф билан айтганда, биз ақлимизни танигандан бери ўзимиз гоҳ тушуниб-тушунмай ана шу мавзуда гапириб келмадикмикан? Шаҳар «маданият»ини қишлоққа олиб бориш учун «юриш»лар уюштирмадикмикан?

Оқибатда нима бўлди? Оиласар бузилиши, ажралишлар сони энди нафақат шаҳарда, қишлоқлардаям ортаверди, ортаборди.

Нафақат бу жараёнда, ҳамма-ҳамма жабҳадаям кўнгилга хуш келмайдиган ишларни бот-бот кузатавердик.

Яратганга минг бор шукроналар бўлсин, юртимиз мустақил бўлди. Миллатимиз дунёга танилар замон келди. Қадриятларимиз қайта тикланаётир.

Аммо бу буюк неъматнинг катта қувончини ҳамма ҳам бирдай юракдан ҳис этаётгани йўқ бугун. Кимдир мустақил юрти учун чинакам яратувчанлик ҳаракати

билин банд бўлса, кимдир ўз шахсий дардлари, ташвиши билан овораю сарсон. Бир уйи (кийими, машинаси, самолёти) бўлса, икки қилиш, уч, беш, ўн... қилиш ва ҳоказолар билан машғул бўлиб юрибди. Қай йўлдан бориб, қандай кўчаларга кирмасин, бунинг фарқи йўқ, ана шу «порлоқ ният»га эришса бўлди. Уни бошқа ҳеч нарса — на Ватан, на виждон, на иймон туйғуси безовта қилмаяпти, қилаётган эмас.

Ана шулар боис ҳам Ҳуррият шамоли эсаётган мамлакатимизда энди маънавият шабадаси ҳам нақадар заруратлигини сеза бошладик. (Кечаги тузум бўғиб ташлаган бобомерос маънавий қадриятларимизга эҳтиёж орта борди).

Минг шукр, кейинги икки-уч йил ичидаги юртимизда бу нарсага ҳам асосий эътибор қаратилаётир.

Сирасини олганда, инсоф билан айтадиган бўлсак, бу борадаям яна Президентимиз ташаббуси асосий майдонга тушди: «Маънавият йўқ жойда ҳеч қачон баҳт-саодат бўлмайди», деган жумлалари уйғоқ юракларга огоҳлантирувчи ҳайқириқлар бўлиб акс-садо берди.

Дарҳақиқат, ҳақ гап, ўлмас ҳақиқат бу. Агар кишида қаноатдай бойлик бўлмаса, «тўйдим»и бўлмайди. «Тўйдим»и бўлмадими, у руҳий хотиржам бўлолмайди. Руҳий хотиржам эмасми, энди у ўзини баҳтли, деб ҳам ҳисоблай олмаслиги тайин. Чунки у Ҳадисларда айтилганидай, ўзидан пастдагиларга қарамайди, ўзидан юқоридагиларга қарайди. «Юқорига» чиққан сари яна «юқорида» гиларга кўзи тушаверади. «Улардай бўлолмаган»и учун руҳи безовта бўлиб, яна ўзини ўнгу сўлга ураверади.

Кошкийди, бу ҳаракатини ҳалол аъмоли билан давом эттирса. Оллоҳ қаломи бўлган, Пайғамбаримиз С.А. В.лафзу қаломларида айтилган: «Дунё йигишни касб қилиб олар экансан, қиёматда ҳисоб беришингни эслаб қўй», деган пурҳикмат жумлаларга амал қилас!

Йўқ, асло! У бундай даражада йўл тутиши учун умрини фақат маънавий бойликлар яратишга сарф этган улуғ бобокалонларимиз меросларидан озми-кўпми баҳраманд бўлиши, илму ҳикмат олмоқлиги, энг муҳими, Оллоҳни танимоқ учун ҳам рағбат қилиши лозим эди. Афсуски, у илгари бунга одатланмаган эди, бугун эса бу нарсага сира вақт тополмайди.

Хўш, ана шундай ютугу қусурлар ичидаги ўз тўғри йўлини — тараққиёт йўлинин қидириб бораётган жамиятимиз асосий негизи бўлмиш оилалардан қай бири бугун бузилиб кетаётган экан, унинг сабабини жўнгина қилиб «аёлнинг кийиниш маданияти ва эстетик диди етишмаслиги»га боғласак, фаросатдан бўлармикан?

Аслида, шу нарса оила пойдеворини мустаҳкамлайдиган асосий шартлардан бўлганда эди, аксарият «зamonавий» аёллар тақлид қилиб эргашаётган «кийиниш маданияти»га эга, юқоридагича қатор-қатор клублари ишлаб турган Оврупо мамлакатларида оилалар барқарорлиги ҳавас қиласи даражада бўлмасмиди?!

Ахир уларда бу борадаги рақам ҳам энг юқори кўрсаткичларда экани сир эмаску, бугун.

Шу аснода масалага инсоф ва ўйлов билан ёндашадиган бўлсак, кеча ҳам, бугун ҳам оилалар бузилишига сабаб бўлиб келаётган омилни-да бошқа бир нарсадан, яъники жамиятимиздаги аксарият қусурларни келтириб чиқарайтган маънавиятсизликдан, сиртимиз қанчалик ялтираб турмасин, маънавий бойлигимиз етишмаётганидан изламоғимиз керак эмасмикан, деган ўйга боради киши.

Масалан, айтайлик, бугун ўтиш даврининг иқтисодий мураккаблиги қай бир хонадонга сезилиб қолаётгани аниқ. Шундай оилага тушган келин момомерос қаноатдан, сабру шукронадан йироқ бўлса, эр олдига юз талабини қўяверса; ёки «қизим тушган жойида кўкарсинг», дея бир четда турмай она узатган қизи ҳаётига ҳуда-безудага аралашаверса; ёки келинчак шарқона одобу оила

тутишдан мутлақо бехабар бўлсаю турмуш ўртоғи олдидаги бурчу вазифасини «тeng ҳуқуқлик»ни даъво қилишдан иборат, деб билса, итоаткорлиқдан келинлик зийнатини эскилик сарқити, деб бетгачопарлик қилаверса; беқаноат ва беўйлов аёл ҳалолликдай улуғ бойлигу бисотини арзимаган нарсага, арзимаган ёлғону хушоммадларга алмаштиrsa — хиёнат кўчасига кирса, шубҳасиз, бу хонадонлардан энди хотиржамлик кетади. Бу оиласалар пойдевори, албатта, нурай бошлайди. (Ахир қатор шикоят хатлар билан танишар, шу атрофида ўрганишлар олиб борар эканмиз, бу каби фактларга бот-бот дуч келамиз, келганмиз. Энг чиройли кийиниб, ўзига қараб юрган келинчакнинг юқоридаги каби қусурлари боис, чиқиб кетгач, эр уйига қайтиб киритилмаганига гувоҳ бўлганмиз!)

Ваҳоланки, онгу шуурлардаги барча қусуру камчиликларни тугатишнинг бирдан-бир йўли маънавиятларни бойитмоқ эмасми?! Шу аснода «тоғ келса кемириб, дарё келса симириб...» тарзида яшаган оналаримизнинг, момоларимизнинг гўзал, шарқона фазилатларини ўрганиш, улуғларнинг оиласи асрар, ардоқлаш борасидаги ўгиту насиҳат, пурҳикмат ҳаёт сабоқларидан таълим олиш керак эмасмикан?

«Қаноатли бўл, умр йўлдошинг келтирган озиқ-овқат, кийим-кечакнинг ҳаммасини мамнуният билан қабул қил. Айтар гапларини ҳамиша диққат билан эшиш, ҳамиша итоатда бўл. Эрингнинг овқатланиш соати ва уйқу вақтига диққат қил. Чунки очлик кишини тажанглаштиради, уйқусизлик хафаликка сабаб бўлади. Унинг яқинларига чиройли муомалада бўл. Сирларини зинҳор бирорвга айтма. Хурсанд бўлса, сен ҳам шундай кайфиятда тут ўзингни. Хафа пайти ўзингни хурсанд кўрсатма!»

Мана, оила пойдеворини мустаҳкамловчи асосий ғиштлардан бири — момоларимиз кўрсатган ишончли йўл-йўриқ.

Ҳатто уларнинг бугун биз эътироф қилган «кийиниш маданиятию эстетик дид» сармеваси бўлган калта, чокли юбкалару кесик соchlардан фарқли «эрга хуш ёқсан пардоз»лар ҳақида ҳам келинчагу қизларимизга ўргатгулик чиройли шарқона ўғит-насиҳатлари бор.

Буларнинг ҳар бирини ўқиши-ўрганишу ўқиши ва уларга эргашиш учун эса миллатимизнинг ана шундай маънавият бойликлари жамланган китобу рисолаларни (вақтли матбуот нашрларини ҳам) мунтазам ўқиб бормогимиз, баробарига ҳаётга тадбиқ қилмоғимиз лозим. (Шу аснода оиласнинг иккинчи таянчи бўлган эркакларга панду насиҳатлар жамланган қўлланмаларни ҳам истаганча топишимиз мумкин).

Фақат бунинг учун ўзимида борига ортиқча баҳо бермай, улардан фойдаланиш учун ҳар биримиз ушбу нарсага рағбат тополсак бас.

Ниҳоят, мавзумизнинг сўнгти сўзи — хулоса қисмита ҳам етиб келдик, деб ўйлайман.

Бугун хотин-қизлар қўмиталари қошида ҳам, корхона-ташкилот, айниқса, билим-ҳунар ўчоқларию, маҳаллаларда ҳам клублар ташкил қилиниши лозимдир. Аммо у клублардан жамиятга чинакам фойда етсин. Тўғрироғи, бугун кўпроқ ҳамма ёшдагилар учун «Маънавият» клублари, ёшлар учун эса қизларни турмушга тайёрлашу йигитларни оила бошлиғи қилиб тарбияламоқдай масалаларда иш олиб борувчи клублар ташкил этилиши лозим, деб ўйлаймиз. Бундай клубларга эса шу соҳаларда катта ҳаёт тажрибаси ҳамда билиму маънавиятга эга бўлган инсонлар раҳбар сифатида жалб этилмоғи керак.

Ана шундай йўл тутсаккина, айни кунда кўпларни ўйлантираётган оила муаммолари ҳам, маънавиятимиз муаммолари-да озми-кўпми ечимини топади, деб ҳисоблаймиз.

IV Боб

Дилдаги сүз

ОНА ЭЛНИНГ УЙФОҚ СҮЗЛИ ШОИРАСИСИЗ (Шоира Ойдин Ҳожиеванинг «Паноҳим» тўпламидағи шеърларни ўқиб)

Саксонинчى йилларнинг ўрталари эди, чамамда. Бутун Бош муҳаррирлик қилаётганингиз «Саодат» журналида шеърият билан шугулланувчи бўлим етакчиси сифатида фаолият кўрсатардингиз. Ўшандаги илк учрашуви миз хотирамда шуълавор ёлқинланади ҳамон.

Бағоят майин ва дилбар, бағоят назокатли ва ёруғюз бир аёлнинг «Саодат» олмаларидан енг-чи», дея қилган мулозаматли лутфи, шеърият ҳақида, ашъорлар хусусида чин дилдан, самимият ва бағрикенглик билан берган маслаҳатлари...

Очиғи, «Нима дейишаркан?» деган андишаю истиҳолада саҳройи юраги япроқ каби титраб турган биз — «райондан келган қаламкашлар» учун бу катта марҳамат эди. Ва бу нарса азим Шошда, умр ўлчовини ҳар лаҳза аён этиб тургувчи улкан соатни кўксига босган; аҳли қалам борки, интилгани — «орзуладар мамлакати» саналган осмонўпар бинода бир Устози аввал, бир Раҳнамои киром борлигидан дарак берар эди. Шу боис ҳам биз ўшандан кейин қачон йўлимиз тушса, дийдорингизга интилавердик, ҳузурингизга ошиқавердик.

Минг шукрки, бу меҳр-эътиборингизни кейинги-кейинги учрашувларимизда ҳам зиёдаси билан топавердик.

*Мен майинлик тингладим,
Най сўзли булоқлардан.*

*Сүкунатни аңгладим,
Мүм тиашлаган төглардан.
Гуллатмоқни дарс олдим
Баҳрали дарёлардан...*

дея қалб рангларингизни ёзганингиз каби, бутун фаолият, туриш-турмуш, ҳатти-ҳаракатларингиз ана шу мисралар руҳида кечар, мазмун-моҳияти билан ҳамоҳанг эдики, шу боис ҳам «игна кўзича нур истаб», ҳар бир рўбарў келган жонга «мәдрингизни қўнғироқ қилиб», югуриб-славердингиз. Шу асно бизга ҳам кўп бора чин устоз раҳнамолигини кўрсатдингиз.

— «Онажон, рўмолинг остидаги у — Бош эмас, аламлар тугуни эдий», каби мисраларингиз «питучкада» юқори баҳоланади, дея кўнглимни кўтардингиз бир гал. Бошқа бир гал эса «...опай, шу қизимизнинг ижодига журналимида яхши баҳо берилаяпти. Унинг ёзгандарига Сиз ҳам бир зътибор қиласизми?» дея кириб боришимиш учун янги бир таҳририятнинг эшигини очиб бердингиз.

Аслида, Сизнинг бу бағрикенглигингиз, «йилт этган гиёҳга ҳаёт иқболи»ни бермоқлик учун қилган ҳаракатингизни жуда кўп қаламкашларимиз ўз мисолларида кўрган-кузатган бўлсалар, не тонг.

Шоира Сурайё Зоҳирнинг она Тошкент бағрига илк кириб боришидаги ҳомийлигингиз, вилоятнинг таниқли қаламкашлари Маруса Ҳосилова, Нозик Қўзиевалар ижодига кўрсатган раҳнамоликларингиз бу фикримиз учун келтирилур далилнинг мингдан биридир, балки.

*Янги бояғда битган нағниҳолларим,
Фикри зилолларим, ҳур хаёлларим.
Қутлижон, Ҳосият, Гулжамолларим...,*

дея уларининг ҳар бирига устозликнинг бекиёс меҳрини бериб:

*Чин бахши сўз деса, ёлгони бўлмас,
Ёлгон деганларнинг иймони бўлмас,
Ойдин опангизнинг армони бўлмас.
Сизда бир башорат уқиб турибди,*

каби қаламларга қурб-қудрат бўлгувчи сўзлар айтганингизнинг ўзи улуг қалбингиз борлигининг исботи змасмикан!

Лекин Сиздаги фазлу камолот булар билан тугамас. Ижодингиз, шеърларингиз «сўзи»га қулоқ соладиган бўлсак:

*«Ўзига эн бўла олмаган опанг,
Сенга бўй бўлай, деб туради дилтанд»,*

мисраларининг ўзиёқ, кези келса, эл дарди билан ёниб яшашингизни ошкора этади.

* * *

*«Паст-пастгина тепалар
Тоғлиқ даъво қилдилар...
Жарликда гувелаб ётар
Қодирий, деган фарёд»*

мисраларини ўқир эканмиз, Хиёнат дунёси Қатағоннинг қора қўллари билан Маънавият оламининг алп Тогини йиқолганини яна бир карра ёдимиизга оламиз. Надрат бош кўтаради Юракда, надомат бош кўтаради. Улуг ижодкорни чин дилдан соғиниб, Рұҳимиз исён қилади, исён қилаверади.

Энг муҳими эса, Сиз ҳам шеър давомида бу туйгуларни ўқувчи юрагига сим-сим олиб кираверасиз. Иймон йўлига чорлайверасиз шеърхонингизни.

Йирик шоира, бетакрор қалб ва қалам соҳибаси «Сайдахонимни эслаб» ёзган мисраларингизда:

*«Энг баланд минор ҳам Ердан юксалар.
Сенинг таянчинг шу, событ юлдузинг.
Дуога құл очиб қолған кексалар
Доно сүзларидан шланган ўзинг»,*

каби сатрларингизда ҳам инсоний фазилатларни, ий-
монни улуғлашга даъват, диёнатга чорловни күрамиз.

Бироқ кези келса, ана шу Иймону Диёнат олами Но-
расо бу дунёниг жабрдийдаси бўлди.

*Нега рост айтсам бот-бот,
Тилим куяр, дилим куяр?..
Виждонимга қилмай хилоф,
Кўрганим гоҳ зиён бўлди,
Ўйларим гоҳ чиқди сароб,
Мол-дўстларим қуён бўлди...,*

дея бир лаҳза нобакорликлардан исёнга айланади.

Шу аснода ҳар кимнинг қўлидан келмас даражада,
мардона бир журъат билан ўзини-ўзи аёвсиз «тафтиш»
қила бошлайди: не тонгки, охир-оқибат, шундай хуло-
сага келади:

*Кўзимни туттимиш пардалар,
Тавба ўрнида зардалар,
Хизрдай назаркардлар
Үйгот мени.*

*Тоатга тоқатим қани?
Ҳаққа штоатим қани?
Саҳархез одатим қани?
Үйгот мени..*

* * *

*Ўзимга ўзим гоҳ ёв бўлдим,
Шайтони лашнга ов бўлдим.
Беҳишшлар турарди қаршиимда,*

*Бир кори қажс билан гов бўлдим
Гоҳ шамъи иймонни ўчирган,
Бибижон, мен қор-қиров бўлдим..*

Ҳа, Сизнинг шеъриятингиз, Сизнинг ижодингиз ана шундай мунаvvарруҳ дунёнинг мағзидаги кечади ва ўқувчини ҳам ана шундай порлоқ, покдомон олам сари етаклайверади.

Қадрли Ойдин опа, ана шулар боис ҳам чин китобхон эл борки, мухлисингиз бари. Суюкли шоираси сифатида юрагидан жой берган, фахру ифтихор этади Сиз билан! Ана шулар боис ҳам Ўзбекистон Ҳалқ шоирасисиз. «Эл-юргу ҳурмати» орденига сазовор бўлган муҳтарам Инсонсиз.

Қутлуг ёшингиз, исминингга мосу монанд бугунги хушбахту ойдин кунларингиз билан муборакбод этарканмиз, бир юргдош шогирдингиз сифатида Сизга шоён муҳаббату улуг эҳтиромимизни ушбу мисраларимизда қабул этинг:

*«Патиласочи» ҳу қизалоқ —
Сиз — Бўстонанинг Ойдин қизи.
Умр карвонида борар —
Она элининг Ўйгоқ сўзи.
Руҳни чоғар қилиб ичган,
Сўзисалим соҳибисиз,
«Саодат»дан сўйлаб турган,
Кўнглимизнинг муҳибисиз.*

«ҲЕЧ КИМ БИР-БИРИНИНГ КҮНГЛИГА БОРМАС»

(Ўзбекистон Ҳалқ шоираси
Ҳалима Худойбердиеванинг «Сайланма»сини ўқиб)

СЎЗБОШИ СИФАТИДА

Шоирнинг бахти — қаламининг қудратида. Ҳеч ким ҳеч қачон эплай олмаган баралла, жарангдор овозда куйлай-сўйлай билишида.

Шоирнинг қудрати — унинг ҳалқчиллигида, кўп бўғиздаги, эл бўғизидаги дардни топиб айта билишида.

Шоирнинг ютуғи — ҳар қандай вазият, лаҳзалардада ям остиқоди событ, иймони бутун қолишида.

Ўзбекистон Ҳалқ шоираси Ҳалима Худойбердиева ана шундай ижодкорлар сирасига кирадиган улуғ шоирадир. Биз унинг «Сайланма»сини такрор-такрор ўқир эканмиз, ушбу фикрлар бот-бот хаёлимиздан ўтди.

Ҳар бир мисраси, ҳар бир шеъри инсонни фақат маънавий юксакликка етакловчи, Ватан, Она, Мұдаббат, Юрт, Иймон, Инсон деган боқиую муқаддас тушунчаларни бор бўлалиги билан ўзида ифода қилиб, Кўнгил рангларини ўзида шоёну намоён этувчи бу китоб чин китобхонлар учун нақадар суюк.

Бизнинг бу уринишларимиз эса ана шу китобхонлар билан лоақал сиртдан бўлса-да, «учрашиб», шоира ижодидан «шеърхонлик»лар қилиш, юқорида айтилган ёруғ ҳисларни юракларимизга тўлдириш учун қилинган ҳаракатларимиздир.

1-МУТОЛАА

*Йироқдаги оппоқ соч онам,
келмоқдадир кипригигда нам...
... Қамчин уриб келмоқда отам,
Отин суриб келмоқда отам...*

Бир умр руҳу жонингни банду банд этиб, Сени бурчдорликка етаклаб келган — инсоний изтирооларингга жондош ва жонбахш мисралар.

Ўқийверасану Юрак қалқий бошлайди. Руҳ Соғинчдан улғаяверади. Соғинадиган дунёйнг — ана шу дунё. Сигинадиган дунёйнг ҳам ана шу дунёга монанд.

Қани, у кўкламнинг муnis лаҳзалари? Нега оёқлар юрмади, югурмади, қанотга айланмоқда, уча бошлади у томон? Дарҳақиқат, Кўнгил оёқнинг Оёғига айланади бу пайт. Ниҳоят, масофалар чекимади. Дийдорга рўбарў келган бағир эса осмон қадар кенгайиб очилади. Унга Болангни босасан, Соғинчни босасан. Онангга, Отангга интилиб... Қай бир лаҳзада Армонни...

Ва сесканиб кетасан. Кўнгил энди бундай нолавор сўйлаётганига дуч бўласан.

*... Аммо бир кун она қашлоққа қайтиб,
Отамчинг қабрини устидан чиқдим...*

*Бир лаҳза «чоп-чоп» у «қув-қув»дан бўшаб,
Эрк берайлик беҳол шавқ-оҳимиизга.
Бир лаҳза яшайлик фарзандга ўхшаб,
Онамизни олиб паноҳимиизга.*

Ниҳоят... Кўнгил яна ўзининг мурғак, муnis Соғинчи бағрига қайтади. Уни қароғлари биян суйиб, қалби тубидаги энг ноёб, энг порлоқ тилакларини айтади унга. Яхлиту ёруғ кўнгилларнинг ифодачисига айланади.

*Жоним болам, қанотсизга сен қанот бўл,
Ўзга ўз бўл, эгимагин, ётга ёт бўл,
Ерга қара, босиб кетма, эҳтиёт бўл,
Йўлангдаги хотирани ўчирмагин.*

Ва кўнгил яна мисрадан-мисрага, шеърдан-шеърга улғая бораркан, яппа-яхлит эл дардига қўшилиб оқади, миллат дардига туташиб кетади.

Ү, дунё-я, ўзбекнинг не сор боласи,
Кўкрагида ёнар ўти бор боласи.
Шу ўт сабаб аввал-охир хор боласи,
Магаданнинг тупрогида ухлаб ётар...
Куймайманни, ўнгмаганинг кўриб ўлсам,
Бир-бирингни бир-бирингдан қўриб ўлсам.
Ўтарканман бу дунёдан, бир армоним —
Бир-бирингни ўнглаганинг кўриб ўлсам.

Лекин бу Кўнгил уйғоқ, бу Кўнгил исёнкор, бу Кўнгил жасоратбахш ва ҳаёт билан ҳамоҳанг. Эл кўнглига ту-таш. Юрт юкига елкадош. Ватанга қадрдон, унга му-ҳаббатли, тақдири билан қисматдош. Шу боис ҳам му-борак Истиқлол баробарида излаганини топади, истаганига етади ва ўз муҳаббатига садоқат билан мисралар битади:

Бири *Машраб*, Балхда қолди дорда осилиб,
Бирин *Сибирь*, қайинзорда бағрин тешди тиг.
Бу изларки, азал-абад кетмас босилиб,
Бугун шодмиз, кўтаршиди паймол ётган туг.
Туг остида тирик-ўлик қурбон кўраман,
Ҳар бирининг кўсида бир *Куръон* кўраман...

2-МУТОЛАА

Тенгсизга чопарлар, тенглига бормас,
Минг қўйлига борар, мунглига бормас.
Тўйига, уйига борар во дарие,
Ҳеч ким бир-бирининг кўнглига бормас.

Юракдаги оғриққа ҳамоҳанг мисралар. Кўнгил пўртанадай тоша бошлайди - оқа бошлайди. Соғинчли, озорли, ўлмаслик либосини кийган азалий туйгулар. Нигоҳлар, кўзёшсиз йиглаётган қароғлар қаърига кўмилган иқрорликка айланади. Ҳеч нарсани илғамаслик лаҳ-залар қисмати бўлади бу пайт.

Забон-чи, у ҳам лол бу сукунатли уммонда. Сўзласа, унинг измида, сизласа яна, изласа яна унинг измида... Шу кўйи, бўзланади, сўзланади, сўз айтиб айланаверади.

*Ёшланмаган бирор кўз учратмадим,
Бемор қалбга малҳам сўз учратмадим.
Ўзимнинг бўл, дедим ҳар ўзгага лек,
Ўзга ўзга бўлди, ўз учратмадим.*

* * *

*Қай ҳофизга худо — сийму зар,
Қай шоюри худобехабар.
Қай отинининг ботини гар,
Бу элни ким уйготадир?!*

Бу каби нақадар ҳақовоз, силсиладор мисралар, улар қаватидаги дарду оғриқ тўлғоқдай замзама касб этавергани сайин туйгулар зарбларидан энди Кўнгил ўртана-веради... Шу аснода мавж уриб, кенгаяверади ва охироқибатда... тонг нурафшонлиги эна бошлайди, унинг қату қаватларига. Кўнгил тилига айланган забон бу дам ушбудайин мисраларни пичирлай бошлайди, ... баралла сўйлайверади.

*Мен бир ҳақиқатга бергандирман тан,
Бу ҳақдаги шубҳа менга ботмайди.
Тупроқ устидаги дўстни билмайман,
Тупроқ остидаги дўстим сотмайди...*

* * *

*Ҳар кимки тиз букиб ошга етади,
Тил бошқа, нияти бошқа етади.
Ҳазир бўл поингда ётган ишлардан,
Оёқ ялаган иш бошга етади.*

* * *

Дунё қиё боқмас, солланыб ўтсанг,
Үнга фарқсиз, ким сен: арслоними, штсан?
«Арслоним эди», деб йиглар гар дунё,
Эртага саҳрова бенишон йитсанг.

Ниҳоят, Кўнгил кентгликларида камалакранг бир тўлқин пайдо бўлади, жунбуш уради, минг бир юракка шуъла бериб, жилоланаверади. Юраклар, беихтиёр, уйғона бошлайди, уйғонаверади.

Оллоҳ, мен ҳеч ким, бир саргардон қулман,
Узмагин, титраниб турган бир қулман.
Бобуршоҳ топмаган гамгусорларни,
Йиглаб излаган бишта гофильтан.

* * *

Бир соридан гам, чоҳ келади,
Бир соридан дард, оҳ келади.
Кул бўлмай, тур, бошқа соридан,
Сени суйиб Оллоҳ келади.

* * *

Тирик жонилар бир-бирига қув бўлди,
Ким ўзарга чопа-чопа сув бўлди.
«Биз ҳам чотиб келдик, Сиз ҳам келурсиз»,
Қабристондан келган садо шу шул бўлди.

З-МУТОЛАА

Бегим, Сизни Худойим расо қилиб яратган,
Кимларнидир ўйчану Сизни кулиб яратган...
Бегим, иккиланмасдан Ер юзин ташланг мислав,
Мисхниң, тигнинг заҳрини сезмай ёниб бораман,
Иш зардобли шаробдир, қониб-қониб бораман.

Дунёда энг шаффоф, бокира, боқий туйгуни ташиёт-
ган жонбахш мисралар. Бу азалий-илоҳий туйғудан дар-
дман бўлмаган Кўнгил топилмас. Юрак борки, қачон-
дир, қачон бўлмасин, у деб нола чекмиш, Ҳаёт эса гоҳ
яшил рангдан яшнаб, гоҳ зардобий рангдан қовжираб,-
бу нолалар ичидаги тозаравермиш. Ана шу боис ҳам мис-
ралар рӯҳимизга сингиб, жонимизга туташиб кетгудай.
Ана шу боис ҳам Дунё «омон-омон» қўшиқларини айни
шу кўнгил кўчасида туриб куйлаётганига шубҳа йўқ.

Бироқ бу туйгу ҳамиша ҳам ардоқли эмас, азиз қилин-
гани, илоҳий неъмат сифатида ардоқлангани йўқ. Баъ-
зан у шайтоний оламнинг зермаги, жаҳолат дунёсининг
эртаги бўлиб, Хатолар туғади. Хиёнатлар туғилар унинг
оёқлари остида.

*Билмайман ким бундан ўтар солиб доð,
Кимдан оз ё кимдан кўпроқ айб ўтди.
Билганим, кўрнамак нопок икки зот,
Бир тоза мевани памоллаб кетди.
Бировлар қаргайди куйшиб, бўзлаб,
Бировлар кўз ёшини артар панаðа.
Ҳар кўкракдан она исини излаб,
Чақалоқ чинқирап касалхонада.*

Лекин бу кўнгил мулки боқийлигидан бўшка нишо-
налар мавжуд. Меҳрнинг туби — Мұҳаббат, Хайри-
хоҳликнинг останаси шу мулкка туташиб кетган. Уни
Кўнгилгина кўради, у изҳори дил мисраларини битади.

*Майти, ишқ ҳақида чекмаса ҳам оҳ,
Балки бу ҳам сўзсиз ишқ тоқатидир.
Аммо ўзни унга санаркан паноҳ,
Бу эрнинг аёлга садоқатидир.
Юраги ҳақида очиб юрманг фол,
Буни текширмасдан ҳис этган маъқул.
Силаб кўйлагига урдими дазмол,
Аёлнинг эрига садоқати шул...*

Күнгил мулкининг бу топ-тоза ранглари товланаверади. Янги-янги изларга - ўзанларга күчаверади. Ўлмас-ўчмас мисралар қавату қанотида янада улугвор, ўлмас туйғулар сеҳру шаробини ичаверади. Энди ундан янада буюкроқ муҳаббат бўй кўрсатади. Кўнгиллар янада қудратлироқ таъму дардни ҳис этади бу дам.

*Мен Сени ер-кўкка шионардимми,
Қизминг чин баҳти бу, тақдир иши бу.
Майли, юрагингга кирган мардингнинг
Бошига қўнгсан кетмас Ҳумо қуши бўл*

* * *

*Ёлғизим, қўш бўлди, менинг бағрим бут.
Кўксим тог тенгига қўшидим, деб тенги
Ўғтим, жуфт ҳалолинг қўнглан овлаб ўт.
Келин овлаб ўтсанг сенанг кўнглингни.*

Инсонни улугвор руҳият билан юксалтирувчи бу илоҳий мұҳаббат жуфти ҳалол баробарида фарзандларни қучиб-ардоқлаиди. Шу боис оила қўргонини тўлдириб, Ватан сарҳадларига кўчади. Ва... Кўзу киприклари устида асраб-авайлайди унинг ҳар майса гиёҳини, ҳар зарра тупроғини. Унинг баҳту фаровонлигини жон қадар қизғангувчи қўриқбонга айланади оқибатда.

Ганимита қарши, даҳл етказувчи нобакор жонларга рўбару келганди, энди Она арслонга айланниб, курашга шайланади.

Шу асно руҳи жонида Оллоҳнинг бекиёс қудратини, мұҳаббатини ҳис этади ва охир-оқибат, биргина хулосани, руҳи рангни бахшида этади шууру жонларга:

«То ёстиғинг остига Қуръон қўймагунингча» бари бир пулдир. Илму амалинг, молу дунёнинг, меҳр-муҳаббатинг ҳам фақат Оллоҳ ёди билан вобаста яшамоқда чинлик, ростлик дунёсига дахлдорлик бордир.

«МЕНГА СУЙМАКЛИКНИ ЁЗИБДИ ХУДО»
(Иқтидорли шоира Құтлибека Раҳимбоеванинг
«Кўксимдаги Тангритоғ» китобини ўқиб)

1-МУТОЛАА

Юрак ростлик соғинганди. Рост дардни соғинганди Юрак. Хиёнатлардан чарчаган, мунофиқлиқдан безиган, риёдан тўйган Юрак табийликни, самимийликни, чинликни қўмсаётганди жуда. Жуда! Топди!

Китобдан топди, шеърдан топди. Аниқроги, бу китобда, бу китобдаги шеърларда, шеърлардаги соғлом руҳда ана шу улуғ неъматлар бор эди, бозиллаб турарди.

Ютоқиб, ўқиди, суюниб ўқиди, соғиниб-сиғиниб ўқиди.

Алал-оқибат жунбушга тўлди. Юрак, Кўнгил деганлари осмон қадар юксалди. Бу юксакликда туриб, Ватаний, миллатни, ҳурликни суйишнинг; иймонни-Йисонни ардоқлашнинг; ҳақиқатга топинишнинг чин сувратига боқди-термулди. Термулдики, Руҳ-жони яппа-яхлит нигоҳга айланди.

Тилу дил эса китобдаги жон қадар суюк ва дилором мисраларни бирма-бир айтар эди, такрорлар эди.

*Озод Ўзбекистон, озод ўзбеклар,
Аштсам, ҳар товшиимдан сачраб чиқар чўг.
Ҳар товуш кўксимда Тангритоғ тиклар,
Дунёда бундан-да гўзал унвон йўқ...*

(«Ўзбекистон»)

* * *

... Ўнг күзни чап күзга ёвлатиб хатлаш,
Кече дор, сургунлар түккан бу усул
Миллатни бир этмоқ доим балаңлаш,
Ажратиб юрмоқлык доим танааззул.

(«*Ватан бир бутундир*»)

Мен Сизни согиндим, жазрати Чүлпон,
Согиндим бир ишкүн, согиндим чүкүр...
Ватанга Ватанда ҳар нарса етар,
Бир буюк ишк етмас Сизларниңдай.

Сасдаги майинлик, сўздаги лутф чиндан ҳам садоқат белгиларими? Кечир, мен бошқача ўйлайвераман:

табассум — хушомад,
эгилиш — қулилк,
лутф ҳам уларга
эгиз бир нарса.

(«*Кўксингдаги қўлинг*»)

Кўнглиңгда Гўрўғли, Авазларинг бор,
Оқ либос киймоқлик ҳавасларинг бор.
Изларингдарайхон нафаслари бор,
Туарсан, айланай туришларингдан.

(«*Ўнгланиш чоги бу*»)

...Ўқир эди. Тўлиқиб-тўлиқиб ўқир эди у. Мисралар эса борган сари ўқтамлашар, улуғлашар, қутлуғлашар эди. Ногоҳ, нигоҳ

Чўлда қолсанг ёмгир бўлтиб ёгарман,
Дўлда қолсанг, ўзим қуёш тугарман...,
деган бетакрор ва безовол мисраларга тушди.
Ё Қодир Оллоҳим, ўзингга шукр,

Ўзинг берган ёруғ ва улуғ Юрагингга шукр! Ахир, Яхшиликнинг, Эзгуликнинг, фидойиликнинг, суюб-ардоқламоқликнинг бундан ортиқ сийрати-суврати бўлиши мумкинми? Бу улуғ неъматларнинг бундан зиёда таърифу тасвирини топиб бўлармикан?

Шу алфозда китоб варақланаверди. Унинг ҳар саҳифасидан... шеърлар, уларнинг қату қаватида ўтлиғ, ёруғ, рост сўз, донишмандона, боқийликка дахлдор мисралар оқиб келаверди.

Кўнгил уларнинг жонсўз, жонмечр, қувватини олиб... ўқийверди.

*... Мана бу пичирлаш — пастнинг овози,
Мана бу гижирлаш — қасдинг овози.
Қайда, ахир, Мажнун, Тоҳирлар қайда,
Муҳаббат ўчоги кўмик қай жойдан?*

*Фунчалагинг келар, кўкаргинг келар.
Малика, Султонлар кўтаргинг келар.
... Кутавер, куйиб кут, гулханланиб кут,
Шу ёниқ ичида самандар топарсан.
Худойим ишқини этмас ноумид,
Марядек, ҳеч йўқса пайгамбар топарсан.*

(«*Тоҳирлар қайда?*»)

Ўқийвердию... Энди Нигоҳнинг қаршисида бир лаҳза фаҳшу кир, кинларга тўла пастлик дунёси пайдо бўлди. Лекин илоҳий муҳаббат, бокира, топ-тоза бир дунё барини итариб, супириб юборди. Бахтли, суюкли, толеидан масрур сулув келинчакнинг тонги супир-сибирлари бўлиб, супириб юборди барини.

Энди Нигоҳга тўла бошлаган гўшангадаги келинчаклар суюклашдилар; ҳаёю ибога тўла хумор кўзларидағи соғинчни ҳар не покизаликдан-покиза, ҳар не бегу-

борликдан-бөгүбор, ҳар не шириндан-ширинроқ гүдак-кина қондирадиган бахтли лаңзалар суюклапшдилар.

... Саҳифалар Нигөх қаршиисига яна бир улутвор Рұх-ни — инсонни бош ҳарфлар билан ёзилар даражада күта-риб турур Рұхиятни намоён этди.

... Ўқинсам, пастлар деб ўқиндим,
Тұқылсам, номус деб тұқылдим.
Юқинсам, тікларга юқиндим,
Ўзинг мәрд яратдымғ,
Худойим, минг шукр.
Сүз айтсам, пичирлаб айтмасман,
Тиг отсам, елқадан отмасман.
Дүст түгүл ёвимни сотмасман,
Сен баланд яратдымғ,
Худойим, минг шукр.
Дардларим ичига чүкса бұлади.
Шу қадар тозадир — ўпса бұлади.
Гүдаклар бошидан түкса бұлади,
Сен бекин яратдымғ,
Худойим, минг шукр.

(«Сен мени»)

«... Баъзида бошингни ушлагим келар,
Бүйнингдан бүгизлаб ташлагим келар.
Қора күзларынгга термұлсам, лекин,
Ўзимниң бошимга муштлагим келар...»

(«Гина»)

Йиглайвер «Туркестон», дея саргайиб,
Тұқылган ҳар томчинг олтын, зарлардир.
У деб йигламаган — бадбахт бир гарыб,
У деб йиглолғанлар бахтиёрлардир.

(«Бахтиёрлардир»)

Бу ва бу каби мисраларни Юрак сув булиб, сел бўлиб... ўқийверди. Дил кутганини, ҳамфикру ҳамдардини топди улардан. Шу боис ҳам... Бир лаҳза ортга қарагиси келмади, олдига юргиси йўқ. Ҳар не дард-ташвишлар, ўйлар майдалашдилар бу дам.

Топгани билан яктан-яқкаён бўлиб учмоққа шайланди.

Шундай улуғвор руҳни — руҳиятни бериб қўйган Қодири Ҳақнинг Дийдори томон талпинди. Улуғ Дийдорга юкунди, унга интилди Юрак.

Ушбу лаҳзаларда эса саҳифалар унинг руҳу қалбига малҳаму даво бўлгувчи ушбу сўзларни-да, Нигоҳга ту-таётган эдилар:

... *Худойим, қарогим ёшлини моқдамиц
Худойим, юрагим урарми ботир?
Бизда-да ўзгариши бошлини моқдамиц
Эрта бир мўъжиза бўлади содир.*

2-МУТОЛАА

Юрак бир сирли, бир нозикруҳ, ифорли сўзни согинганди. Топди. Бир жўнгина манзара, вазият тасвирида топди уни. Китобни ўқиркан, у манзара, вазият жўнлигидан «топди». Оҳорли либос кийди, виқор касб этди. Соғинч қадар сарғариб бўлиб, кўнгил қадар нозиклашди. Кўклам қадар ифори, мўъжиза қадар сирдорлиги билан мафтун этди ўзига. Алал-оқибат, муҳаббатдай порлоқ туйгунинг бўйдор бир суратини ўзида пайдо қилди.

*Атиргулни қучган шаббода мастиши,
Сувга тушиб кетди, сой чайқалади.
Тўлқинда тўп бўлган юлдузлар акси,
Олтин балиқчадай «дув» тарқалади.
... Келинг, қувонайлик шу кеча учун,
Бир жуфтнинг баҳти ҳам чиройли баҳтдир.*

(«Ойдин кечас»)

Лекин бу муҳаббатдан улугроқ, ўлмасу қаримас яна бир түйғу — яна бир муҳаббат ҳам бор. Бу муҳаббатсиз юрак — тош, тириклик файзсиз, мазмунсиз. Бу түйгусиз инсон Тонгла Маҳшарда хору ҳайрон хароб.

Бу муҳаббат инсонга, элу улусга, Ватанга — юртга, Ҳақы Адолатга муҳаббатдир.

*... Кўзи ёшиларини, кўравераман,
«Кимлар шиглатди», деб сўрайвераман.
Жонимни ўтиларга уравераман,
Менга куймоқликни ёзибди Худо,
Бишта учқуним йўқ — дудли, қароли,
Давосиadolat, даврон яроли.
Ўзбаки юрагим Ишқининг ороли,
Менга суймакликни ёзибди Худо.*

(«Куймакни ёзибди».)

* * *

*Нечун Алдов ёғли кўзлари билан
Атрофга боқади эрка, беҳадик.
Нечун Рост ўтирад бир мадор тилаб,
Бир мадор бўлмаса туролмайди тик.*

*Пахса деворларни бузиб қардошлиар
Нечун темир қўргон тиклар ўртага?
Танасин дардини билмайди бошлар
Ё билиб-билимасга олар жўрттага?*

(«Нечун?»)

Лекин саҳифаларнинг созли сўзи, жонбахш, жонмеҳр руҳияси, ҳамруҳу равонлиги булар билан тугамас, тутгамайди. Қай бир саҳифага келиб Баҳорнинг бадиаси бағрингга кўкламнинг мастона насимини уфурди.

*Куёш яна султон этиб сайланади,
Камалаклар кўкка камон — бойланади.
Қалдиргочлар қўриқчи қуш — айланади,
Ўзбекистон тупрогига баҳор келди.*

Қай бир саҳифага етганда эса дўмбиранинг сеҳркор овоси руҳингта кираёттанини ҳис қиласан. Олис чўпон ўтовларию тогу даралар тўлади «нигоҳингта». Бир лаҳза гулхан атрофида ўтириб, Гўрўғли достонини эшигаёттандай бўласан. Кўзларингни мастона юмиб, чайқаласан. Лабларинг, бейхтиёр, тарзда жонбахш мисраларни пичирлайверади:

*У қошинг бу қоша туташма, иним,
Хушиңг ўз уйиндан адашма, иним.
Шу дилором қизга кўнглинг кетдима,
Оғзингдаги «оҳ»инг оташма, иним.*

(«Талаба укаларимга»)

* * *

*...Жонидан жсон узуб юрган энаман,
«Энам»ласанг тов ортидан келаман,
Сен боланинг бир гапинг бор, биламан,
...Йигит ўлмай тиклигини берама,
Эри ётса, эли тикка турама.
Ётган элни, ахир, бирор кўрама,
Оҳ болам-а, оҳ жоним-а, тўрам-а...*

Юрак шу кўйи, саҳифадан-саҳифага гўзаллик шаробини сипқора-сипқора кўчиб бораркан, китоб уни саҳифалар сайин улғайтиб-юксалтириб, Тозариш, Баркамоллик, Улгайиш Оламига бошлаб кетаёттанини ҳис қиласди...

Ана шу Бахтнинг пойдорлиги учун ҳам «Кўксим(из)-даги Тангритоғ»ни ардоқлашимиз лозим.

СОЧМАЛАР

Оҳ, Ҳасад, ҳар ёқдан қора ранг қидириб вишшилламай, ичингга қарасанг-чи, истаганингни истаганча ўша ердан топишинг мумкинку!

* * *

Оҳ, Ҳасад, нажотни гийбат, фитна, хиёнат, ўч-ёмонликдан қидирмай, ёргу юрак билан яхши мақсадлар сари интилсанг-чи; айтаринг асосли бўлиб, талабингни тўғри қилсанг-чи; йўлингни яратувчанлик, эзгулик томонга бурсанг-чи; бири тушунмаса, иккинчиси, учинчиси..., ўнинчиси бор...

Жуда бўлмаса, балиқ билмаса, Ҳолиқ борку, амалинг зое кетмас!

* * *

Гавдасига ишонманг, у жуда майдада одам.

* * *

Хоҳиш бўлса, имкон топилади.

Аслида унда ана шу биринчисини топиш мушкулроқ чоғи...

* * *

Суянган сари оға бошлайсан...

Ёғочнинг чириши, темирнинг занг босиб емирилиши бор. Демак, устунлар умрбоқий эмас.

Ундан кўра ўзингта, ҳалол меҳнатингга, ана шундай ризқнигина ҳалол этган Оллоҳга суянсанг-чи, азизим!

* * *

Олтин зангламайди, дейдилар. Олтинлигингиэга шубҳа қила бошладим.

* * *

Унга телпакдан кўра рўмол ярашади.

* * *

Кўча ҳавоси қанчалик муаттар, ёқимли туюлмасин, вақт ўтиши билан уйингни қўмсайсан, ундан топадиган фароғатнинг ўрнини ҳеч ердан тополмаганингни сезиб қоласан.

Шунда кеч бўлиб қолмасин, тагин.

* * *

Иймонинг нафсингта ўралиб қолибди.

* * *

Сиз жилмайиб туриб, ёлгон айтаверасиз. Бу ёлғонларингиз билан ҳатто ўзингизни ишонтира оласиз.

«Ҳа, ҳаммаси шундай — мен айтганча бўлган, мен айтганча бўлади», деган ишонч билан яшайверасиз.

Лекин... Ҳамма нарсанинг охири бор, ёлғоннинг охирни «йўқлик» эканини унутманг!

* * *

У фидойилик тўғрисида ваъз ўқийди, холос. Аммо унга амал қилиш учун ўзида на сабру қаноат, на иймон-инсоф, на чин заҳматкашлигу меҳр-мурувват топилмас.

* * *

Нафси йўлида ҳатто Оллоҳни ҳам хизмат қилдирмоқчи бўлади.

* * *

Одам қиёфасидаги Шайтон будир. Руҳида ҳеч қачон Инсоний дард-изтироб кўринмайди. Юракларга ханжар санча-санча роҳат топади. Бир лаҳзада турфа қиёфага кира олади. Айтадиган сўзига ўзи амал

қилмайди. Маънавий ҳақи йўқ масалада ҳам бемалол «маъруза» айтаверади. Ҳамиша ҳаракатини нафсу манфаат бошқаради.

* * *

Шундай иймон бандалари борки, изингда қоладиган эзгуликни қидириб топиб, ардоқлашади, шундай шайтон бандалари борки, изингдан иллат излаб, ҳар лаҳза соядай эргашиб юради.

* * *

Нафс йўлининг охири тубанлик, қаноат йўлининг охири улуғлиkdir.

* * *

Энг ёвуз душманинг нафсингдир.

* * *

Оллоҳга, унинг охиратига ишонган; Маҳшар тонгидаги оқибат-ажрида яхшилигидан умидвор ва жазодан қўрққан кишигина ёмонлик қилишдан ўзини тийишга ва хайрли ишларга ёндашиб яшашга ҳаракат қиласди.

* * *

Ҳар гал унинг устига от суреб бораверадию, лекин бу жониворнинг ҳамиша ва ҳар доим Ҳақ, Адл йўлидан боришини унутиб қўяди; хатоси шунда.

...От эса ҳар гал ўзини унинг учун қазган чоҳига йиқитиб, кетиб қолаверади.

...Бу гал ҳам янада ашаддийроқ, шиддатлироқ От суряпти. Аминманки, йиқилиши ҳам шунга мос-монанд бўлади.

* * *

Сўзига змас, амалига боқинг. Шунда хато қилмай-сиз.

* * *

Мунофиқнинг асл башарасини қиёфасизлиги ва ширин ялтоқланиши беркитиб туради.

* * *

Борига шукр этмай, кўпини истаб, озидан ҳам айрилиб қолма.

* * *

Душманидаги фазилатни ҳам кўра билганлар юрати ёруғ кишилардир.

* * *

Ҳасадгир юрак кир излайверади, шу йўлда ҳамкор, ҳамфикр ҳидраверади. Афсуслиси эса, синовли бу дунёning ҳисобли лаҳзалари савоб змас, завол-гуноҳ тўплайверадики, буни ва берадигани ажру оқибатни улар хаёлига ҳам келтиришмайди.

V Боб

Бир аёлки...

ҮЗЛИГИН БЕХ ТУТАР ҮЗИДАН

*Сөгинганды самбыт бир бор күролмадим,
Орзуларынг осмонида учыб күролмадим.
Күңгил тилар, не аламки, суҳбат қуролмадим,
Армоналарга айланганым — дүстүр нүхоним...*

Йигиттинг суратига боқаману жуфтү ҳалолининг күзларидағи ушбу исмисизу нолавор жумлаларни уққандай бўламан. Бўғзида жон қадар тиқилган фарёдни мардона ютиб, хотиралар ўрмонаида саросар кезган, бирбиридан ширин уч нафар жигарбандини қизғана-қизғана армоналар тогини босиб ўтиб, яшаб келаётган бу дилбар жувонни руҳ-жондан тушунгим келади.

Ҳам ота, ҳам она сифатида фарзандлари баҳт-саодати учун ўзини мастьул ҳис этиб яшаётган оналарнинг аксариятини бошқариб турган илоҳий куч — илоҳий қувватни ушоққина жуссасида сингдириб-сигдириб яшаётган бу Аёл ҳаққи-ҳурмати йигитни қалбан «танигим келади».

Суҳбатдошимни жон қулогим билан тинглай бошлайман.

ХИЖРОН САҲРОСИДА ТИНГЛАНГАН ФАЗАЛ

Жуда жүн ёндашадиган бўлсак, Муҳиддин ҳам барча тенгдошлари қатори, мактабда ўқиди. Ҳарбий хизматга бориб Ватан олдидаги ўз йигитлик бурчини бажариб қайтди. Яна ўқиди. Кейин вилоят ИИБ ДАН (ҳозирда ЙХХХ) бўлимида фаолиятини бошлади. Шу орада кўнглига ёқсан, онаси суйган қизга уйланди. Лекин то

бунгача эса бу хонадонда «қиёмат қўпган» бир кун бўлганди.

Муҳиддиннинг суюкли жигари — укаси Нуриддин Ағонистон урушида жувонмарг бўлган, сарвдек тик басти тобутларни тўлдириб қайтган, ойдай чеҳраси, чеҳрасидай ёруғ йигитлик орзулари тоабад ниҳонлик комига фарқ бўлиб, тўймас тупроқнинг емишига айланганди.

Бу ёш жон учун, навжувонгина оламдан ўтган барча инсонлар учун наинки ота-она, тоғу тошлар куяров, дарду догини ҳис қилса, кўтаролмай Тириклик ўзидан тўяров. Уч қиз, икки ўғилнинг ота-онаси бўлган Муса aka ва Чиннигул опалар ҳам ана шу қаро қисматнинг залворли юкини кўтариб яшашга мажбур, фарзанд догини юракка олиб яшамоққа маҳкум бўлган инсонлардан эдилар.

Чиннигул ая, айниқса, бу доғдан ўртаниб-ёнган, то ўлгунча ўзга юртнинг урушига юборган шўро ҳукуматини койиб яшаганди.

Фарзанд доги-согинчими, балки Оллоҳнинг иродасидир, кўп ўтмай ўзи ҳам бу ғамбода дунёни тарқ этиб, Охират остонасидан ҳатлади.

«Раҳматли ойижонимнинг йиғламаган кунлари бўлмасди. Мени келинликка ўзлари танлаганлар. Жўрабек ўғлимизнинг номини ҳам у кишининг ниятларига қўра қўйганмиз. «Муҳиддиним ёлғиз қолди, «жўраси»дан — Нуриддинимдан айрилиб қолдик. Ўғил кўрса, Жўрабек қўямиз, дадасига жўра бўлиб юрсин, илоҳим», дердилар бот-бот.

Лекин дастлабки фарзандларимиз қиз туғилди...»

Дарҳақиқат, ғаму ҳасрат билан қўнғирранг руҳият жамланиб кун кечираётган хонадонга келин тушгач, кетма-кет қизалоқлар дунёга келди. Юлдуз ва Гулруҳ, дея исм қўйишиди уларга. Ҳарқалай, туғилишнинг ёруғ ранги, тоза-тиниқ қувончи, аламу андуҳлар кўланкасини хонадондан анча чекинтирди.

Ҳаёт армонли хотиралар қуршовида бўлса-да, рўшнолик томонга ўзгара бошлади.

Шу аснода оиласда учинчи фарзанд дунёга келди. Ҳар бир ота каби Муҳиддиннинг ҳам пинҳона истаги бўлган ўғил туғилди шу куни. Марҳуму тирикларнинг эзгу нијатлари амалга ошадиган бўлди — болажонга Жўрабек, дея исм қўйишиди.

«Туғруқхонадан қайтар эканмиз, турмуш ўртоғимнинг қувончи ичига сифмас — миттигина жонни ачомлаб олгиси, бағрига босгиси келар, бу парча гўштнинг қил каби қўлчаларини кафтига тутиб, меҳр билан лабларига босарди...».

Дарҳақиқат, суҳбатдошимиз айтгандай, 1994 йилнинг илк баҳор кунлари хонадонга қутлуғ қувончни етаклаб келганди. Афуски...

Элнинг ҳикматларида гап кўп. «Қувонч билан қайғу элизак», деганлари ҳам шулардан бири. Не аламки, мазкур хонадонга энди иккинчи марта «қиёмат қўпайдиган» кун бўлди. Чақалоқ — фарзанд кириб келавердию, ота — Муҳиддин шифохонага кетаверди. Ҳазил-ҳазил билан бошланган дард ҳафта ичида йигитнинг манглайига совуқ ўлимнинг қора ёзуини битаверди. Ана шундай қилиб, 21 март куни — рўйи замин қайта туғилар кунда ўттиз бир ёшли Муҳиддинни қора ўлим бағрига босди, совуқ тупроқ комига тортди.

Ортида эса эски жароҳати янги бўлиб, руҳи-жонини қақшатган доду алам кўзларига кўмилган кўйи, гаридил ота — Муса aka қолаверди, муштипару муnis опалар-сингиллар қолаверди.

Энг ёмони, шоира айтгандай, бир умрга ёстигининг ярмида Ёлғизлик бош қўйиб, Соғинч бағир очиб жуфти ҳалоли Раҳимахон қолаверди. Юқорида ҳам таъкидлаганимиздай, бир-биридан ширину (онаю бобо ҳарна ардоқлаб, меҳр беришса-да) барибир бир-биридан ўксикдил уч фарзанд қолаверди.

«Бирор марта овозини баланд қилиб гапирмагандилар».

«Бирор марта жанжаллашганимизни эслай олмайман».

«Ҳар нек кун, ҳар байрамда гул совға қилардилар. Гулни яхши кўришимни билардилар».

«Вазифам тақозо қиласди. Шофёrimiz билан йулда кетаётганимизда шундай ЙХХХ ходимларига дуч келаманки, аламларим янгиланади. Ахир, турмуш ўртоғим ҳам ўн йиллаб шу соҳада хизмат қилгандилар. Ҳатто аёл киши ўтирган транспортни тўхтатмас, мажбур бўлса, узр сўраб, ҳайдовчининг хатосини тушунтириб, тезгина жўнатиб юборардилар».

Рахимахон айни шу сўзларни гапираётганида суҳбатимиз давомида бўғзига тиқилиб, овозини бўтиб келган кўзёш шалоладай қўйилиб, ёноқларини юва бошлиайди. Ортиқча сўзлай олмаслигини ҳис этиб, жим бўлиб қолади.

Биз эса унинг руҳий ҳолатини ҳис қиларканмиз, беихтиёр, шоирнинг ушбу мисраларини эслаймиз:

*Армонни түкқан бу дунёй азал,
Балки шудир саодат ҳам, толе ҳам.
Ҳижрон саҳросида тинглаган газал,
Руҳ-жонимга тўлиб борар ушбу дам.*

БУРЧДОРЛИК ЮКИ БОР ЕЛКАЛАРДА

Қуръони Каримда, муборак ҳадисларда айтилмишни, инсон бир нутфа сувдан пайдо бўлар чоғида Яратган унинг тақдиру азалийсими ҳам белгилар экан. Кинининг бахти ёки баҳтсизлиги, умрининг узун ёки қисқалиги ана шу илоҳий битикда ёзилганидек бўлармиш. Фақат уни қандай амаллар билан ўтказиш ҳар кимнинг ихтиёрида бўлиб, шу боис ҳам инсон ўз кору амали билан ё Жаннатни ва ёки Дўзахни «сотиб олармиш».

Қаҳрамонимиз Раҳимахон Ёдгорова ҳам ззгулик дини бўлган Исломдаги бу магизли сўзларга кўп зътибор беради. Шу боис «Тақдир» дан ташқари ўзигагина боғлиқ жиҳатлар масаласида ҳамиша ззгулик, яхшилик томонга интилади.

Уз ҳаёти давомида, юқорида айтганимиздай, улкан ғам тоғини босиб ўтиб, яшаб келаётган қаҳрамонимиз ҳақида яқиндан билганлар шундай дейишади: «Аксарият жувонлар эр хонадонида яшагиси келмай, улар билан чиқишишолмай, эрини ҳам олиб чиқиб кетишига ҳаракат қиласи. Бу аёл эса эри вафот этса ҳам салкам ўн йилдан бери унинг хонадонини тарқ этгани йўқ. Сабрига сифиниб яшаяпти, умрингдан барака топгур!»

Раҳимахон бу сабрининг сабабини шундай ифода этади:

«Чирогини ўчиргим келмайди. Шундай йўл тутсам, руҳи чирқираб қоладигандай, бу фарзандларим тақдирiga ҳам таъсир этадигандай туюлаверади. Кейин... Қайнотам ҳам болаларга қаттиқ боғланганлар. Ортдаги ғамлар етади у кишига. Мен устама дард қўшмай, дейман...»

Бурчдорликни нақадар теран ҳис қиласи. Инсофнинг нақадар дасти узун унинг амалу ҳаёт тарзида!

Аслида, қаҳрамонимизнинг бу фазилати бор бутун ишу фаолиятида ҳам чуқур аксини топган. У молия соҳасидаги серқирра, серюқ масалалар ечимини истаб, вазифа масъулиятини ҳис қилиб ишлаганда тонг билан шомнинг орасидаги фарқни унугради. Бугунги ишнинг эртага қолиши, айтилган юмушнинг бажарил-маслиги Раҳиманинг фаолиятига ёпишмайдиган ҳол.

Сираси, айтиш мумкинки, Раҳимахон мисолида отаси, раҳматли Аброр аканинг, онаси Зулфия аянинг орзу-ниятлари ижобат бўлган. Улар мактабни олтин

медал, Тошкент халқ хўжалиги иниститутини қизил диплом билан битирган қизларига катта умид боғланган эдилар.

Раҳима бугун ана шу умиднинг рўёбга чиқишини таъминлади. Йиллар ўтгани сайин вазифада улғайиб, чин маънода эл корига яраб келаяпти. Шу боис ҳам 1998 йилда — муборак Истиқлолнинг 7 йиллигида «Шуҳрат» медали билан тақдирланди.

Бу борада сўз кеттанды эса қаҳрамонимиз шундай дейди:

— Раҳматли дадажоним, онажоним биз етти нафар фарзанд учун қирқ жони бўлса, барини фидо қилиб яшаган эдилар. Ҳатто оёқлари қорасон касали боис кесилганда ҳам ўз жонлари эмас, «энди биз қандай кун кечиришимиз»ни ўйлаб қайғурган дадажонимнинг изтиробли ҳолатларини унтулмайман сира.

Шунинг учун ҳам ҳаёт тарзим, меҳнат — заҳматим билан уларга мос-муносиб фарзанд бўлишга, ишончларини оқлашга ҳаракат қилганман. Бугун ҳам шундай яшаеман.

Ишу вазифа тақозо қиласи. Аксарият кунларда қаҳрамонимиз ишдан кеч қайтади. Бу орада катта қизи Юлдуз қозон-ўчиққа қараган бўлади. Фақат якшанба кунлари овқатни ўзи пиширади.

«Кичигимиз Жўрабек: «Онажон, ҳар куни ўзийиз овқат пиширинг, опам пиширган овқат сизникидай ширин бўлмайди», дейди баъзан.

Оқдиллик, соддалик билан болагинамнинг дилидаги тилига чиқадиyo...

Очиғи, томоғимдаги луқма томоғимда қолади бундай пайт. Чой дамлаш баҳона ошхонага ўтаман. Юрагим юм-юм йиглайди, денг. Кошкийди, боламнинг тилагини ижобат қилолсам, уларга ўзим ҳар куни тансиқ-ширин таомлар пишириб беролсам...

Афсуски, бундай имкон йўқ. Биринчи галда рўзғор таъминотини ҳал этишим керак. Чунки мен нафақат она, болаларимнинг отаси ҳамман!»

Бурчдорликнинг яна бир тиниқ-тоза намунаси эмасми — бу!

Хонадонда ҳам эркак, ҳам аёл юкини тортиб яшаётган муниса жонларнинг бирор англааб, бирор англамаган қаҳрамонликлари эмасми яна!

СҮНГИ СЎЗ

Раҳимахонни анчадан бери танийман. Унинг нафақат сўзида, бор ишу амалида наинки жуфтининг руҳига, унинг хонадон аҳилларига, ўз фарзанду ота-онасига, ишу вазифасига; баробарига эл-улусга, Ватанига ҳам муҳаббат, улар олдидағи бурчга садоқат намоён. Шу боис у ҳар қандай қийин лаҳзаларда ҳам ўзини йўқотмайди. Билиму ақлу иродасига суюниб, қад ростлайди, ростлаб келаяпти. Ҳижрон заҳматларидан, меҳнатларидан ҳаловат топиб яшади, яшаб келаётир.

Унинг кунлари кўламли иш фаолияти билан банд кечса, тунларини тўрт бўлиб, болалар тарбияси, рўзғор юмушларига сарф этади. Ўғли Жўрабекнинг дарс тайёрлашидан тортиб, қизлари Юлдуз ва Гулруҳларнинг рўзғор ишларини ўрганиши, ўқишу одоблари билан астайдил шуғулланади. Қариндош-уруг, дўсту ёр даврасида бўлиб, кўнгил олади. Қайнотасига оқибат кўрсатиш баробарида эл-улус, жамоатчилик орасидаги муаммолар ечими учун бош қўшади. Зоро, шоир айтганидай:

Меҳрдан яралган гулдир у,
Бурчдорлик олдида қулдир у.
Согинчнинг суврати-сийрати,
Туйгулар хазонрез йўлдир у.

*Лек умид улгаяр изидан,
Яхшылык түгелар рўзидан.
Она халқ, ишон шу қизингга,
Ўзигин беҳ тутар ўзидан.*

ИСТИҚЛОЛ ЖАМИЯТИ МАЊНАВИЯТИ ХУСУСИДА СЎЗ

Мањнавияту мањнавий баркамоллик сўзида акс этгандар бор, бисёр. Тайёр «рецепт» каби, қолигланган қоидадикрлар билан қуролланиб олишадиу матбуот минбарларда, давраю тадбирларда «сайрашади» улар. Турмуштарзи ишу амалларини эса...

Бутун ҳаёт тарзида мањнавият, мањнавий комиллик ҳаёт қони бўлиб оқаётган инсонлар ҳам мавжуд. Улар ялтироқ жумлаю ясама фикр, сохтакор амаллардан бутунлай холи яшашадиу, бироқ бутун ишу аъмолларини, турмуш-тириклик тарзларини мањнавият, комил инсонийлик бошқаради.

Истиқлол мањнавияти, аниқроғи, жамиятнинг юксак мањнавий даражаси кейинги тоифадагилар билангина умри боқийдир.

* * *

Мањнавият, мањнавий баркамоллик нима ўзи? Энди шу ҳақда тўхталайлик. Мањнавий юксаклик минбарда чиройли гапириш, жамият аро ялтиллаб юришу ўзида топилмаган сифату фазилатлар «рецепт»ини ёдлаб олиб, ўзгаларга сабоқ беришми?

Йўқ, бизнингча, мањнавий баркамоллик табиийлик билан дахлдордир, амалиётда кўринади у. Ростсўзлик, душманига ҳам ёмонлик қила олмаслик; ўзига хоҳлаган нарсанигина ўзгага раво кўриш; ҳар қандай Нафс қутқусига эргашмай, тўғриликни тумор қилиб тақиб олиш, шу

асно ҳеч кимга жабр қилмаслик; сўзида фақат амалинг акс этиши, аъмолидан зиёдароқ сўз айтишни ўзига эп кўрмаслик; бурчини ҳуқуқидан юқори билиб, Оллоҳдан қўрқиб, унинг ризолигини унутмай фаолият юритиш ва ҳоказолар маънавий комилликнинг мезонлариридир.

Бунинг учун эса инсон нафақат дунёвий ҳикмат дурданалари, диний ҳикматлар хазинасига ҳам чин меҳр бериб, уларни имкон қадар ўз иш-аъмолига сингдириб яшамоғи керак!

Илло, Яратган ҳеч биримизни ана шу покланиб-улугланиш йўлидан асло адаштирмасин! Чунки ҳар биримиз жамиятнинг бир ҳалқаси — бир бўлагимиз.

МУБОРАК ТҮЙФУ

(Карманалик тадбиркор Хосият Сафаровага дилсўз)

Бу тириклик дунёсида умргузаронлик қилаётган инсон борки, негадир меҳр қўйиб, нимадандир руҳий қувват олиб яшайди. Шундан ҳаёти мазмундорлик касб этади.

Кимки, ёруғ умид, нек ниятлар билан яшаса, умр йўлларини мақсади чароғон айлаб, истиқболи сари шитоб билан бораверади.

Не баҳтки, Сизнинг меҳр қўйганингиз ҳам ана шундай ёруғ манзилларга туташур яратишга, яхшиликка дахлдор эди. Уларга кўнгил боғлаб, саховатпешаликдай муборак туйғуга ҳам юрак бердингиз.

«Ҳали гўдаккина қизалоқ эдиму кимнингдир қийналганини кўрсам, «Катта бўлсам, пулим кўп бўлса, ана шундайларга ёрдам берсам», дея истар-орзуланар эдим».

Бу туйғу-истак маъсума Болаликни буғунга боғлаб турган, сираси, умр йўлингизнинг чинакам йўлдоши бўла олган Руҳингиз йўлбони - етакчиси эди.

Йигирма йиллик умрингиз Навоий туман босмахонасида (кейинчалик «Навоийазот» босмахонасида) линотипчиликдай мураккаб касбда ишлаб ўтган, касб касаллиги туфайли нафақага чиқиб, дарднинг оғир заҳматларини бошдан кечириб, енгиб ўтиб-яшаб келаётган инсон эдингиз.

Донолар «Ниятинг — йўлдошинг», — дея бежизга айтмаганлар. Яратганинг иноятию Мустақиллигимиз неъмати бўлиб, тадбиркорлик, ишбилармонлик, яратишу бунёдкорликка имкониятнинг эшиклари кенг очилди.

Сиз эса Истиқлол берган бу имкониятни жуда тўғри тушуниб, оқилона қабул этдингиз. Ички ишлар тизимида ишлаб, нафақага чиқсан жуфтингиз Муродулло Сафаров ва бирин-кетин вояга етиб келаётган фарзандларингиз Баҳодир, Ботиржон, Нафисахон, Зилолаҳонлар ёнингизга кириди.

Қурилиш ва пардозлаш ишлари хомашёси бўлган албастр, бўр, ганч, гипс, «шпакловка» кабиларни тайёрлаб берадиган хусусий ишлаб чиқариш корхонаси ташкил этдингизлар.

«Муштни бир жойга уриш»у, ишдаги инсофу одиллик баракага эшик очди. Натижада, ишлаб чиқаришларингиз йил эмас, ой сайн ривожлана борди. Бугунги кунда корхона нафақат Карманаю Навоий вилоятига, балки қўшни вилоятлар аҳолисига ҳам ўз маҳсулотлари билан машҳур.

— Шу йил корхонамиз биноси қурилиши поёнига етмоқда. Энди мармар цехи қурилишини бошлаймиз. Яқинда вилоятимиз ҳокими Б. Рӯзиев қабулида бўлдим. У киши бунёдкорлик, саҳоватпешалик ишларини қўллаб-куvvatлайдиган инсон. Шу боис 30 ўринли дам олиш маскани қуришни ҳам ният қиласяпмиз. 26 нафар ишчихизматчи ишлайдиган корхонамизга, шунингдек, бошқа эҳтиёжманд кишиларга ҳам бепул хизмат кўрсатадиган

бу масканни бунёд этиш, албатта, тезгина бўладиган иш эмас. Лекин шунча нек ниятларимизнинг ижобатини берган Оллоҳ бу орзумизни ҳам...

Сўзингизни тинглайману Кеча ва Бугунингиз кўз ўнгимдан кино лентасидай ўтаверади.

Босмахонада шарафли меҳнат қилган, бироқ касб касаллиги боис кетма-кет Тошкент шифохоналаригача бориб даволанган, руҳи тушкун, рамақижон аёл барини ортга қолдириб, бугун тадбиркор, мулқдор Опага айландингиз.

Ортдаги ўша оғир кунлар боис юрагингиздан янада чуқурроқ жой олган хайр-саховат қилишга орзумандлик иштиёқи бугун кучлироқ бошқараётир Сизни. Айниқса, ўттан йили жуфтингиз, бу йил ўзингиз Ҳаж зиёратига бориб келганингиз бу порлоқ туйгуни янада етилтириб-улфайтириб юбордиёв. Шу боис жорий йилимизнинг меҳр ва мурувват йили, дея аталиши Сизни бекёёс баҳтиёр этди.

Ҳадиси шарифларда: «Эй Али, Оллоҳ яхшиликни яратганда унга лойиқ кишиларни ҳам яратди... Яхшилик аҳлини ҳам яхшилик истовчилар билан амалини рўёбга чиқарди.

Дунёда яхшилик қилувчи кишилар охиратда яхшиликка зришувчи кишилардир», дейилади.

Сиз ана шундай хайриамал соҳибларидан бири эдингизки, бугун не-не эҳтиёжманд кишилар, кўпроқ беморлик боис қийналиб қолган инсонлар олдингизга ёрдам сўраб келмоқдалар. Имкон қадар уларнинг мушкулларини осон этишга ҳаракат қилаяпсиз.

Бу борада сўз кетганда эса: «Бу бойлик — неъматлар Оллоҳнинг берган синовидир менга. Ахир, ТошМИ шифохонасида ётганимда неча бор ўлимга рўбарў келган, тузалишимга ўзимнинг умидим қолмаган эди. Бир ёғи шифокорларнинг хизмати, иккинчидан, «Навоийазот» корхонаси маъмурияти қўллаб-қувватлага-

нию турмуш ўртогимнинг беқиёс бағрикенглик билан меҳрибонлик кўрсатгани бўлса; энг асосийси, Оллоҳ таолонинг кўрсатган марҳаматидир, мана шундай ҳаётга етиб келдим.

Шу боис кўпроқ bemорларни тушунгим, имкон қадар уларга ёрдам бергим келаверади», дея дилингиздагини тўкиб солдингиз.

Хосият опа, Сизда яна бир эътирофли, гўзал фазилат бор. «Севдирадиган ҳам, бездирадиган ҳам тил» эканини унутмай, адолат тошу тарозисини қўлингиздан, дилингиздан қўймай, муомала-муносабат қила-сиз кишига.

Шу боис қайнона-келинлик муносабатларида ҳам кўпга намуна қайнонасиз; эл-улусга, тойрилган қайнона-келинга сўзу сабоқ айтгувчи инсонлардан бирисиз. Яна ёмон кўрганингиз — хиёнат, ёлғон сўз айтмоқ, бирорвга фириб бермоқ.

«Кимки «умр оти»нинг бошини бу йўлга бурса, манзили хатар, нияти сароб, барака топмайди. Банда борки, ана шу қусурлардан қочиб, яхшиликка, лоақал безарар умр кечиришга йўл очиб яшамоги лозим».

Мана, Сизнинг ўйу ақиданги турумуш тарзингизни белгиловчи мезон.

Эшитгандикки, куни кеча бир кам таъминланган хонадоннинг фарзандини тўй қилиб берган экансизлар.

— Тўй палласи ўтади-кетадию тайёгарлигу кейинги йиг-йифиштирлари толиқтиради-да, кишини. Бу устама ташвишлар оила аъзоларингизга малол келмадими? — сўрадик уларнинг чеҳраларидаги ҳоргинлик, чарчоқни кузата туриб.

— Шундай ташвишлар борки, қийинчилиги ҳам ёқимили. Тўй қилиш, қурилиш-бунёдкорлик ишлари, Ҳаж ма-шаққатлари, бирорвнинг ҳожатини чиқариш, илм олиш ана шундай ташвишлардан.

Чарчоқ ўтади-кетади. Илоҳим, Яратганинг ўзи биз бандаларини фақат ана шундай ташвишлар билан қийнасин...

Фикрингизга минг чандон қўшилдик.

Остонада хайрлашдик Сиз билан. Руҳимизда катта бир қониқиши, ифтихор билан қайтар эканмиз, йўлақда қадамларини аранг судраганича, елкаси билан, ҳарсиллаб нафас олиб келаётган жувонга кўзимиз тушди. У бизга мунг тўла қароғларини тикиб, «Хосият опанинг уйлари шуми», дея сўради.

— Ҳа, шу, — дедигу Сизнинг ҳали айтган гапинигиз ёдимизга тушди.

— Гулдай, ёшгина жувон ўпка силига дучор бўлибди. Онамларнинг қишлоқларидан. Даволанишига ёрдам беришм керак. Тўй бироз «толиқтириди». Лекин Муҳаррам исмли бир дугонам бор. У ҳам қўлидан келганча ана шундай тадбиркорларга бош қўшиб юради. Шуни ёрдамга чақираман. Биргалашсак, уддасидан чиқармиз. Аввали, шифо Яратгандану биз ҳам инсонлик бурчимизни бажаришимиз лозим-да...

Шу ғариба жувоннинг, унга тақдирдошларнинг баҳтига Сиздайлар борлигига шукр.

Аслида, бойлари эҳтиёжманларига қайишадиган юртда барокат бўлади. Ҳаётимиз қут-баракасини ошириш учун ҳам Сиздайлар кўпайсин илоҳим, Хосият опа!

ҲАЗРАТИ АЁЛ

МУҚАДДИМА

Тошни ёриб чиққан майса, лола ёки қизгалдоқни кўрганмисиз?

Кўрган бўлсангиз, табиий бир қувонч ҳам кирган руҳингизга. «Яшаш учун кураши»да голиб чиққан шу мурга-

гү маъсумгина гиёхнинг қувватига қойил қолгансиз. Иродангизга куч, руҳу жонингизга қўшишма қувват-қудрат ҳис қилгансиз. Ва... Алҳол ҳалигина Сизни бездириб-чарчатиб, чекинишга мажбурлай бошлаган қийинчиликлар кичрайиб қолганини ҳам англағандирсиз...

* * *

Сиз — сабрнинг сувратисиз, Зайнабхон!

Сиз — бардошнинг тимсолисиз. Бошингиздан хиёнатнинг қаро-бало тошлари ёғса, уларни бағрига босгану бошига кўтариб ардоқлаган аёлсиз. Лекин, ҳарқалай, 19 йиллик вафою садоқатга хиёнат болта кўтарганига чидаш мумкиндир, ҳар бир кўрсатган меҳр-оқибатинг юзсизлик қиличи тифи билан кўз олдингда бўғизлангани — жон таслим қилганини кўриб тоқат этиш мумкиндир. Аммо тишингда тишлиб ўстирган фарзандларинг бошига Меҳр ўрнига Оқибатсизлик ёғилса, бурч меваларики заҳаролудлик касб этса, энди бунга чидаш мумкин эмас. Сиз эса ана шунга ҳам чидаб келган, тоқати тоғларга тимсол бўлган аёлсиз.

Кундошни бағрида асрай билган аёл, ушоқунина жони билан сурув ҳайдаб, илон ушлаб (кўлвор илон шифобахш саналади), исириқ йифиб, тирикчилик кечирган аёл (савобкорлика бетимсол инсон)!

Лекин бу тирикчиликка бир-биридан маъюсдил олти нафар фарзандингиз кўзларидаги ёш, дилу тилларидаги исён, Оллоҳга илтижолари чек қўйди, балки. Чунки Сиз сурувга кетганда совуқда дилдираб, қаровсиз юришдан тўйганди болалар. Асосли-асоссиз ҳақорат-таёқдан, тухматдан тўйганди улар. Айниқса, зулмкор Кучнинг калтаклари остида эзила-эзила сўниб бораётган руҳингиз фарёдини англааб, қайғуришдан тўйганди болалар.

Балки баридан ҳам кўпроқ номуссизлик, орсизлик, ҳақсизлик Ҳаққа аён эди, кечирими ҳам поёнига етганди, Қаҳҳорлиги тутганди унинг.

...Ана шу боис ҳам 1996 йилда барига чек қўйилди! Аммо бундан кейин ҳам яшаш осон кечмади. «Ўша йили болаларим билан 30 тележка хашак йиғдик. Ярми қўйларга қиши озуқаси бўлди. Ярмини сотдим, тирикчилигимизга яради. 2 гектар ерга лалми буғдой экдим. Қариндош-уруглар ёрдам қилишди. 2 тонна сара буғдой олдик. Кечаги куннинг қарзу ҳаволасига кетиб, бир дона молимиз қолмаганди. Давлат молиям камайиб кетган, қолганиям ориқ-касалманд эди.

Отам ўзимизга 2 та эчки, 3 та бузоқ бердилар. «Хўжаликнинг қўйларини асрарим-кўпайтиришим керак. Қачонки, давлат режасини бажара бошласам, мукофот қўйлар ола бошлайман. Болаларим улгайгунча, ўзимишни тиклаб оламиз», деган мақсадга келдим.

Ана шу боис сурувни учга бўлиб боқдим. Раҳматли қайнотам Омондулло Файбуллаев 40 йиллик тажрибага эга, машҳур чўпон эдилар. Қўп ишларини ўрганиб-ўзлаштириб олгандим, қўл келди. Айниқса, озғину ичидан боласи бор қўйлар учун «реанимация бўлими» ташкил этдим. Уларнинг узоқ вақт бир ерга ётиб қолишига йўл қўймадим, яхши едириб-ичирдим. Қодир Этамнинг марҳамати билан кунба-кун аҳвол яхшиланаверди, ҳастимизга қут-барака кириб келаверди».

Ҳали айтганимиздай, зулму ситамларга чидаган эдингиз, хиёнату жабрларга сабр этган, кечирган эдингиз.

Пайгамбаримиз Мұҳаммад мустафо (С.А.В.) демишлар: «Кимга бир бало етса, сабр қилса, неъмат етса, шукр қилса; зулмланса — кечирса, ўзи зулм қилса, кечирим сўраса — мана шундай одамларга охират ва дунё омонлиги бўлур».

Ана шу сабабдандир, балки, бугун Сизнинг аҳволингиз тамомила яхши томонга ўзгарган — қўра-қўра молларингиз бор. Оқибатли фарзандларингиз айтганингиз ижросига доим тайёр. Ҳовли-ҳарам сотиб олдингиз, келин олиб, невара суйиб, ўғил-қиз ўқитаяпсиз. Бироқ ҳали-

ҳануз қўйу қўтон орасидасиз. Ўғлингизга ишонасиз, аммо уни ёлғиз қолдиришга ишонмайсиз.

«Чўлу чўпон ҳаётида довулу бўронлар, даҳшатли ёмғиру дўллар бор. Бундай кезда қўйларни бир жойга тўплаб турилмаса, шамол кучи билан чопиб кетаверади. Ана шунда қорнида боласи бор совлиқ ҳолдан кетади, йиқилади — қайтиб турмайди.

Шунинг учун доим қўйлардан боҳабарман. Бундай оғатли кезларда бўрон, довул ўтиб кетгунча, шилта бўлиб ивib кетсан ҳам қўйларни қайтариб туравераман».

Сиз азалдан меҳнатсевар, билимли, илму маърифатга ўч қизгина эдингиз. Насибангиз илмдан бўлмади, бироқ илмпарварлигинги руҳингизда қолаверди. Шу боис бугун ҳам маърифатга ўчсиз. Чўпонлик, чорва илмини ҳаммадан яхши биласиз.

Яна эса... Бугун-да китобхонлик қиласиз, шеърлар битасиз. Сиз ёзган қораламалар шунчаки зўрма-зўраки ёзилган жумлалар эмас. Юракнинг туб-тубидан пўрганадай отилиб чиқадиган туйгулар тўлғоғи, меҳр булоги маҳсулни бари.

Машқларингизнинг ҳар бир банди - сўзида вояга етолмаган талант исён қиласи, билим мавж уради, комил инсонликнинг руҳи-ранги бўй кўрсатади.

Сабрнинг суврати, бардошнинг тимсоли, Зайнабхон! Бугун Сизга бу сифатлар камлик қилаёттандай. Бонси, Сиз билан сұҳбатлашиб ўтириб, «Нурота» ширкат хўжалиги раиси, машҳур чорвадор Зайниддин Омоновнинг фикрларини эшлиб, ҳаёtingизга доир яна кўп фактларни билиб олдим.

Сиз — ота-она шароитини ўйлаб, ёниқ орзулардан кеча билган — ўқишга боролмай, чўпон ўтовида қолиб кетган Ёшлик!

Сиз — фарзандлари, уларнинг тинчлиги-хотиржам ҳаёти учун ўз «мен»и истаги, ҳою ҳавасларини қурбон қила олган фидойи, куюнчак Жон!

Сиз — бор-бутун фазлу камол, ҳаёт тарз, хатту ҳаракатларингиз билан иймонсизлик, диёнатсизликка исён — комилу Замон!

Хуллас, Сиз жуда-жуда чеккада — Нурота туманининг бир чўлу кабирида бирорвга кўриниб-бирорвга кўринмаган; лекин не-не беқаноату бесабр, ўз «мен»ининг истак-хоҳишидан чиқолмаган жонлар нафсу ҳавога қарши курашни ўрганиши керак бўлган Ҳазрати инсон — Ҳазрати Аёл!

XOTIMA

Тоини, тошданда метин ерни ёриб чиққан гиёҳни кўрганмисиз?..

Нуроталик чўпон аёл Зайнаб Омонова ҳақида ўйладим дегунча, кўз олдимда ана шу метин жойда ял-ял яшнаб, қуёшга бўй чўзаётган гиёҳ келаверади.

ЧЎЛ БЕКАСИ

ҲАР ЕРНИНГ ЎЗ ХИЗРИ БОР

Айдаркўл тунги сукунат бағрини ёриб, шовуллайди...

Беҳудуд дашт қўксига бош қўйган қоронғилик маҳобати бу овоздан тамоман улғайиб кетганки, юракка ваҳм солгудай.

Меҳмон бўлиб келиб, ётиб қолтан сингил кўрпага бурканади.

Бир лаҳза ўтар-ўтмас шовуллашга чўпон итларининг акиллаши ҳам қўшилади. Кейин... Новвот опа ўрнидан туриб, чопонини кийишга тутинади. Бир пасдан сўнг эшикнинг «ғийқ» этиб очилганию, чўл бекасининг оёқ шарпаси эшитилади.

— Ростини айтсам, мени ўша кечада тоза ваҳима чулғаганди...

Кейин ухлаб қолибман. Ҳатто уйқудаям ана шу қўрқув ичида ётдим-ов, — дейди сингил қаҳрамонимиз Новвот опа ҳақида гапира туриб. — Эрталаб чой устида опам билан гаплашиб ўтириб: «Бу ваҳимали кечадан

Сиз қўрқмайсизми, яна бемалол сурувни ёйишга кетавердингиз?» — деб сўрадим.

— Йўқ, даштниям, сувниям, тоғниям, боғниям, қўйу қўтон, одамизотнинг ҳам эгаси — Худо бор. Ўзи сақлайди, — дейди бамайлихотир.

Ана шундай, деб меҳмон сингил ифтихор билан опасига жилмайиб боқади.

Новвот опа ўзигагина хос хушчақчақлик билан суҳбатни илиб кетади.

— Бунинг ваҳимасини аксарият ётиб қолган меҳмонлардан эшитаман. Бирори ҳатто «Айдар кўкламни «кўриши» билан «шишиб — тоша бошлайди». Шундоққина барида яшар экансизлар, тошиб келиб, оқизиб кетса, нима қиласизлар?» — дейди.

Мен унга шундай деб жавоб бердим:

— Нима қилибди, қайигимиз бор. Нуҳ пайғамбардай сузуб чиқиб кетаверамиз.

Опа аввал ўз ҳазил-жавобидан қониқиб-яйраб кулади. Кейин жиддий тортиб, сўзини давом эттиради:

— Оллоҳ берган умр, тақдиру азалнинг ҳукми бор. Ҳар қандай вазиятдаям ўшани кўради бандаси. Холиқ эгам асраса, бало йўқ. Мен унга ишонаман. Яна элда «Чўлнинг ўз Хўжай Хизри бўлади», деган гап бор. Мен уларга ишониб-суюниб, 32 йилдан бери шу жойда умргузаронлик қилиб келаяпман. Турмуш ўртогум ҳаётлигида — сурувни у боққандаям; кейин ўзим фарзандларим билан отар кетидан юрган кезларим ҳам; ўғлим Акмалжон чўпон бўлиб, сурувга эгалик қилаётган шу кунлардаям қўйларни яйловга ёйиш вақти бўлдими, тураман...

«Бундай бедорхоблигининг сабаби нимада?» Қурғоқчилик йиллари ҳам ўтганку. Ўшанда мушкул муаммога дучор бўлиб, қийналиб қолмагансизларми?» каби аксарияти чўлbekаси ҳаётини чуқурроқ билиб олиш учун берган кетма-кет саволларимизга эса опа қуйидагича жавоб қайтаради:

— Тұрмуш ўртогим тунда қўй боқишининг ҳикматини күп айтар әдилар. Ёзда кундузи иссиқда ҳолсизланиб ов-қатланолмаган қўйлар кечаси салқинда егани танасига сингиб, яйраб-етилаверар экан. Қишида ёйиш эса қўйларнинг оёқ чигалини ёзишга, ётиб егани ҳазм бўлишига хизмат қиласкан. Бунинг устига «қўй оёғидан семиради», деб бекорга айтилмаган, сурув юрган сари ризқи оёғи остидан илдизу каррагу коврак бўлиб чиқаверади-да.

Ана шу боис ҳам бу борада темир интизомга амал қиласман, қаттиққўллигим ҳам хийлагина бор...

Умуман, ўз вақтида қилинадиган меҳнат-заҳматдан қочмаган чўпон муаммо-мушкулотга дучор бўлмайди. Бунинг устига, яйловимиз кўлга туташ бўлгани сабабли, ҳамиша чорва озуқаси сероб бўлади. Қўрғоқчиликлар деярли таъсир кўрсатмайди.

АРМОН

Асли, Новвот опа «Қизилча» ширкат хўжалиги марказида туғилиб, вояга етган. Мактабни битиргач, ота изидан бориб, савдо соҳасида ишлай бошлаганди у. Қиз бола палаҳмоннинг тоши, деганлари рост экан. Тақдир опани ота уйидан 25 километр олисга, юқорида айтганимиздай, Айдаркўл бўйидаги чўпон ўтовига «келтириб қўйди».

Турмуш ўртоги Чўлибой Жуманазаров чин заҳмат ичиде яшаёттан инсонлар — кўзи ожиз ота, муштипар, мушфиқ онани аяб, уч ука-жигарига оталик қилиб келарди.

Новвот опа маъмур хонадондан анча қўли қисқа бу оиласа келин бўлиб тушган бўлса-да, тақдиридан асло нолимади. Оллоҳдан фақат яхшилик тилаб-истаб, астойдиллик билан жуфтининг ёнига кирди. Уқувли, тадбиркорлигию ишсеварлиги қўл келди унинг. Ҳадемай хонадонга хайру барака кириб келди. Йил ўтган сайин отарларидаги қўй-қўзилар сони орта борди.

Ана шулар сабабли ҳам турмуш ўртоғи довруғли «Чүлибой қўпон» бўлди ва 1981-85 йилларда икки ма- ротаба «Жигули» енгил машинаси билан тақдирланди.

Яхши келин қайнонасига ўхшаркан, шекилли. Баро- барига қаҳрамонимиз қайнонасидан тўрт нафар ўғилга ҳам она бўлди.

Қайнона - қайнотаси оламдан ўтгач, қайнэгачилари- га ҳам оналик қилди. Чўлибой aka билан бирга улар- нинг оиласи, уйли - жойли бўлишларига кўмаклашди.

Бир фозил одам билан суҳбатлашганимизда, у зот ҳаёт ҳақида мулоҳаза юрити туриб, шундай деган эди.

«Инсон ҳаёти юрак уришининг ёзуви (кардиограмма)- га ўхшайди. Гоҳ «кўтарилиш», гоҳ «пасайиш» яна «кўта- рилиши»ни... кузатаверасан, киши».

Дарҳақиқат, Новвот опалар ҳаёти ҳам бу нарсани очиқ- ойдин исбот этиб турибди. 80-йилларда барча оғирликларни енгиб, юксалиш йўлига чиқиб олган оила 90-йиллар бошида анча мураккабликка дуч келиб, қийналиб қолди. Бойси, Чўли- бой aka оғир касаллик билан ҳаётдан кўз юмган эди.

Бу йиллар қаҳрамонимиз ва фарзандлари учун катта синов йиллари бўлди. Сурувни ўзи бошқараётган опа (фар- зандлари мактаб, институт ва бошқа ўқув даргоҳларида ўқир эдилар), дастлаб отарни хўжаликка топшириб, қиши- лоққа ҳайтиш хulosасига келганди. Ана шундай бир пай- тда учинчи ўғил — Акмалжон 10-синфда ўқиётганди. У қанчалик яхши ўқишига қарамай, чўлга келишга, отадан қолган чўпон таёфини олишга қилди.

Она ўғлини сўзидан қайтаришга қанчалик ҳаракат қилмасин, кўндиrolмади.

Новвот опа армон ҳақида гапирганда, бугун ана шу ўғлининг «билими зое кеттани»ни ёдга олади ва ўқинади.

Лекин отанинг касб-корга муҳаббат туйғуси билан йўғрилган қони томирларларида оқаётган Акмал бун- дан надомат чекмайди. Аксинча, лоақал ота изидан бо- риб, унинг руҳини шод қилганидан хурсанд бугун.

Қаҳрамонимиз Новвот опанинг бу дунёда яна бир армона бор. Жуда оғриқли армона. Акаси туман, ҳатто вилоятда самбо кураши бўйича танилган спортчи Ҳошим Шукуров ўтган йили тўсатдан юрак хуружи касали билан вафот этди. Ана шу қора қайғунинг юрагига солган доду азоби бугун ҳам опанинг руҳу жонини сирқиратиб азоб беради. Шу боис «куйигига ямоқ» топиш илинжида укаси Фозил Шукуров билан бирга акасининг номига Хотира турнири ташкил этди. Голибларга энг чиройли совғалар атади.

БИР ОТАРДАН ИККИ ОТАР ЯРАТИБ

«Қизилча» ширкат хўжалиги раиси Ҳазратқул Қурбонов иши ривожланган чўпон отарлари тўғрисида гапиранкан, Новвот опанинг ўғли Акмал Жуманазаров отари хусусида алоҳида тўхталади.

— Ҳар йили бир отардан иккинчи отарни ярататётган, шу йил ҳам ҳар юз бош она қўйдан 115 тадан қўзи олган бу тадбиркор инсонлар Мехр ва мурувват йилининг юкинида теран ҳис қилишагити. «Хайр-садақани аввал аҳли оиласдан бошлаб, кейин қариндош-уругларингта, ортса, яна бошқа-бошқа инсонларга қиласавер», дейилади Ҳадиси шарифда. Опа ҳам ўзи ва турмуш ўргонининг қариндош-уругларига қўлидан келганча ёрдам бериб келаётир. Шу йил ҳам қайниукаси, раҳматли Суннат аканинг ўғлини сафарбарлик чақириви резерви хизматига юбориш учун тўла-надиган шартнома пулинни Опа тўлаб юборди.

Болалари ўқиган 22-мактабга китоб олиш учун ҳомийлик ёрдами кўрсатди ва ҳоказо.

Аслида, мазкур хислат Опанинг қонида бор. Шу боис бу каби ҳаракатларини фақат жорий йилда қилаётгани йўқ. Қариндош-уруглари орасида қийналгандарни борки, у ҳамиша ва ҳар доим мадад қўлини чўзиб келаяпти.

БАРАКА САХОВАТ БИЛАН

Саховатпеша инсонларни ҳар тойрилганида Оллоҳ қўлидан тутар экан. Бунинг устига саховатпешалик тадбирлари киши молини камайтирмаслиги хусусида Яратганинг ваъдаси ҳам мавжудки, бу Новвот опа Жуманазарованинг ҳаёт йўлида ҳам ўз исботини топган.

Уч ўғил уйланган, уйли-жойли, бола-чақали, «уловли-отли» бугун. Кенжаси Рашидjon Навоий Давлат кончилик институтида таҳсил олаяпти. Шу кунларда опа унга келин тушириш ҳаракатида юрибди.

— Қизим йўқ эди, Худога шукр, биринчи неварам қиз бўлди. Ҳозир 5 нафар неварам бор. Улар соғ-саломат, фарзандларим ўзига тинч, оиласи билан аҳил-иттифоқ яшаётгани — энг катта баҳтим, — дейди Новвот опа суҳбат асносида.

Чинданам, миллатимиз оналарининг бундан ортиқ орзу-нияти ҳам, баҳти учун бошқача мезон ҳам бўлиши мумкин эмас.

* * *

Шамол гувранади. Айдаркўл қирғоқларга тўш уриб, шовуллайди. Ёз, куз, аёзли қиши кунлари бу шамол, анчайин ён бериб пасайган кўл қирғоқларидаги тузни чўпон уйи томон пуркайверади.

... Лекин қаҳрамонимиз ўғиллари Акмал ва Рашид, келини Дилдораҳонлар билан бу заҳматли ҳаёт бағрида умргузаронлик қиласверади. Умру кунлари қўйу қўтонлар орасида кечиб, оиласига ризқ-маъмурлик олиб келиши учун югуриб-елаверади. (Баробарига элу улус ҳаётига тўкинлик олиб келиш учун ҳам!)

Ана шундай инсонлар борлиги туфайли ҳам Юрт обод, кўнгиллар шод бўлишига ишонгинг келади, кишининг.

МУНДАРИЖА

I БОБ. Менинг келинчак қызим

Менинг келинчак қызим	4
Биринчи сабоқ . Дарапт бўлиб илдиз от, болам	6
Иккинчи сабоқ . Нафсингга эрк берма	11
Учинчи сабоқ . Тан олмоқ ҳам фазилат	17
Тўртиниччи сабоқ . Жаҳл-жаҳолат иши	22
Бешинчи сабоқ . Сўзу амалинг бир бўлсин	26
Олтинчи сабоқ . Қарғиш олма	29
Еттинчи сабоқ . Тил заҳри ёмон	34
Саккизинчи сабоқ . Ўзгалар меҳнатини тан ол	39
Тўққизинчи сабоқ . Ёлғоннинг юзи қора	43
Ўнинчи сабоқ . Оқила аёллардан ибрат ол	48

II БОБ. Ҳаётий новеллалар

Қисмат	53
«Қаён одим боссам, ўт - олов...»	62
Таназзул	68
Нафс қурбонлари	71
Муруват	76
Ийсон, инсонлигинг қайдада ёки «стош келин»нинг тошдан оғир қисмати ҳақида ҳикоят	80
Ўлимни чорлаган ҳукмсўз	84
Армон	88

III БОБ. Аёлга очиқ хат

Бу хатонинг оғриғи умрбасардир	93
Муқаддас аёл сирасига кирмаганлар ҳақида сўз	100
Оила нега дарз кетди	107

IV БОБ. Дилдаги сўз

Она элнинг уйроқ сўзли шоирасисиз	113
«Ҳеч ким бир-бирининг кўнглига бормас»	118
«Менга сўймакликни ёзибди худо»	125
Сочмалар	132

V БОБ. Бир аёлки...

Ўзлигин беҳ тутар ўзидан	137
Истиқтол жамияти маънавияти хусусида сўз	144
Муборак туйғу	145
Ҳазрати аёл	149
Чўл бекаси	153

Адабий-бадиий нацр

САЛИМА УМАРОВА

МЕНИНГ КЕЛИНЧАК ҚИЗИМ

Муҳаррир М.ХУДОЁРОВА

Бадиий муҳаррир Б.БОЗОРОВ

Тех.муҳаррир В.ДЕМЧЕНКО

Мусаҳид Ҷ.МИНГБОЕВА

Компьютерда саҳифаловчи Е.НАЗАРОВА

Муқомма «Artlo» дизайн марказида тайёрланди

ИБ 3930

Босишига 23.07.2004й.да рухсат этилди. Бичими 84x108 1\32.

Босма тобори 5,0. Шартли босма тобори 8,40.

Адади 2000 нусха. Баҳоси келишилган нархда.

Буюртма № 183.

«Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа марказида тайёрланди.

«Ёшлар матбуоти» босмахонасида босилди.

700113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.